

ИМОМ БУХОРИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ



ИСЛОМДА МЕРОС ТАҚСИМОТИ



يُؤْتِيكُمُ اللَّهُ فِي أَوْلَادِكُمْ لِلذَّكَرِ مِثْلُ حَظِّ الْأُنثِيَيْنِ



ИМОМ БУХОРИЙ ХАЛҚАРО
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ

ИСЛОМДА МЕРОС ТАҚСИМОТИ

“Имом Бухорий халқаро маркази”
Самарқанд – 2018

УЎК 28
КБК 86.38
Қ 87


Нашрга тайёрловчилар:
Толибжон ҚОДИРОВ,
Иброҳим НУРУЛЛОҲ

Исломда мерос тақсимоти [Матн] / нашрга тайёрловчи:
И. Нуруллоҳ. – Самарқанд: Имом Бухорий халқаро
маркази нашриёти, 2018. – 160 б.

*Мерос илми ўта долзарб мавзулардан ҳисобланиб,
у ҳақдаги билимларни ўрганиш ва амалда қўллаш ҳар
бир мусулмоннинг бурчидир. Динимизда мерос ҳақидаги
кўрсатмалар аниқ ва батафсил ёритилган бўлиб, унда
марҳум қолдирган мерос ҳақдорларга адолат билан
тақсимланиши таъминланган.*

*Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳнинг мазҳаби асо-
сида баён қилинган ушбу китоб фаҳмлашга осон, ҳаётга
татбиқ қилишга қулай ва халқимиз учун мерос тақси-
мотида муносиб қўлланма бўлиб хизмат қилади, деган
умиддамиз.*

*Шунингдек, китобнинг шариатга мувофиқ меросни ҳақ-
дорлар орасида тақсимлаб берувчи компьютер дастури
ҳам илова қилинди.*



УЎК 28
КБК 86.38

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Дин ишлари бўйича кўмитанинг 2018 йилдаги 1041-сонли
хулосаси асосида нашрга тайёрланди.

© Т. Қодиров, И. Нуруллоҳ
ISBN 978-9943-5197-9-4 © Имом Бухорий халқаро маркази, 2018



МУҚАДДИМА

Бандаларига ораларидаги меросни юксак адолат ила тақсимлашнинг таълимини берган, мерос илмини дин илмлари ичида энг улуғларидан бири қилиб қўйган, Ўзи амр этганидан бошқача тарзда мерос тақсим қилишдан қайтариб, биз, бандаларга катта раҳмат кўрсатган Раббимиз Аллоҳга Ўзи таълим берганидек, буюрганидек мақтовлар, ҳамду санолар бўлсин. Сенгагина ибодат қиламиз ва Сендангина мадад сўраймиз.

Ўз умматларига мерос илмини жонкуярлик ила етказган, уни амалда кўрсатиб берган, бандаларнинг ҳақларини тўла-тўқис адо этишга ундаган суюкли Расулимиз, кўзимиз оқу-қораси бўлган Набийимизга ва у кишига яхшилик ила эргашган мўминларга салавоту саломларимиз бўлсин.

Буюк Аллоҳ Ислом динининг мукамал, ҳар бир замон ва маконга мос бўлишини, бандалар ушбу динга эргашганларида дунё ва охираат саодатига эришишларини ирода қилган. Ислом бутун инсониятга улуғ ҳаётгий кўрсатмадир. Соф Исломга амал қилган отабоболаримиз бир вақтлар ушбу динлари сабабли бутун дунёда пешқадам бўлишган. Инсониятга юксак маданиятни ҳамда турли диний ва дунёвий илмларни

таълим беришган. Улар ўз динларига биргалашиб амал қилган вақтларида олдиларига ҳеч ким туша олмаган. Бунга тарих гувоҳдир.

Ушбу мукаммал диннинг мерос ҳақидаги кўрсатмалари ҳам бекам-кўстдир. Вафот топган инсоннинг қолдирган меросидан кимлар ҳақдор бўлса, уларнинг ҳақлари адолат ила адо этилиши таъминлангандир.

Мерос мавзуси халқимиз учун ўта долзарб бўлгани сабабли устозларимиздан бирларининг тавсиялари ила фаҳмлашга осон, ҳаётга татбиқ қилишга қулай, халқимиз учун мерос тақсимоти борасида муносиб қўлланма бўладиган бир рисола тасниф этишга қарор қилдик. Устозларнинг дуоларини олгандан сўнг, Аллоҳдан мадад сўраган ҳолда ушбу ишга киришдик.

Ушбу рисола ни ёзишда мерос масалаларини Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳнинг мазҳаби асосида баён қилдик ва ишимизга қуйидаги китобларни асос қилиб олдик:

– Сирожиддин Сижовандий Ҳанафий раҳматуллоҳи алайҳнинг машҳур “Фароизи Сирожия” матни (Мақтаба Бушро, Карачи, биринчи босма, 2008 йил).

– Саййид Шариф Журжоний Самарқандий раҳматуллоҳи алайҳнинг “Фароизи Сирожия”га ёзган шарҳи (Мақтаба Мустафо, Миср, 1944 йил).

– Аллома Ибн Обидийн Шомий раҳматуллоҳи алайҳнинг “Дуррул Мухтор”га ёзган “Раддул Мухтор” номли машҳур ҳошияси (Дор оламил кутуб, Риёз, 2003 йил).

– Муҳаммад Низомиддин Киронавийнинг “Фароизи Сирожия”га ёзган “Далилул вуррос” номли хошияси (Мактаба Бушро, Карачи, биринчи босма, 2008 йил).

Шунингдек, ушбу китобга компакт-диск илова қилинган бўлиб, унда меросни ҳақдорлар орасида Исломга мувофиқ тақсимлаб берувчи компьютер дастури ёзилгандир.

МЕРОС ИЛМИ ВА УНИНГ ФАЗИЛАТИ

Мерос илми – фикҳ илмининг бобларидан бир бобдир. Фазилати улуғ бўлгани учун уни ислом уламолари фикҳдан ажратиб олиб, алоҳида эҳтимом билан ҳам ўрганишади. Ушбу илми фақиҳлар “мерос илми” ва “фароиз илми” деб номлаганлар ва унга “Фароиз илми – ҳар бир меросхўрнинг вафот топган инсон қолдирган нарсада шариат белгилаб берган насибасини чиқариш учун қўлланувчи фикҳ ва ҳисобдан иборат бўлган қойдалар мажмуаси ҳақидаги илмдир”, деб таъриф берганлар (*Ибн Обидийн, “Раддул Мухтор”*).

Мерос (ميراث) сўзи араб тили луғатида боқийлик ва бир қавмдан бошқа қавмга ўтувчи нарса маъноларида келади. Шунингдек, молнинг бир кишидан иккинчи кишига ўринбосарлик жиҳатидан кўчиб ўтишига ҳам мерос деб айтилади.

Юқорида қайд этганимиздек, ушбу илм “фароиз илми” деб ҳам номланади. “Фароиз” (فرائض) фарз сўзининг кўплиги бўлиб, бу ўриндаги маъноси ўлчаб беришдир.

“Фарз” (فرض) сўзининг мерос илми жабҳасидаги маъноси фақиҳлар қуйидагича таъриф берганлар: “Фарз – шариат муайян меросхўрга ўлчаб-берган насибадир”.

Ушбу муборак илмнинг фазилати ҳақида Қуръон оятлари ва кўплаб ҳадислар ворид бўлган. Аллоҳ айтади:

لِلرِّجَالِ نَصِيبٌ مِّمَّا تَرَكَ الْوَالِدَانِ وَالْأَقْرَبُونَ وَلِلنِّسَاءِ نَصِيبٌ مِّمَّا تَرَكَ
 الْوَالِدَانِ وَالْأَقْرَبُونَ مِمَّا قَلَّ مِنْهُ أَوْ كَثُرَ نَصِيبًا مَّفْرُوضًا

“Эркаклар учун ота-оналари ва яқин қариндошлари қолдириб кетган (мерос)дан улуш бордир. Аёллар учун (ҳам) ота-оналари ва яқин қариндошлари қолдириб кетган (мерос)дан улуш бордир. Бу озми-кўпми, фарз қилинган улушдир”¹ (Нисо сураси, 7-оят).

Юқоридаги оятда Аллоҳ – ўғил бўлсин, қиз бўлсин, меросда ҳақлари бор эканлигини таъкидламоқда. Аллоҳ Қуръонда сўз юритган, баён қилиб берган ҳар қандай нарса ўта улуғ ва жиддий нарсадир.

Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қуйидагича марҳамат қилганлар:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ:
 تَعَلَّمُوا الْفَرَائِضَ وَعَلِّمُوهُ فَإِنَّهُ نِصْفُ الْعِلْمِ وَإِنَّهُ يُنْسَى وَهُوَ أَوَّلُ
 مَا يُنْسَعُ مِنْ أُمَّتِي. (رواه ابن ماجه)

“Фароизни ўрганинглр ва уни ўргатинглр. Албатта, у илмнинг ярмидир. Аниқки, у ёддан кўтарилиб кетади ва у умматимдан биринчи бўлиб суғуриб олинувчи нарсадир” (Ибн Можа ривояти).

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мерос илмини ўрганишга тарғиб қилишлари – бу илмнинг

¹ Оятлар таржимаси Шайх Абдулазиз Мансурнинг “Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири”дан олинди.

шахс ва жамият учун зарур эканидан, таълим беришга тарғиб этишлари бу илмга кўп одамлар эътиборсиз бўлганларидан ва бу илм умматдан биринчи бўлиб суғуриб олинувчи нарсга эканлигидандир.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоху анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва салам қуйидагича марҳамат қилганлар:

عَنْ ابْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ:
تَعَلَّمُوا الْقُرْآنَ وَعَلَّمُوهُ النَّاسَ، تَعَلَّمُوا الْفَرَائِضَ وَعَلَّمُوهَا النَّاسَ
فَإِنِّي أَمْرٌ مَقْبُوضٌ وَإِنَّ الْعِلْمَ سَيَقْبِضُ وَتَظْهَرُ الْفِتْنُ حَتَّى يَخْتَلِفَ
الْإِثْنَانِ فِي الْفَرِيضَةِ فَلَا يَجِدَانِ مَنْ يُفْصَلُ بَيْنَهُمَا. (رواه البيهقي)

“Қуръонни ўрганишлар ва уни одамларга ўргатишлар, фароизни ўрганишлар ва уни одамларга ўргатишлар. Мен вафот топгувчи инсонман. Ва албатта илм тезда кўтарилиб кетиб, фитналар зоҳир бўлур. Ҳатто, икки инсон мерос масаласида ихтилоф қилиб қолиб, уларнинг орасини ажрим қилиб берувчи одамни топа олмай қоладилар” (Имом Байҳақий ривояти).

Ушбу ҳадисда ҳам Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам мерос илмининг қадрини таъкидламоқдалар ва шу боис уни ўрганиш ва ўргатишни Қуръонни ўрганиш ва ўргатиш билан бир қаторда зикр қилмоқдалар. Бу фароиз илми қанчалар улуғ даражадаги илм эканлигига катта далилдир. Шунингдек, у киши соллаллоху алайҳи ва салам: “Ва албатта илм тезда кўтарилиб кетиб, фитналар зоҳир бўлур”, деб огоҳликка чақирмоқдалар. Ҳа, пайғамбарлар ҳам инсон. Бир кун келиб улар ҳам

Аллоҳнинг ҳузурига кетадилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаёт эканлар, ҳар бир соҳадаги каби, мерос илмида ҳам муаммолар бўлмас эди. Зеро, у киши соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар бир масалани Аллоҳ буюрганидек ечиб берар эдилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳнинг ҳузурига кетганларидан сўнг саҳобалар ва тобеинлар мерос масалаларини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ўрганган илмлари асосида ечиб берганлар. Аммо илм тез кўтарилиб кетувчи нарса бўлганлиги сабабли ҳар бир диний илм каби мерос илмини ҳам доим ўрганиб ва ўргатиб бориш уммат учун лозимдир. Ушбу илм умматдан биринчи бўлиб кўтарилувчи илм бўлганлиги сабабли бу соҳада ниҳоятда сергак бўлиш зарурдир.

МЕРОСНИНГ РУКНЛАРИ

“Руқн” – ўзи бир воқеликнинг ажралмас қисми бўлган ҳолда, унингсиз ўша воқелик вужудга келмайдиган нарсadır. Масалан, намозда қироат қилиш намознинг руқни; ажралмас қисми бўлиб, қироатсиз намоз – намоз ҳукмида бўлмайди.

Мероснинг руқнлари деганда, уларсиз мерос қолдириш ва мерос олиш вужудга келмайдиган, мероснинг ажралмас қисми бўлган нарсалар кўзда тутилади.

Мероснинг руқнлари учта бўлиб, улар қуйидагилар:

1. Мерос қолдирувчи. У вафот топган инсон бўлиб, ўзидан қанчадир миқдорда мерос ва меросхўр қолдирган бўлади.

2. Меросхўр. Мерос қолдирувчининг вафотидан кейин ҳаёт бўлган ёки ҳаёт бўлганнинг ҳукмида бўлган меросга ҳақдор мусулмон киши. Шариатда белгиланган кишиларгина меросхўр ҳисобланадилар. Ҳеч ким, ҳатто мерос қолдираётган инсон ҳам “фалончи меросхўр бўлсин”, деб айта олмайди. Мерос қолдирувчининг васияти у қолдирган молнинг учдан бир ҳиссаси доирасида ўталади, қолган қисми меросхўрларга шариатга кўра тақсим қилиб берилади.

3. Мерос бўлиб қолаётган мол-мулк ва шаръий ҳуқуқлар. Мерос бўлиб қолаётган мол-мулк ва шаръий ҳуқуқлар мерос илмида “тариқа”, яъни меросхўрлар учун тарқ этиб кетилган нарса дейилади. Қуйида биз ҳам шу номдан фойдаланамиз. “Шаръий ҳуқуқлар” деганда, савдо моли айбли чиққанида ихтиёр қилиш шарт, қози томонидан белгиланган қасос олиш ҳақи,

қарзни олиш учун гаровга қўйилган нарсани ушлаб туриш ҳақи кабилар тушунилади. Аммо барча шаръий ҳуқуқлар ҳам мерос бўлиб қолавермайди. Масалан, савдони муайян муддатда юргизишни ёки тўхтатишни ихтиёр қилиш шарти, савдо молини сотиб олгач кўриш шарти ва ижара шартномаси кабилар мерос бўлиб ўтмайди.

Мазкур уч нарса мероснинг руқнларидир. Улардан бирортаси бўлмаса ҳам, мерос қолдириш ва мерос олиш вужудга келмайди (*Киронавий, “Далилул вуррос”*).

МЕРОСНИНГ ШАРТЛАРИ

Шарт – шундай бир нарсаки, агар у мавжуд бўлмаса, унга боғлиқ воқелик вужудга келмайди ва у мавжуд бўлса, ўша воқелик мавжуд бўлиши ҳам, мавжуд бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, савдонинг шарти – савдо қилаётган кишининг оқил бўлмоқлиги. Агар савдо қилаётган киши оқил бўлмаса, савдо жорий бўлмайди. Агар савдо қилаётган киши оқил бўлса, савдо амалга ошиши мумкин, аммо бошқа бир сабаб ила амалга ошмаслиги ҳам эҳтимол.

Меросда учта шарт бор:

1. Мерос қолдирувчининг ўлими.
2. Мерос қолдирувчининг вафотидан сўнг меросхўрнинг ҳаёт бўлиши.
3. Мерос олувчининг мерос қолдирувчига нисбатан ким эканлиги аниқ бўлиши ва насаби тайин бўлиши (*Киронавий, “Далилул вуррос”*).

Мерос қолдирувчининг ўлими. Унинг вафоти “ҳақиқий вафот” ёки “ҳукмий вафот” ёхуд “тақдирий вафот” деб қайд этилади.

Ҳақиқий вафот деганда, инсоннинг биологик жиҳатдан ўлиши, ҳаётдан кўз юмиши тушунилади.

Хукмий вафот деганда, инсоннинг йўқолиб қолганидан сўнг ўзи ҳам, жасади ҳам топилмаслигидир. Шундан кейин қози уни вафот топган деб ҳукм қилади. Шунингдек, бир мусулмон динидан қайтиб, кофир бўлиши ва дорул ҳарбга кетиши ҳам ҳукмий вафот деб эътибор қилинади.

Тақдирий вафот деганда, онасига нисбатан жиноят қилинганда тушиб қолган ҳомила тушунилади. “Онасига нисбатан жиноят қилиш” деганда, ҳомиладор аёлни уриш, қаттиқ қўрқитиш кабилар назарда тутилади. Ҳанафий мазҳабида бундай гўдак тана аъзолари кўриниб, билиниб қолган бўлса, мерос олади ва мерос қолдиради. У туғилганда онаси тирик бўладими ёки вафот топган бўладими, фарқи йўқ. Зеро, жиноят вақтида она ҳам, бола ҳам мавжуд эди.

Мерос қолдирувчининг вафотидан сўнг меросхўрнинг ҳаёт бўлиши. Бу ҳолат икки кўринишда бўлади: “ҳақиқий” ва “тақдирий”.

Ҳақиқий ҳаёт инсоннинг тирик бўлиб, одамлар орасида юришидир.

Тақдирий ҳаёт деб, мерос қолдирувчи вафот топишидан аввал она қорнида пайдо бўлган ҳомилага айтилади ва унинг туғилиши шарт қилинади.

Мерос қолдирувчининг вафоти вақтида меросхўр тирик бўлганми ёки йўқми, аниқ бўлмаса, у тарикадан ҳеч нарсага ҳақдор бўлмайди. Бу ҳолат қариндошларга бир вақтда ўлим етиши ила юзага келиши мумкин. Масалан, кемада биргаликда чўкиб кетиш, автоҳалокатга биргаликда учраш ва ҳоказолар. Агар шундай ҳолатда бир-бирларига

меросхўр бўлиши керак саналган яқинларнинг қай бири аввал вафот этгани билинмаса, улар ўзаро мерос олмайдилар. Уларнинг мерослари уларнинг ўлиmidан сўнг ҳаёт бўлган ёки қанчадир муддат бўлса ҳам ҳаёт бўлиб турган ҳақдорларга шариатга мувофиқ бўлиб берилади.

Мерос олувчининг мерос қолдирувчига нисбатан ким эканлиги аниқ бўлиши ва насаби тайин бўлиши. Масалан, бир киши вафот этгач, ортида қариндоши деб танилган одам қолди. Аммо ўша қариндошнинг маййитга қандай қариндош эканлиги, яқинлик даражаси номаълум. Бу ҳолатда у меросдан улуш олмайди. Шунингдек, зино сабабидан дунёга келган фарзанд – шаръий жихатдан насаби бўлмаганлиги сабабидан меросга ҳақдор бўлмайди. Аёл ҳомиладор ёки туққан ҳолида ўша фарзандга нисбатан ўзаро лиён айтишган эр-хотиннинг фарзанди ҳам ота тарафдан насаби бўлмагани учун ота тарафдан мерос олмайди ва ота тарафга мерос қолдирмайди. У она тарафлама мерос олади ва қолдиради (“лиён” ҳақида ўз ўрнида сўз юритилади).

МЕРОС ОЛИШ САБАБЛАРИ

“Сабаб” – луғатда у туфайли бошқа нарсага эришиладаган нарсадир. Масалан, олов сабабидан ўтин ёнади. Демак, ўтиннинг ёнишига сабаб – олов.

Сабабнинг шариатдаги таърифи қуйидагича: “У мавжуд бўлгани учун у сабаб бўлаётган воқелик вужудга келади, у мавжуд бўлмагани учун – у сабаб бўлиши мумкин бўлган воқелик унинг сабабидан вужудга

келмайди, аммо бошқа сабабдан вужудга келиши мумкин”.

Мерос олишнинг учта сабаби бор, улар:

1. Насаб (қариндошлик).
2. Никоҳ.
3. Вало (хукмий қариндошлик).

Мерос олишнинг аввалги сабаби насабдир.

Насаб – луғатда қаробат, қариндошлик деганидир. Қаробат деганда, туғилиш туфайли мавжуд бўлган ҳар қандай ўзаро боғлиқлик тушунилади. Бунга фарз эгалари, асабалар ва завул-арҳомлар киради. Қаробатни ҳақиқий насаб деб ҳам атайдилар (фарз эгалари, асабалар ва завул-арҳомлар ҳақида кейинроқ сўз юритилади). Насаб орқали мерос олишга қуйидаги оят ва бошқа оятлар далилдир:

يُوصِيكُمُ اللَّهُ فِي أَوْلَادِكُمْ لِلذَّكَرِ مِثْلُ خِطِّ الْأُنثِيَّاتِ فَإِنْ كُنَّ نِسَاءً فَوْقَ اثْنَتَيْنِ فَلَهُنَّ ثُلُثَا مَا تَرَكَ وَإِنْ كَانَتْ وَاحِدَةً فَلَهَا النِّصْفُ وَلِأَبَوَيْهِ لِكُلِّ وَاحِدٍ مِّنْهُمَا الشُّدُسُ مِمَّا تَرَكَ إِنْ كَانَ لَهُ وَلَدٌ فَإِنْ لَمْ يَكُنْ لَهُ وَلَدٌ وَوَرِثَهُ أَبُوَاهُ فَلِأُمِّهِ الثُّلُثُ فَإِنْ كَانَ لَهُ إِخْوَةٌ فَلِأُمِّهِ الشُّدُسُ مِنْ بَعْدِ وَصِيَّةٍ يُوصِي بِهَا أَوْ دِينَ

“Аллоҳ фарзандларингизга (мерос тақсимида) бир ўғил учун икки қиз улуши баробарида (беришни) буюради². Агар (меросхўрлар) иккидан ортиқ аёл бўлса, уларга (марҳум) қолдирган нарсанинг учдан

² Қиз фарзандларнинг ярим улуш олиши зоҳиран адолатсизликдек туюлади. Аммо барча нафақалар эркак зиммасида экани ва аёл киши шарҳан барча нафақалардан озод экани назарга олинса, унинг нақадар ҳикматли тақсим экани маълум бўлади.

иккиси, агар якка қиз бўлса, унга (мероснинг) ярми (берилур). Агар (марҳумнинг) фарзанди бўлса, ота-онасининг ҳар бирига қолдирган нарса (мерос) нинг олтидан бири (берилур). Агар фарзанди бўлмай, фақат ота-онаси меросхўр бўлса, у ҳолда онасига учдан бир (мерос) тегур. Агар (марҳумнинг) ака-укалари бўлса, онасига олтидан бир (ҳисса) тегур. (Бу тақсимотлар марҳумнинг) қилган васияти ёки³ қарзи (адо этилган)дан сўнг (ижро этилур)” (Нисо сураси, 11-оят).

Маййитга насаб жиҳатидан боғланган инсон меросга ҳақдорлар қаторида бўлади.

Мерос олишнинг иккинчи сабаби никоҳдир. Никоҳ деганда, шаръий дуруст никоҳ тушунилади. Бунда эр-хотин орасида саҳиҳ хилват юз берганми ёки йўқми, фарқи бўлмайди. Ботил ва фосид никоҳда мерос олиш ва қолдириш амалга ошмайди.

Никоҳ орқали мерос олишга қуйидаги оят далилдир:

وَلَكُمْ نِصْفُ مَا تَرَكَ أَزْوَاجُكُمْ إِنْ لَمْ يَكُنْ لَهُنَّ وَلَدٌ فَإِنْ كَانَ لَهُنَّ وَلَدٌ فَلَكُمْ الرُّبْعُ مِمَّا تَرَكَنَّ مِنْ بَعْدِ وَصِيَّةٍ يُوصِينَ بِهَا أَوْ دَيْنٍ وَلَهُنَّ الرُّبْعُ مِمَّا تَرَكَتُمْ إِنْ لَمْ يَكُنْ لَكُمْ وَلَدٌ فَإِنْ كَانَ لَكُمْ وَلَدٌ فَلَهُنَّ الثُّمُنُ مِمَّا تَرَكَتُمْ مِنْ بَعْدِ وَصِيَّةٍ تُوصُونَ بِهَا أَوْ دَيْنٍ

³ Оятдаги “ёки” лафзи мантиқ бўйича икки томондаги сўзларнинг олдинкейинлигини ифода этмайди. Ҳадиси шарифда: “Қарзни бериш васиятдан муқаддамдир”, – дейилган. Бинобарин, шариат кўрсатмаси бўйича қарзни васиятдан муқаддам адо этишлик ва бегона одамга қилинган васиятдаги миқдорнинг учдан бирини бериш жорий қилинган.

“Сизларга хотинларингиз қолдирган (мерос)дан – агар уларнинг фарзанди бўлмаса – ярми (тегур). Агар уларнинг фарзандлари бўлса, сизларга улар қолдирган (мерослари)дан тўртдан бир (ҳисса) тегур. (Бу тақсимот) улар (мархумалар)нинг васияти ёки қарзи (адоси)дан кейин (ижро этилур). У (хотин)ларга сизлар қолдирган (мерос)дан – агар фарзандларингиз бўлмаса – тўртдан бир (ҳисса) тегур. Агар фарзандингиз бўлса, уларга сиз қолдирган (мерос)нинг саккиздан бири тегур. (Бу тақсимот) сизлар қилган васият ёки қарз (адоси)дан кейин (ижро этилур)” (Нисо сураси, 12-оят).

Демак, эр хотинидан, хотин эридан мерос олади.

Мерос олишнинг учинчи сабаби валодир. “Вало”, деганда қулликдан озод қилиш ила вужудга келувчи ҳукмий қаробат тушунилади. Буни яна “ҳукмий насаб” деб ҳам атайдилар.

Бир киши вафот этса ва шу кишининг бир вақтлар уни озод қилган хожаси, яъни мавлосидан бошқа ҳеч кими бўлмаса, у қолдирган мерос ўша хожага бўлади.

Вало сабабидан меросхўр бўлишга қуйидаги икки ҳадис далилдир:

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: إِنَّمَا
الْوَلَاءُ لِمَنْ أَعْتَقَ. (رواه البخاري)

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жория Барира ҳақида: “Вало (ҳукмий қариндошлик) озод қилган кишига бўлади”, дедилар (Имом Бухорий ривояти).

Бошқа ҳадисда Набий соллаллоху алайҳи ва саллам қуйидагича марҳамат қилганлар:

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ
قَالَ: الْوَلَاءُ لِحِمَّةٍ كَلْحِمَةِ النَّسَبِ. (رواه الشافعي وابن حبان)

“Вало (ҳукмий қариндошлик) насаб каби бир парча этдир” (Имом Шофеъий ва Ибн Ҳиббон ривоятлари).


Валода фақат озод қилган тараф меросхўр бўлади. Озод қилинган томон меросхўр бўла олмайди. Зеро, озод қилиш, бошқача қилиб айтганда, ҳаётга қайтадан келтириш, озод қилган тарафдан содир бўлади, холос.

МЕРОСДАН МАН ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР

“Ман қилувчи” (моне) деб луғатда – икки нарсанинг орасини тўсувчига айтилади. Истилоҳда эса, қуйидагича таърифланган: “У мавжуд бўлганда, унинг дахли бор воқелик вужудга келмайди. У мавжуд бўлмаганда, унинг дахли бор воқелик вужудга келиши ҳам, вужудга келмаслиги ҳам мумкин”. Ман қилиш – шартнинг аксидир. Масалан, ўз мерос қолдирувчисини қасддан ўлдириш – қотилни ўлдирилган кишининг меросидан ман қилади.

“Меросдан ман қилувчи” фароиз илми уламолари истилоҳида қуйидагича таърифланади: “Ман қилувчи – токи мавжуд экан, аслида мерос олишга ҳақдор бўлган инсонни меросдан ман қилувчи сабабдир”.

Ҳанафий мазҳаби уламолари меросдан ман қилувчи ҳолатлар тўртта эканлигини билдиришган.



1. Қуллик.
2. Ўз мерос қолдирувчисини ўлдириш.
3. Диннинг фарқли бўлиши.
4. Диёрнинг фарқли бўлиши (*Сирожиддин Сижовандий, “Фароизи Сирожия”*).

Қуллик. Ислом ер юзини ўз нури ила ёритганда, бутун башариат кўпгина разолатлар ичида эди. Қулларга ёмон муносабат шундай разолатлардан бири бўлган. Ислом аввало ҳар бир инсон Аллоҳнинг тенг ҳуқуқли бандаси эканлигини эълон қилгач, ўзига нисбатан қандай муносабатда бўлса, қулларга ҳам шундай муносабат кўрсатишни, уларни Аллоҳ розилиги учун ҳурмат қилишни улкан ажрларга сабаб бўлувчи ибодат даражасига кўтарди. Бундай мўътадил бағрикенгликни олдин ҳам, кейин ҳам ҳеч қайси дин ёки тузум йўлга қўймаган.

Мерос масаласида қуллик комил суратда бўладими ёки мудаббар ва умму валадга ўхшаб ноқис суратда кўзга ташланадими, фарқи йўқ. Зеро, қул бировнинг қўлида мулк бўлгач, мустақил ўзи бирор мулкка эгалик қила олмайди. Қул топган нарса унинг хожасиники ҳисобланади. Ўзи мустақил бўлмаган инсон меросга ҳақдорлик қила олмайди (*Журжоний, “Шарҳи фароизи Сирожия”*).

(Мудаббар – эгаси унга “ўлганимдан кейин озодсан”, деб қўйган қул. Умму валад – эгаси (хожаси) ундан фарзанд кўрган жория).

Ўз мерос қолдирувчисини ўлдириш. Ўз мерос қолдирувчисини ўлдириш мерос олишдан ман қилишига уламолар иттифоқ қилганлар. Бунинг далили қуйидаги ҳадисдир:

قَالَ عَلَيْهِ الصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ: لَيْسَ لِقَاتِلِ مِيرَاثٍ. (رواه أبو داود)

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салам айтдилар: **“Қотилга мерос йўқдир”** (Имом Абу Довуд ривояти).

Меросдан ман этувчи ўлдириш – қасосни ёки хун тўлашни вожиб қилувчи ўлдиришдир. Бунда қотил мерос қолдирувчисини қасддан ёки қасдданга ўхшаш ҳолатда, ёки хато қилиб, ёхуд шунга ўхшаш ҳолатда ўлдиради. Қасддан ўлдиришда қасос вожиб бўлади, қолган кўринишларда хун тўлаш вожибдир. Ушбу санаб ўтилган кўринишларда ўз мерос қолдирувчисини ўлдирган инсон ундан мерос олмайди. Бу ҳукмнинг ҳикматларидан бири – мерос олувчининг “менга тезроқ меросдан улуш тегсин” деган мақсад ила ўз мерос қолдирувчисини ўлдириб қўйишининг олдини олишдир.

Қасосни вожиб қилувчи ўлдириш деганда, қасддан ўлдириш тушунилади. Хун тўлашни вожиб қилувчи ўлдириш деганда, ухлаётган одам ёнидаги одамни босиб ўлдириб қўйиши, тепадан устига қулаб тушиб ёки ҳазиллашаман деб ўлдириб қўйиши кабилар киради.

Аммо меросхўр тарафидан ўз мерос қолдирувчисини қасддан бўлса ҳам, қасосни ёки каффоратни вожиб қилмайдиган кўринишда ўлдириш содир бўлса, у меросдан ман қилинмайди. Қасддан ёки қасдсиз ўлдиришнинг қасосни ёки хун тўлашни вожиб қилмайдиган кўринишлари: ҳақ ила ўлдириш, узр ила ўлдириш, ўлимига билвосита сабаб бўлиш ва мукаллаф бўлмаган инсон томонидан қотиллик юз бериши кабилар.

Ҳақ ила ўлдириш деганда, қозининг ҳукми ила қасос олиш, ўзини ҳимоя қила туриб ўлдириб қўйиш кабилар тушунилади.

Узр ила ўлдириш деганда, уйига ўғри кирганда, ўша ўғрини ўлдириш каби ҳолатлар тушунилади.

Ўлимига билвосита сабаб бўлиш деганда, масалан, ўзининг мулки бўлмаган ерда бир чуқур қазиганда, мерос қолдирувчи ўша чуқурга тушиб кетиб, вафот топиши каби ҳолатлар тушунилади.

Мукаллаф бўлмаган инсон томонидан ўлдириш деганда, балоғатга етмаган бола ёки жинни тарафидан мерос қолдирувчини ўлдириш каби ҳолатлар тушунилади.

Ҳанафий мазҳабида ота ўз сулбидан бўлган фарзандини қасосни ёки хун тўлашни вожиб қиладиган суратда ўлдириб қўйса, у фарзандига меросхўр бўлишдан ман қилинмайди ва ундан қасос олинмайди (*Журжоний, "Шарҳи фароизи Сирожия"*).

Бир киши ўз мерос қолдирувчисини қасддан ўлдиргач, ўша меросдан махрум қолган қотилга мерос қолдирувчи бўлган бошқа инсон вафот топса, қотил иккинчи вафот топган инсондан мерос олаверади. Қотил фақат ўлдирган инсонидангина мерос олмайди.

Диннинг фарқли бўлиши. Мерос қолдирувчи инсон мусулмон, мерос олувчи инсон эса бошқа динда бўлса, бошқа диндаги инсон мусулмондан мерос олмайди. Мусулмон ҳам бошқа диндаги мерос қолдирувчисидан мерос олмайди. Бунинг далили қуйидаги ҳадис:

قَالَ عَلَيْهِ الصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ: لَا يَرِثُ الْمُسْلِمُ الْكَافِرَ وَلَا الْكَافِرُ

الْمُسْلِمِ. (رواه البخاري)

“Мусулмон кофирдан, кофир мусулмондан мерос олмайди” (*Имом Бухорий ривояти*).

Асли мусулмон бўлиб, сўнгра динидан қайтган киши (Аллоҳ асрасин) ҳам токи Исломга қайтмас экан, кофир ҳукмида бўлади. Бундай одам “муртад” дейилади. Муртад мусулмондан ҳам, аслий кофирдан ҳам, ўзига ўхшаган муртаддан ҳам мерос олмайди.

Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳнинг наздларида, унинг мусулмонлик вақтида топган мол-мулки мусулмон меросхўрларига тақсимлаб берилади. Муртадлик вақтида топган мол-мулки байтулмолга бўлади.

Ҳанафий мазҳабида динлари фарқли бўлса ҳам, кофирлар бир-бирларидан мерос оладилар (*Журжоний, “Шарҳи фароизи Сирожия”*).

4. Диёрнинг фарқли бўлиши. Ҳанафий мазҳаби уламолари наздларида, Ислом динидан бошқа дин вакиллари ўзаро дўстона алоқада бўлмаган икки диёрда маскан тутиб яшаётган бўлсалар, бир-бирларидан мерос олмайдилар. Мусулмон меросхўрлар орасида, улар қандай диёрни маскан тутиб яшаётган бўлсалар ҳам, мерос қолдирувчисидан мерос олиш ва меросхўрига мерос қолдириш жорий бўлади (*Ибн Обидийн, “Раддул Мухтор”*).

ТАРИКАГА БОҒЛИҚ ҲАҚЛАР

“Тарика” деб, луғатда бирор инсон ўзидан қолдириб, тарк этиб кетган нарсага айтилади.

Мерос илми уламолари истилоҳида қуйидагича таърифланади: “Тарика – мерос қолдирувчининг ўзидан қолдирган мол-мулки ва шаръий ҳуқуқларидир”.

Тарикага қуйидаги нарсалар киради:

1. Маййитнинг шаръан мол-мулки деб ҳисобланган барча турдаги кўчар ва кўчмас мулклар. Тадбирини қилиб қўйган ва фойдаси ўлиמידан сўнг вужудга келган мол-мулк. Масалан, балиқ тутишга тўр ташлаб қўйгач, вафот топган, вафотидан сўнг тўрига балиқлар тушган. Ёки бир кишини савдога вакил қилган. Вафотидан сўнг ўша вакил савдодаги фойда билан келган ҳолатлар. Маййитнинг бошқа инсон билан шерикчиликдаги улуши ҳам тарикага киради.

2. Маййитнинг ўз хоҳиш-иродасига, шахсига боғлиқ бўлмаган, маййитнинг мол-мулкига боғлиқ ҳуқуқлар ҳам тарикага киради. Ушбу ҳуқуқлар вафот этган инсон қолдирган мол-мулкнинг айни ўзига боғлиқ бўлади. Масалан, маййитга бир киши ўз мулкани гаровга қўйиб қарз олган бўлса, гаров меросхўрлар қўлида туради ва улар ўша қарздор маййитнинг қарзини узмагунича гаровдаги нарсани ушлаб туришлари мумкин. Шунингдек, бир киши бошқасидан уйни ижарага олиб, ижара пулини олдиндан бергач вафот топса, унинг меросхўрлари уйнинг ижара пулини қайтариб олишлари ёки ижара муддати тугагунча уйдан фойдаланишлари мумкин.

Шу каби, маййит ҳаётлигида унинг ҳақи бировнинг мулкига боғлиқ бўлиб қолган бўлса, меросхўрлар маййитнинг ҳақини оладилар.

3. Агар мерос қолдирувчи қасосни ёки хун тўлашни вожиб қилувчи ўлдириш ила ўлдирилган бўлса, қасос ҳам, хун учун тўланадиган мол ҳам тарика ҳисобланади.

Тарикага боғлиқ ҳақлар тўрттадир:

1. Маййитнинг дафн харажатлари.

2. Маййитнинг мулкидаги бошқаларнинг ҳақларини адо қилиш ва қарзларини узиш.

3. Маййитнинг васиятларини тариканинг учдан бири ҳисобидан рўёбга чиқариш.

4. Меросхўрларнинг ҳақлари. (*Сирожиддин Сижовандий*, “*Фароизи Сирожия*”).

Маййитнинг дафн харажатлари. Ушбу харажатларга инсоннинг жони чиқишидан то қабрга қўйилгунича бўлган ювиш, кафанлаш, дафн қилиш ва шу каби ишларни шариатга мувофиқ равишда бажариш киради. Агар маййитнинг ушбу харажатларга етадиган маблағи бўлмаса, у ҳаётлигида унинг нафақаси кимга вожиб саналган бўлса, ўшалар ушбу харажатларни кўтардилар. Ҳанафий мазабида хотиннинг дафн харажатлари эрнинг бўйнида бўлади. Аллоҳ розилиги учун дафн харажатларини ўзига олиш савобли ишдир. Маййитни тайёрлаш ва дафн қилиш ишларида исрофга ҳам, камчиликка ҳам йўл қўйиб бўлмади (*Журжоний*, “*Шарҳи фароизи Сирожия*”).

Маййитга қарашли бўлган мулкнинг айни ўзига боғлиқ ҳақларини адо қилиш ва бошқа қарзларини узиш. Маййитга қарашли бўлган мулкнинг айни ўзига боғлиқ ҳақлар “айний ҳуқуқлар” дейилади. Зеро, бу ҳуқуқлар оддий қарзлардан фарқли ўлароқ, тариканинг айни ўзига боғлиқ бўлади. Масалан, маййит бир кишига ўз мулкини гаровга қўйиб қарз олган бўлса, гаров қўлида турган инсон меросхўрлар унга маййитнинг қарзини узмагунларича гаровдаги нарсани ушлаб туриши мумкин. Шунингдек, бир киши бошқасига уйни ижарага бериб, ижара пулини олдиндан олгач вафот топса, унинг меросхўрлари уйни ижарага олган одамга ижара пулини қайтариб беришлари ёки ижара

муддати тугагунча уйни ижарачига қўйиб беришлари лозим бўлади.

Шу каби, маййит ҳаётлигида унинг мулкига бировнинг ҳақи боғланиб қолган бўлса, меросхўрлар аввало ушбу ҳақларни ўз эгаларига маййитнинг мулкидан топширишлари лозим бўлади.

Шундан сўнг унинг айний ҳуқуқлардан бошқа барча қарзлари қолган мулкдан узилади. Маййитнинг мулки бўлмаса, яқинларидан бирор инсон албатта унинг қарзларини ўтаб қўйиши лозим. Аллоҳ розилиги учун маййитнинг қарзларини узишни бўйнига олиш савобли ишдир.

Қарзлар икки турли бўлади:

1. Соғлом қарз.
2. Бемор қарз.

Соғлом қарз. Ушбу қарз ҳужжат ила ёки тан олиш ила тасдиқланган қарз бўлиб, бунга кейин берилувчи маҳр, пулини кейин бериш шарти ила қилинган савдо ва бировга етказилган зарарни тўлаб бериш каби қарзлар ҳам киради.

Бемор қарз. Ушбу қарз мерос қолдирувчининг ўлим касаллиги вақтида иқрор бўлганидан бошқа ҳеч қандай исботи йўқ қарздир (*Низомиддин Киронавий, “Далилул вуррос”*).

Маййитдан қолган мол-мулк дафн харажатлари ва айний ҳуқуқларни ўташдан ортиб қолса ва бошқа қарзларни узишга етса, барча қарзлар узилади. Бўлмаса, дафн харажатлари ва айний ҳуқуқлар ўталгач, аввало соғлом қарзлар узилади. Соғлом қарзлардан ортгани бемор қарзларнинг эгаларига ҳар бирининг қарзига муносиб равишда тенг бўлиб берилади. Агар мол-мулк соғлом қарз эгаларига тўлиқ етмаса, улар орасида ҳар

бирининг қарзига муносиб равишда тенг бўлиб берилади. Қарз тури бир хил бўлган қарз эгаларини бир-биридан устун қўйиш жоиз эмас (*Журжоний, “Шарҳи фароизи Сирожия”*).

Закот, ҳаж, назр, рўзанинг фидяси ва намознинг фидяси каби банданинг Аллоҳдан бўлган қарзлари – маййит уларни ўташни васият қилса, уларни қолган мероснинг учдан бир ҳиссаси ҳисобидан ўташ меросхўрлар учун вожиб бўлади. Агар васият қилмаган эса; бандалардан бўлган қарзлар ўталгач, уларнинг ҳам ўталгани маййит учун ҳам, унинг яқинлари учун ҳам яхшидир (*Низомиддин Киронавий, “Далилул вуррос”*).

Маййитнинг васиятларини рўёбга чиқариш. Айни тарикага боғлиқ бўлган барча ҳақлар ва маййитнинг қарзлари узилгач, қолган мулкнинг учдан бири маййитнинг васиятини рўёбга чиқаришга ишлатилади. Агар меросхўрларнинг барчаси ўз хоҳиши ила ижозат беришса, қолган мулкнинг ҳаммаси ҳам васиятни рўёбга чиқариш учун ишлатилиши мумкин.

Меросдан улуши бор меросхўрга мол-мулкдан васият қилиш мерос қолдирувчига жоиз бўлмаган ишдир. Меросхўр бўлмаган кишига мероснинг учдан биридан кўпини васият қилиш ҳам жоиз бўлмаган иш саналади. Агар маййит ўз меросхўрига васият қилган бўлса ёки меросхўр ҳисобланмайдиган кишига мероснинг учдан биридан кўпроғини васият қилган бўлса ва меросхўрлар бу нарсага розилик билдирсалар, васиятни амалга ошириш жоиздир. Аммо меросхўрлар розилик кўрсатмасалар, меросхўрга қилинган васият жорий бўлмайди. Меросхўр эмас кишига қилинган

васият мероснинг фақат учдан бирида жорий бўлади, холос. Меросхўрлар орасида бирортаси васиятни ушбу кўринишда жорий қилишни бир ўзи ихтиёр қилса, васият унинг меросдан бўлган ҳиссасича ўталади (*Низомиддин Киронавий, “Далилул вуррос”*).

Маъсият ишларга васият қилиш ҳаромдир. Агар маййит шариатга зид васият қилган бўлса, унинг васиятини рўёбга чиқариш мутлақо жоиз эмас. Масалан, маййит ўзига катта қабртоши ўрнатишни ёки Исломда бўлмаган маъракаларни ўтказишни васият қилса ва ҳоказо.

Маййит Аллоҳнинг ҳақларини ўташга ва бошқа нарсаларга васият қилганда, мулкнинг учдан бири етса, иккови рўёбга чиқарилади. Агар меросхўрларнинг барчаси ўз хоҳишлари билан ижозат беришса, қолган мулкнинг ҳаммаси васиятни рўёбга чиқариш учун ишлатилиши мумкин.

Қолган мулкнинг учдан бири ёки (меросхўрлар ижозат берганида) барчаси маййитнинг васиятларини ўташга етмаса, васиятларнинг барчаси улушига нисбатан тенг равишда ўталади. Агар васиятлар улуш билан ўлчанмайдиган бўлса, адад билан ўлчанади. Васиятни ўташ маййит айтиб кетган тартибда амалга оширилади. Бунда барча васиятлар тенг бўлади ва Аллоҳнинг ҳақларини ўташга қилинган васият ва бошқа васиятларнинг ораси ажратилмайди (*Низомиддин Киронавий, “Далилул вуррос”*).

Буюк Аллоҳ маййитнинг қарзлари ва васияти ўталгандан сўнггина меросхўрлар тарикани тақсимлашлари мумкин эканлигини баён қилиб қуйидагича марҳамат қилган:

مِنْ بَعْدِ وَصِيَّةِ يُوصَىٰ بِهَا أَوْ دَيْنٍ غَيْرِ مُضَارٍّ وَصِيَّةً مِنَ اللَّهِ

وَاللَّهُ عَلِيمٌ حَلِيمٌ ﴿١٢﴾

“... (Бу тақсимот меросхўрларга) зарар етказилмасдан қилинган васият ёки қарз (адоси)-дан кейин Аллоҳнинг буйруғига биноан (ижро этилур). Аллоҳ билимдон ва ҳалим зотдир⁴” (*Нисо сураси, 12-оят*).

Меросхўрларнинг ҳақлари. Маййитнинг мулкидан юқорида санаб ўтилган барча нарсалар ўтаб бўлингач, қолган тарика Аллоҳнинг Китоби, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари ва умматнинг ижмоъсида келган суратда, меросхўрларнинг мартабаларига биноан ораларида тақсимланади (*Сирожиддин Сижовандий, “Фароизи Сирожия”*).

Меросхўрлар ҳақларининг баёнига киришишдан аввал тарикага боғлиқ ҳақлар тартибидаги ҳикматни баён қилиш ўринли деб билинди.

ТАРИКАГА БОҒЛИҚ БЎЛГАН ҲАҚЛАР ТАРТИБИДАГИ ҲИКМАТ

Маййит вафот топгач, унинг тарикасидан биринчи бўлиб дафн харажатлари адо қилинишининг сабаби Имом Бухорий ривоят қилган қуйидаги ҳадисдир: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам туядан йиқилиб ўлган ҳожи ҳақида:

⁴ Мерос тақсимлашга доир илм – фароиз деб аталади. Зеро, марҳум ва марҳумалар қолдирган меросни тақсим қилишдек мураккаб масалани Аллоҳ таоло инсонларнинг ўзларига ҳавола қилиб қўймасдан, оятлар орқали уни меросхўрларга адолат билан Ўзи тақсимлаб, унга амал қилишликни “фариза”, яъни фарз қилиб қўйди. “Фариза”нинг кўплиги “фароиз”дир.

قَالَ عَلَيْهِ الصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ: كَفَّنُوهُ فِي تَوْبِهِ. (رواه البخاري)

«Уни ўз кийимига кафанлангиз», дедилар». Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам маййитнинг қарзи борми, йўқми сўрамадилар. Зеро, қарздор кишининг мулки бўлмаса, “Устингдаги киймингни еч ва уни сотиб, қарзни ўта”, дейилмайди. Кафан эса вафот топган киши учун кийим мақомидадир.

Маййит вафот этгач, унинг тарикасидан иккинчи бўлиб тарикага боғлиқ айний ҳуқуқлар ўталишининг сабаби – маййит ҳаётлик чоғида унинг мулкига бировнинг ҳақи боғлиқ бўлиб турган эди ва маййит ўша ҳақнинг эгасига уни ўташи лозим эди. Шунингдек, маййит ҳаёт бўлганда ҳам унинг ўзидан кўра ўша ҳақ эгаси ўша мулкка ҳақлироқ ҳисобланарди.

Маййит вафот топгач, унинг тарикасидан қарзлари ўталишининг сабаби – Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам қарзни ўташни васиятдан олдин қўйганларидир. Шунингдек, қарздор бўлган маййит токи қарзи ўталмас экан, қарзининг юки уни қийнаб туриши ҳақида мўътабар китобларимизда айтилган.

Маййит вафот топгач, унинг тарикасидан учинчи бўлиб васияти рўёбга чиқарилишининг сабаби – Аллоҳ Ўз Китобида мерос тақсимлашни айта туриб:

مِن بَعْدِ وَصِيَّتِهِ يُوصَىٰ بِهَا أَوْ دَيْنٍ غَيْرِ مُضَارٍّ وَصِيَّةً مِّنَ اللَّهِ
وَاللَّهُ عَلَيْهِ حَلِيمٌ ﴿١٢﴾

“... (Бу тақсимот меросхўрларга) зарар етказилмасдан қилинган васият ёки қарз (адоси)

дан кейин Аллоҳнинг буйруғига биноан (ижро этилур). Аллоҳ билимдон ва ҳалим зотдир” (Нисо сураси, 12-оят) деганидир. Яъни, мерос қарз ва васият адо этилгандан сўнг тақсимланади. “Аллоҳ оятда васиятни қарздан аввал зикр қилганининг сабаби – кўпчилик меросхўрлар маййитнинг васиятини рўёбга чиқаришда камчиликка йўл қўйганидадир. Қарз эса вожиб нарса бўлгани учун уни ўташга деярли барча инсонлар жиддий қарайдилар”, дейди уламоларимиз. Аллоҳ мерос тақсимотини васиятдан сўнг зикр қилганининг сабаби эса – агар мерос тақсимланса, васиятни рўёбга чиқариб бўлмай қолиши мумкин-лигидадир.

МЕРОСХЎРЛАРНИНГ МАРТАБАЛАРИ

Аллоҳнинг Китоби, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари ва умматнинг ижмоъсига биноан маййитга алоқадор бир нечта киши меросга ҳақли бўлади. Меросга ҳақдорлик жиҳатидан улар турли мартабаларда турадилар. Уларнинг мартабалари:

1. **Фарз эгалари.** Фарз эгалари – меросхўрлар ичида меросга энг биринчи ҳақдорлик қилувчи, меросдан қанча миқдорда улуш олишлари шариатда аниқ белгилаб берилган, маййитга яқин қариндош бўлган меросхўрлардир. Уларни ўз ўрнида бирма-бир санаб ўтамыз.

2. **Асабалар.** Асабалар – маййитга яқин эркак қон-қариндошлардир. Асабалар – агар фарз эгалари мавжуд бўлмаса, тариканинг барчасини, фарз эгалари бўлса, улардан ортганини оладилар. Асаба ҳақида

қуйида сўз юритилади. Баъзи асабалар фарз эгаси хам ҳисобланадилар. Асабалар фақат эркаклардан бўладилар.

3. Озод қилиш сабабли бўлган вало эгаси.

4. Озод қилиш сабабли бўлган вало эгасининг асабалари.

5. Завул-арҳомлар. Маййитнинг фарз эгаларидан ва асабаларидан бўлмаган қариндошлари.

7. Мавлал-мувалот. Насаби номаълум кишининг ўз таниши билан асабалик ўрнини босишга келишган инсон.

8. Насаби иқроп қилинган, аммо исботланмаган ким.

9. Тариканинг учдан биридан кўпи васият қилинган инсон.

10. Байтулмол.

Ушбу санаб ўтилганлар навбатма-навбат мерос оладилар. Агар уларнинг тартиб бўйича аввал келганларидан бирор нарса ортмаса, қолганлари ҳеч нарса олмайдилар. Масалан, мерос фарз эгаларига тақсимлангач, тарикадан ҳеч нарса ортмаса, қолганлар ҳеч нарса олмайдилар.

БАРЧА МЕРОСХҲҮРЛАРНИНГ БАЁНИ

Тарикадан улуш олиши мумкин бўлган меросхўр кишиларнинг умумий сони йигирма беш кишидир. Уларнинг ёши эътиборга олинмайди. Буюк Аллоҳ айтади:

لِّلرِّجَالِ نَصِيبٌ مِّمَّا تَرَكَ الْوَالِدَانِ وَالْأَقْرَبُونَ وَلِلنِّسَاءِ نَصِيبٌ مِّمَّا تَرَكَ
الْوَالِدَانِ وَالْأَقْرَبُونَ مِمَّا قَلَّ مِنْهُ أَوْ كَثُرَ نَصِيبًا مَّفْرُوضًا

“Эркаклар учун ота-оналари ва яқин қариндошлари қолдириб кетган (мерос)дан улуш бордир⁵. Аёллар учун (ҳам) ота-оналари ва яқин қариндошлари қолдириб кетган (мерос)дан улуш бордир. Бу озми-кўпми, фарз қилинган улушдир” (Нисо сураси, 7-оят).

Тарикадан улуш олиши мумкин бўлган меросхўрларнинг ўн беш нафари эркак, ўнтаси аёллардир.

Эркак меросхўрлар:

1. Ўғил (асаба).
2. Ўғилнинг ўғли, қанча пастласа ҳам (асаба).
3. Ота (фарз эгаси ва асаба).
4. Отанинг отаси, қанча баландласа ҳам (фарз эгаси ва асаба).
5. Туғишган ака-ука (асаба).
6. Ота бир ака-ука (асаба).
7. Она бир ака-ука (фарз эгаси)
8. Туғишган ака-уканинг ўғли (асаба).
9. Ота бир ака-уканинг ўғли (асаба).
10. Туғишган амаки (асаба).
11. Ота бир амаки (асаба).
12. Туғишган амакининг ўғли (асаба).
13. Ота бир амакининг ўғли (асаба).
14. Эр (фарз эгаси)
15. Қулни озод қилган эркак хожа (ҳукмий асаба).

Санаб ўтилган эркакларнинг барчаси меросдан улуш олишлари мумкин эканлигига Қуръон, суннат ва уламоларнинг ижмоъсидан далиллар бор.

⁵ Ушбу оятдан то 14-оятгача ва суранинг охириги ояти мерос тақсимига оид оятлардир.

Аёл меросхўрлар:

1. Қиз (фарз эгаси)
2. Ўғилнинг қизи, ўғил қанча пастласа ҳам (фарз эгаси).
3. Она (фарз эгаси).
4. Онанинг онаси, қанча юқориласа ҳам (фарз эгаси).
5. Отанинг онаси, қанча юқориласа ҳам (фарз эгаси).
6. Туғишган опа-сингил (фарз эгаси).
7. Ота бир опа-сингил (фарз эгаси).
8. Она бир опа-сингил (фарз эгаси).
9. Хотин (фарз эгаси).
10. Қулни озод қилган аёл бека (ҳукмий асаба).

Санаб ўтилган аёлларнинг барчаси меросдан улуш олишлари мумкин эканлигига Қуръон, суннат ва уламоларнинг ижмоъсидан далиллар бор.

ҚУРЪОНДА КЕЛГАН ФАРЗ УЛУШЛАР

Мерос илми уламолари истилоҳида “фарз” – олдин айтиб ўтганимиздек – меросхўрга тарикадан тегувчи шариатда белгиланган муайян миқдордир. Ушбу фарзлар, яъни улушлар Аллоҳнинг китобида олти кўринишда келган. Шунингдек, Қуръонда ушбу улушларнинг эгалари кимлар эканининг ҳам баёни келган. Биз ушбу улушларни Аллоҳ кўрсатганидек зикр қиламиз:

1. Ярим – $1/2$ улуш.
2. Тўртдан бир – $1/4$ улуш.
3. Саккиздан бир – $1/8$ улуш.
4. Учдан икки – $2/3$ улуш.
5. Учдан бир – $1/3$ улуш.

6. Олтидан бир – $1/6$ улуш.

Мерос илми уламоларида тарикани тақсим қилишда “масаланинг асли” деган истилоҳ бор. Бунинг маъноси – тарикага нисбатан ҳақдорларнинг фарз улушларини олиб, улушларнинг ҳаммасини қолдиқсиз, касрсиз тақсимлаш мумкин бўлган энг кичик умумий сонни чиқаришдир.

Мисол: бир киши вафот этиб, ортидан учта меросхўр қолдирди. Ушбу тарикага уч киши ҳақдор. Улардан бирининг улуши ярим – $1/2$, бошқасининг улуши учдан бир – $1/3$, яна бирининг улуши олтидан бир – $1/6$ ҳисса. Бу улушларнинг ҳаммасини касрсиз бўлиш мумкин бўлган сон 12 дир. Мана шу сон ушбу мерос тақсимотидаги “масаланинг асли” дир.

Энди улушларни масаланинг асли бўлган 12 дан чиқарамиз: улуши ярим – $1/2$ бўлган меросхўр 12 дан 6 та улуш олади. Улуши учдан бир – $1/3$ бўлган меросхўр 12 дан 4 та улуш олади. Улуши олтидан бир – $1/6$ бўлган меросхўр 12 дан 2 та улуш олади. ($12 - 6 - 4 - 2 = 0$). Масаланинг асли бўлган сон улушларга қолдиқсиз ва касрсиз тақсимланди.

Демак, “масаланинг асли” деганда, фарз эгалари улушларининг барчасини қолдиқсиз бўлиш мумкин бўлган энг кичик умумий сон қиймати тушунилади.

ФАРЗ УЛУШЛАРГА ҲАҚДОР БЎЛГАН ФАРЗ ЭГАЛАРИ

Энди юқорида кўрсатиб ўтилган фарзлар, яъни улушларга (ярим – $1/2$, тўртдан бир – $1/4$, саккиздан бир – $1/8$, учдан икки – $2/3$, учдан бир – $1/3$, олтидан бир – $1/6$ улушга) кимлар ҳақдор эканлигини билиб олсак.

Ярим – 1/2 улушга беш турли фарз эгалари ҳақли бўладилар:

1. Эр. Эрнинг ярим – 1/2 улуш олиши учун хотинининг ундан ёки бошқадан бўлган, қанча пастласа ҳам, меросхўр зурриёти бўлмаслиги керак. Аммо хотинининг қизи вафот топган бўлиб, ўша қизнинг фарзандлари бўлса, эрни ярим – 1/2 улушдан “ҳажб” қила олмайди. Зеро, бу ҳолатда қизнинг фарзандлари меросхўр зурриёт ҳисобланмайди. (Ҳажб – маййитга яқинроқ қариндош бўлган меросхўр маййитга узоқроқ бўлган меросхўрни меросдан қисман ёки бутунлай тўсишидир. Ҳажб ҳақида ўз ўрнида батафсил сўз юритилади).

Эрнинг ярим – 1/2 улушга ҳақдор бўлишининг далили:

وَلَكُمْ نِصْفُ مَا تَرَكَ أَزْوَاجُكُمْ إِنْ لَمْ يَكُنْ لَهُنَّ وَلَدٌ

“Сизларга хотинларингиз қолдирган (мерос)дан – агар уларнинг фарзанди бўлмаса – ярми (тегур)” (Нисо сураси, 12-оят).

Мисол: бир аёл вафот этди ва ундан эри, отаси ва туғишган укаси қолди. Аёл ўзидан меросхўр зурриёт қолдирмагани учун эрга меросининг ярми – 1/2 улуш. Асаба бўлгани учун отага мероснинг қолган барчаси тегади. Туғишган ука ота тарафидан ҳажб қилингани учун унга улуш йўқ.

Масаланинг асли 2 улуш

Эр	ярим – 1/2 улуш	1 та улуш
Ота	улушнинг қолган барчаси	1 та улуш
Туғишган ука	ота тарафидан бутунлай ҳажб қилинган	улуш йўқ

2: **Қиз.** Қиз ярим – $1/2$ улушга икки шарт ила ҳақдор бўлади.

Биринчи шарт: у билан туғишган акаси ёки укаси бўлмаслиги керак. Зеро, у билан бирга туғишган акаси ёки укаси бўлса, қиз улар билан бирга асаба бўлади ва мерос улар орасида бир эркакка икки аёл улуши қоидасига мувофиқ тақсимланади.

Иккинчи шарт: у билан опаси ёки синглиси бўлмаслиги керак. Зеро, оятга мувофиқ қизлар икки ва ундан кўпроқ бўлсалар, учдан икки – $2/3$ улушни тенг бўлиб оладилар.

Қиз ярим – $1/2$ улуш олишига далил:

فَإِنْ كُنَّ نِسَاءً فَوْقَ اثْنَتَيْنِ فَلَهُنَّ ثُلُثَا مَا تَرَكَ وَإِنْ كَانَتْ وَاحِدَةً فَلَهَا النِّصْفُ

“Агар (меросхўрлар) иккидан ортиқ аёл бўлса, уларга (мархум) қолдирган нарсанинг учдан иккиси, агар якка қиз бўлса, унга (мероснинг) ярми (берилур)” (Нисо сураси, 11-оят).

Мисол: бир аёл вафот этди ва ундан эри, отаси ва қизи қолди. Эрга тўрдан бир – $1/4$ улуш тегади. Зеро, хотиндан бир қиз қолган. Қизга улушини камайтирувчи эркак меросхўр ва улушини бўлишувчи аёл шерик бўлмагани учун ярим – $1/2$ улуш тегади. Отага олтидан бир – $1/6$ фарз улуш ва қолгани асабалик жиҳатидан берилади.

Масаланинг асли 24 улуш

Эр	саккиздан бир – $1/8$	3 та улуш
Қиз	ярим – $1/2$	12 та улуш

Ота	олтидан бир фарз улуш ва қолгани асабалик жиҳатидан	6 та фарз улуш + 3 та улуш асабалик жиҳатидан = 9
-----	---	---

3. Ўғилнинг қизи (ўғил қанча пастласа ҳам).
Ўғил қанча пастласа ҳам, ўғилнинг қизи учта шарт юзага келганда ярим – $1/2$ улуш олади.

Биринчи шарт: ака-укаси ва мерос олишда ўша қизнинг даражасида бўлган амакисининг ўғли каби унинг улушини камайтирувчи эркак меросхўр мавжуд бўлмаслиги.

Иккинчи шарт: опа-сингил ва мерос олишда ўша қизнинг даражасида бўлган амакисининг қизи каби улушини бўлишувчи аёл шерик мавжуд бўлмаслиги.

Учинчи шарт: меросхўрнинг мерос олишда ундан устунроқ турувчи бўлган фарзандларидан бирортаси бўлмаслиги. Агар ўша қиз билан ундан мерос олишда устунроқ турувчи меросхўрлардан бири бўлиб, у эркак бўлса, ўғилнинг қизини ҳажб қилади. Агар аёл бўлса, ўша аёл ярим – $1/2$ улуш, ўғилнинг қизи эса олтидан бир – $1/6$ улуш олади. Икковининг улушини бир-бирига қўшганда учдан икки – $2/3$ улуш бўлади.

Агар меросхўрнинг мерос олишда ундан устунроқ турувчи бўлган бир нафар ва ундан кўп ўғил ёки бир нафардан кўп қиз фарзандлари бўлса, ўғилнинг қизи ҳеч нарса олмайди.

Аммо меросхўрнинг мерос олишда устунроқ турувчи бир нафар қизи бўлганида, ўғилнинг қизи билан бирга ёки ундан пастроқда турувчи ва уни ўзи билан бирга асабага айлантирувчи ўғилнинг ўғли бўлса, ўғилнинг қизи ўғилнинг ўғли билан асаба бўлиб мерос олади.

Ўғилнинг қизи ярим – $1/2$ улуш олишига далил ижмоъдир. Уламолар ўғилнинг фарзанди-ўғил бўладими, қиз бўладими, мерос олишда, ҳажбда, асабалиқда фарзанднинг ўрнини босишига ижмоъ қилганлар. Бунда аёл аёлнинг ўрнини, эркак эркакнинг ўрнини босади.

Мисол: бир киши вафот этди ва ундан ўғилнинг қизи, онанинг онаси ва туғишган ака қолди. Ўғилнинг қизига ярим – $1/2$ улуш, онанинг онасига олтидан бир – $1/6$ улуш, қолгани асабалиқ жиҳатидан туғишган акага тегади.

Масаланинг асли 6 улуш

Ўғилнинг қизи	ярим – $1/2$	3 та улуш
Онанинг онаси	олтидан бир – $1/6$	1 та улуш
Туғишган ака	улушнинг қолган барчаси	2 та улуш

4. Туғишган сингил. Туғишган сингил тўртта шарт ила ярим – $1/2$ улушга ҳақдор бўлади.

Биринчиси: ака-укаси мавжуд бўлмаслиги. Агар ака ёки ука мавжуд бўлса, мерос улар орасида бир эркакка икки аёл улуши қоидасига мувофиқ тақсимланади.

Иккинчи шарт: опа-сингил мавжуд бўлмаслиги. Агар опа ёки сингил мавжуд бўлса, улар мероснинг учдан икки – $2/3$ улушини тенг бўлиб оладилар.

Учинчи шарт: маййитнинг фарзандлари бўлмаслиги. Улар: ўғил, ўғилнинг ўғли, қанча пастласа ҳам, қиз ва ўғилнинг қизи, қизнинг отаси, қанча пастласа ҳам. Агар туғишган сингил билан ўғил жамланса, ўғил туғишган сингилни меросдан ҳажб қилади. Агар туғишган сингил билан қиз жамлансалар, бошқа билан асаба бўлиш сабабидан қиз ярим – $1/2$ улуш олгач,

туғишган сингил қолган улушни асабалик жиҳатидан олади. Зеро, ҳанафий мазҳабида туғишган ва ота бир опа-сингиллар қиз ва ўғилнинг қизлари эканликлари сабабидан асабага айланадилар.

Тўртинчи шарт: қанча юқориласа ҳам, ота бўлмаслиги керак. Агар туғишган сингил билан ота жамланса, ота туғишган сингилни меросдан ҳажб қилади.

Туғишган сингил ярим – $1/2$ улуш олиши мукин-лигига далил:

إِنْ أُمْرًا هَلَكَ لَيْسَ لَهُ وَلَدٌ وَلَهُ أُخْتٌ فَلَهَا نِصْفُ مَا تَرَكَ

“...Агар фарзандсиз бўлган бир эркак ҳалок бўлса (ўлса), агар синглиси (қолган) бўлса, қолдирган мероснинг ярмини олур” (Нисо сураси, 176-оят).

Мисол: бир аёл вафот этиб, ўзидан туғишган сингил, эр ва ота бир ука қолдирди. Туғишган сингилга ярим – $2/1$ улуш тегади. Зеро, маййитнинг фарзанди ҳам, бошқа опа ёки синглиси ҳам, туғишган ака ёки укаси ҳам, ота ва онаси ҳам йўқ. Эрга ярим – $2/1$ улуш берилади. Зеро, маййитнинг фарзанди йўқ. Агар маййитнинг фарзанди бўлганида эди, эр тўртдан бир $4/1$ улуш олган бўларди. Ота бир ука асабалик жиҳатидан қолган меросни олиши керак эди. Аммо фарз эгалари меросни тамоман олиб бўлганлари сабабли у ҳеч нарса олмайди.

Масаланинг асли 2 улуш

Туғишган сингил	ярим – $1/2$	1 та улуш
Эр	ярим – $1/2$	1 та улуш
Ота бир ука	улуш қолмаган	улуш йўқ

5. Ота бир сингил. Ота бир сингил бешта шарт ила ярим – $1/2$ улушга меросхўр бўлади. Аввалги тўрттаси туғишган сингилдаги шартлардир.

Биринчиси: ота бир ака ёки ука мавжуд бўлмаслиги.

Иккинчиси: ота бир опа ёки сингил мавжуд бўлмаслиги.

Учинчиси: маййитнинг меросхўр зурриёти бўлмаслиги.

Тўртинчиси: қанча юқориласа ҳам, ота бўлмаслиги керак.

Бешинчи: туғишган ака ёки ука, опа ёки сингил мавжуд бўлмаслиги. Агар бир ёки ундан кўпроқ туғишган ака ёки ука бўлса, ота бир сингил ҳажб бўлади. Аммо агар бир туғишган сингил бўлиб, у фарз эгаси сифатида ярим – $1/2$ улуш олаётган бўлса, у ота бир сингил билан бирга учдан икки – $2/3$ улушни олиш учун ота бир сингил олтидан бир – $1/6$ улуш олади. Шунда икки аёлнинг улуши учдан икки – $2/3$ бўлади.

Агар туғишган сингил бошқа билан бирга асаба бўлган эса, ота бир сингил у билан ҳажб бўлгани учун улуш олмайди. Зеро, бу ҳолатда туғишган сингил мерос олишда туғишган ука мақомида бўлади. Агар икки туғишган сингил бўлса, иккови учдан икки – $2/3$ улушни олиб бўлгани учун ота бир сингил ҳеч нарса олмайди. Аммо шу ҳолатда ота бир сингилнинг ота бир укаси бўлса, ота бир сингил ўша укаси сабабидан асаба бўлади ва қолган улушга насибадорлик қилади.

Ота бир сингил ярим – $1/2$ улуш олишига – туғишган сингил ярим – $1/2$ улуш олишига келтирган оят далилдир. Чунки ушбу оятда “сингил” дейилганда, туғишган ва ота бир сингил назарда тутилганига уламолар ижмоъ қилганлар.

Мисол: бир киши вафот этиб, ўзидан ота бир сингил, она, туғишган уканинг ўғлини қолдирди. Ота бир сингилга ярим – $1/2$, онага учдан бир – $1/3$, туғишган уканинг ўғлига асабалик жиҳатидан қолган улуш тегади.

Масаланинг асли 6 улуш

Ота бир сингил	ярим – $1/2$	3 та улуш
Она	учдан бир – $1/3$	2 та улуш
Туғишган уканинг ўғли	асабалик жиҳатидан қолган мерос	1 та улуш

Тўртдан бир – $1/4$ (чорак) улушга икки турли фарз эгалари ҳақли бўладилар:

1. Эр. Бир шарт ила эр тўртдан бир – $1/4$ улушга ҳақдор бўлади. Бу шарт – хотинининг унданми ёки бошқаданми меросхўр зурриёти бўлиши. Меросхўр зурриётга қуйидагилар киради: ўғил, қиз, ўғилнинг ўғли, ўғилнинг қизи. Булардан бошқалари кирмайди.

Эрнинг тўртдан бир – $1/4$ улуш олиши мумкинлигига далил:

فَإِنْ كَانَ لَهُنَّ وَلَدٌ فَلَكُمْ الرُّبْعُ مِمَّا تَرَكَنَّ

“Агар уларнинг фарзандлари бўлса, сизларга улар қолдирган (мерослари)дан тўртдан бир (хисса) теғур” (Нисо сураси, 12-оят).

Мисол: бир аёл вафот этди ва ўзидан эр, қиз, она ва амаки қолдирди. Эрга тўртдан бир – $1/4$, қизга ярим – $1/2$, онага олтидан бир – $1/6$ улуш, амакига асабалик жиҳатидан қолган улуш берилади.

Масаланинг асли 12 улуш

Эр	тўртдан бир – 1/4	3 та улуш
Қиз	ярим – 1/2	6 та улуш
Она	олтидан бир – 1/6	2 та улуш
Амаки	асабалик жиҳатидан қолган улуш	1 та улуш

2. **Хотин.** Эрнинг бир хотини бўлса, шу хотиннинг ўзи, кўпроқ бўлса, барча хотинлар бир шарт ила тўртдан бир – 1/4 улушга ҳақдор бўладилар. Ушбу шарт – эрнинг меросхўр зурриёти бўлмаслиги.

Хотиннинг тўртдан бир – 1/4 олиши мумкинлигига далил:

وَلَهُنَّ الرُّبْعُ مِمَّا تَرَكَتُمْ إِنْ لَمْ يَكُنْ لَكُمْ وَلَدٌ

“У (хотин)ларга сизлар қолдирган (мерос)дан – агар фарзандларингиз бўлмаса – **тўртдан бир (хисса) тегур**” (Нисо сураси, 12-оят).

Мисол: бир киши вафот этиб, ўзидан хотин, она, она бир икки ука ва ота бир ака қолдирди. Хотинга эрнинг меросхўр зурриёти бўлмагани учун тўртдан бир – 1/4 улуш, ака ва укалар бўлгани учун онага олтидан бир – 1/6 (ака ва укалар бўлмаганида онага учдан бир – 1/3 улуш тегар эди) берилади. Она бир икки ука учдан бир – 1/3, ота бир ака асабалик жиҳатидан қолган барча улушни олади.

Масаланинг асли 12 улуш

Хотин	тўртдан бир – 1/4	3 та улуш
Она	олтидан бир – 1/6	2 та улуш
Она бир икки ука	учдан бир – 1/3	4 та улуш, ҳар бирига 2 тадан

Ота бир ака	асабалик жиҳатидан қолган барча улуш	3 та улуш
-------------	--------------------------------------	-----------

Хотинлар сони бир нафардан ортиқ бўлса, $\frac{1}{4}$ ёки $\frac{1}{8}$ улушга баравар келиши мумкин бўлган фарз улуш уларга тенг тақсимлаб берилади.

Саккиздан бир – $\frac{1}{8}$ улушни вафот этиб, ўзидан меросхўр зурриёт қолдирган эрнинг хотини олади.

Далил:

فَإِنْ كَانَ لَكُمْ وَلَدٌ فَلَهُنَّ الثُّمُنُ مِمَّا تَرَكَتُمْ

“Агар фарзандингиз бўлса, уларга сиз қолдирган (мерос)нинг **саккиздан бири тегур**” (Нисо сураси, 12-оят).

Учдан икки – $\frac{2}{3}$ улушга тўрт турли фарз эгалари ҳақли бўладилар, уларнинг барчаси аёллардир:

1. Икки ва ундан кўп бўлган қизлар. Улар учдан икки – $\frac{2}{3}$ улушга икки шарт ила ҳақдор бўладилар.

Биринчиси: улар икки ва ундан ортиқ бўлишлари.

Иккинчиси: уларнинг улушларини камайтирувчи асаба бўлмаслиги. Ушбу асаба – маййитнинг ўз сулбидан бўлган ўғлидир. Агар шундай асаба мавжуд бўлса, икки ва ундан кўп бўлган қизлар учдан икки – $\frac{2}{3}$ улуш олмайдилар. Улар маййитнинг ўғли билан бирга асабалик жиҳатидан мерос оладилар.

Икки ва ундан кўп бўлган қизлар учдан икки – $\frac{2}{3}$ улуш олишларига далил ижмоъдир. Уламолар мерос оятларини батафсил ўрганиб чиққанларидан сўнг икки ва ундан кўп бўлган қизлар маълум шартлар юзага келганда, учдан икки – $\frac{2}{3}$ улуш олишларига ижмоъ қилганлар.

Мисол: бир аёл вафот этиб, ўзидан эр, икки қиз, она ва туғишган ака қолдирган. Эрга – хотинининг меросхўр зурриёти бўлгани учун тўртдан бир – $1/4$, икки қизга учдан икки – $2/3$, онага олтидан бир – $1/6$ улуш тегади. Фарз эгалари мероснинг барчасини олганлари учун туғишган акага ҳеч нарса қолмаган.

Масаланинг асли 12

Эр	тўртдан бир – $1/4$	3 та улуш
Икки қиз	учдан икки – $2/3$	8 та улуш
Она	олтидан бир – $1/6$	2 та улуш
Туғишган ака	фарз эгаларидан улуш қолмаган	улуш йўқ

2. **Ўғилнинг икки ва ундан кўпроқ қизлари.** Улар учдан икки – $2/3$ улушга учта шарт ила ҳақдор бўладилар.

Биринчиси: улар икки ва ундан ортиқ бўлиб, оталари қанча пастласа ҳам, эркак тарафдан бўлиши. Улар бир ўғилнинг қизлари бўладиларми ёки туғишган ака-уканинг қизлари бўладиларми, фарқи йўқ.

Иккинчиси: уларнинг улушларини камайтирувчи асаба бўлмаслиги. Ушбу асаба – ўғилнинг ўғли ёки ўша қизларнинг даражасидаги ака-укалари ва амакининг ўғилларидир. Агар шундай асаба мавжуд бўлса, улар учдан икки – $2/3$ улушни олмайдилар. Ва ўғил билан бирга асабалик жиҳатидан мерос оладилар.

Учинчи: маййитнинг улардан устунроқ бўлган фарзанди бўлмаслиги. Улар маййитнинг ўз сулбидан бўлган ўғил ёки қизларнинг отасидан баландроқ ўғлининг ўғли ёки сулбидан бўлган қиз ёки қизларнинг отасидан баландроқ ўғилнинг бир ва ундан ортиқ қизлари. Агар улар билан бирга маййитнинг сулбидан

бўлган эркак фарзанди бўлса, уларни бутунлай ҳажб қилади. Агар улар билан бирга маййитнинг сулбидан бўлган аёл фарзанди бўлиб, у бир ўзи бўлса, ўғилнинг қизлари ўша қиз билан бирга учдан икки – $\frac{2}{3}$ улушга эришиш учун олтидан бир – $\frac{1}{6}$ улушни оладилар. Агар улар билан бирга маййитнинг сулбидан бўлган аёл фарзанди бир нафардан кўп бўлса, ўша қизлар учдан икки – $\frac{2}{3}$ улушни олганлари учун уларга ҳеч нарса қолмайди. Аммо ўғилнинг икки ва ундан кўпроқ қизларининг уларни асаба қилувчи ака ёки укалари бўлса, улар ўғил билан бирга асабалик жиҳатидан мерос оладилар.

Икки ва ундан кўп бўлган ўғилнинг қизлари учдан икки – $\frac{2}{3}$ улуш олишларига далил ижмоъдир. Уламолар мерос оятларини батафсил ўрганиб чиққанларидан сўнг икки ва ундан кўп бўлган ўғилнинг қизлари маълум шартлар юзага келганда учдан икки – $\frac{2}{3}$ улуш олишларига ижмоъ қилганлар.

Мисол: бир аёл вафот этиб, ўзидан ўғлининг уч қизи, эр ва амакисини қолдирди. Ўғилнинг уч қизига учдан икки – $\frac{2}{3}$, эрга – хотинининг зурриёти бўлгани учун тўртдан бир – $\frac{1}{4}$, амакисига асабалик жиҳатидан қолган улуш тегади.

Масаланинг асли 12 улуш

Ўғилнинг уч қизи	учдан икки – $\frac{2}{3}$	8 та улуш
Эр	тўртдан бир – $\frac{1}{4}$	3 та улуш
Амаки	асабалик жиҳатидан қолган улуш	1 та улуш

3. Икки ва ундан кўп бўлган туғишган опа-сингиллар. Улар учдан икки – $\frac{2}{3}$ улушга тўрт шарт ила ҳақдор бўладилар.

Биринчиси: икки ва ундан кўпроқ бўлишлари.

Иккинчиси: уларнинг улушларини камайтирувчи асаба бўлмаслиги. Бундай асаба – туғишган ака ёки укадир. Агар улар мавжуд бўлса, учдан икки – $2/3$ улуш олмайдилар. Ва ўғил билан бирга асабалик жихатидан мерос оладилар.

Учинчиси: маййитнинг эркак бўлсин, аёл бўлсин, фарзанди бўлмаслиги. Агар улар билан бирга маййитнинг эркак фарзанди бўлса, улар ҳажб қилинадилар. Агар улар билан бирга маййитнинг бир қизи ёки ўғлининг бир қизи бўлса, икки ва ундан кўп бўлган туғишган опа-сингиллар ўша қиз сабабидан асабага айланадилар.

Тўртинчиси: маййитнинг отаси бўлмаслиги. Агар маййитнинг отаси бўлса, туғишган опа-сингиллар ҳажб бўладилар.

Икки ва ундан кўп бўлган туғишган опа-сингиллар маълум шартлар юзага келганда учдан икки – $2/3$ улуш олишлари мумкинлигига далил:

فَإِنْ كَانَتَا اثْنَتَيْنِ فَلَهُمَا الثُّلُثَانِ مِمَّا تَرَكَ

“Агар (сингиллар) иккита бўлса, уларга (ака) қолдирган нарсанинг учдан иккиси (тегур)” (Нисо сураси, 176-оят).

Мисол: бир эркак вафот этиб, ўзидан туғишган икки опа-сингил, она бир ука ва она бир опа қолдирди. Бу ҳолда туғишган икки опа-сингилга учдан икки – $2/3$, она бир укага ва она бир опага учдан бир – $1/3$ улуш тўғри келади.

Масаланинг асли 3 дан 6 улушга тасҳиҳ қилинади. Зеро, туғишган икки опа-сингил учдан икки – $2/3$ улуш

олганларидан сўнг она бир укага ва она бир опага қолган бир улушни касрсиз бўлиб бериб бўлмайди. (“Тасҳиҳ” ҳақида ўз ўрнида батафсил баён қилинади.) Улушларни касрсиз тақсимлаш учун масаланинг аслини тасҳиҳ қиламиз. Бу ҳолатда тасҳиҳ қўйидагича амалга оширилади: туғишган опа-сингилларнинг сони 2 ни масаланинг асли бўлган 3 га кўпайтирамиз. 6 сони ҳосил бўлди. Масаланинг асли 6 бўлса, тақсимот касрсиз амалга ошар экан. Демак, бу ерда масаланинг асли 6 бўлади.

Икки туғишган опа-сингил	учдан икки – $\frac{2}{3}$	4 та улуш
Она бир ука	учдан бир – $\frac{1}{3}$ нинг ярми	1 та улуш
Она бир опа	учдан бир – $\frac{1}{3}$ нинг ярми	1 та улуш

4. Икки ва ундан кўп бўлган ота бир опа-сингиллар. Улар беш шарт ила учдан икки – $\frac{2}{3}$ улушга ҳақдорлик қиладилар.

Биринчиси: икки ва ундан кўпроқ бўлишлари.

Иккинчиси: уларнинг улушларини камайтирувчи асаба бўлмаслиги. Бундай асаба – ота бир ака ёки укадир. Агар улар мавжуд бўлса, учдан икки – $\frac{2}{3}$ улуш олмайдилар. Ва ака-укалар билан бирга асабалик жиҳатидан мерос оладилар.

Учинчиси: маййитнинг эркак бўлсин, аёл бўлсин, меросхўр зурриёти бўлмаслиги. Агар улар билан бирга маййитнинг эркак фарзанди бўлса, улар ҳажб қилинадилар. Агар улар билан бирга маййитнинг бир қизи ёки ўғлининг бир қизи бўлса, икки ва ундан кўп ота бир опа-сингиллар ўша қиз сабабидан асабага айланадилар.

Тўртинчиси: маййитнинг отаси бўлмаслиги.

Бешинчиси: туғишган ака-ука ва опа-сингиллар бўлмаслиги. Агар туғишган ака ёки ука бўлса ёки опа ё сингил бўлиб, улар бошқа билан асаба бўлиш, ота бир опа-сингиллар ҳажб қилинадилар. Аммо ўша опа ё сингил ярим – $1/2$ фарз улушини олсалар, улар билан бирга учдан икки – $2/3$ улушни олиш учун икки ва ундан кўп бўлган ота бир опа-сингиллар олтидан бир – $1/6$ улушни оладилар. Аммо ота бир опа-сингилларнинг ота бир акаси ёки укаси бўлса, ота бир опа ёки сингил ўша акаси ёки укаси сабабидан асаба бўлиб мерос олади.

Опа-сингиллар маълум шартлар юзага келганда учдан икки – $2/3$ улуш олишларига далил бўлган юқоридаги оятда – ҳам туғишган, ҳам ота бир опа-сингиллар назарда тутилганига уламолар ижмоъ қилганлар.

Мисол: бир киши вафот этиб ўзидан она, ота бир икки опа ва сингил ҳамда амаки қолдирган. Онага олтидан бир – $1/6$, ота бир икки опа-сингилга – $2/3$ улуш, амакига асабалик жиҳатидан мероснинг қолгани тегади.

Масаланинг асли 6 улуш

Она	олтидан бир – $1/6$	1 та улуш
Ота бир икки опа-сингил	учдан икки – $2/3$	4 та улуш
Амаки	асабалик жиҳатидан мероснинг қолгани	1 та улуш

Учдан бир – $1/3$ улушга икки турли фарз эгалари ҳақли бўладилар:

1. Она. Она уч шарт ила учдан бир – $1/3$ улушга ҳақдорлик қилади.

Биринчиси: агар маййитнинг меросхўр зурриёти бўлмаса. Меросхўр зурриётга ўғил, қиз, ўғилнинг ўғли, қанча пастласа ҳам, ўғилнинг қизи, қизнинг отаси, қанча пастласа ҳам, киради. Агар маййитнинг меросхўр зурриёти бўлса, она олтидан бир – $1/6$ улуш олади.

Иккинчиси: маййитнинг икки ва ундан ортиқ туғишган ёхуд ота бир ёки она бир ака-ука ва опа-сингиллари бўлмаслиги. Агар улар икки ва ундан ортиқ бўлсалар, она олтидан бир – $1/6$ улуш олади. Бир нафар бўлса, она $1/3$ улуш олади.

Учинчиси: маййитнинг отаси билан бирга эри ёки хотини бўлмаслиги. Агар улар бўлсалар ва маййитнинг меросхўр зурриёти бўлмаса, она фарз эгаси сифатида учдан бир $1/3$ ни олмайди. Эр ёки хотин ўз фарз улушини олиб бўлгач, она қолган мероснинг учдан бири – $1/3$ улушни олади. Бу ҳолат “Умария масаласи” бўлиб, ўз ўрнида зикр қилинади.

Она учдан бир – $1/3$ улуш олиши мумкинлигига далил:

فَإِنْ لَّمْ يَكُنْ لَهُ وَلَدٌ وَوَرِثَةٌ أَبَوَاهُ فَلِأُمِّهِ الثُّلُثُ فَإِنْ كَانَ لَهُ إِخْوَةٌ
فَلِأُمِّهِ السُّدُسُ

“Агар фарзанди бўлмай, фақат ота-онаси меросхўр бўлса, у ҳолда онасига учдан бир (мерос) тегур. Агар (мархумнинг) ака-укалари бўлса, онасига олтидан бир (хисса) тегур” (Нисо сураси, 11-оят).

Мисол: бир аёл вафот этиб, ўзидан эр, она ва ота бир ука қолдирди. Эрга – хотинининг зурриёти бўлмаганлиги учун – ярим $1/2$, онага учдан бир – $1/3$,

ота бир укага асабалик жиҳатидан қолган улушнинг барчаси тегади.

Масаланинг асли 6 улуш

Эр	ярим – 1/2	3 та улуш
Она	учдан бир – 1/3	2 та улуш
Ота бир ука	асабалик жиҳатидан қолган улушнинг барчаси	1 та улуш

2. Икки ва ундан кўп она бир ака-ука ва опа-сингиллар. Улар учдан бир – 1/3 улушга уч шарт ила ҳақдор бўладилар.

Биринчиси: улар икки ва ундан кўпроқ бўлишлари керак. Қандай жинсда бўлишларининг фарқи йўқ.

Иккинчиси: маййитнинг меросхўр зурриёти бўлмаслиги. Зурриётга ўғил, қиз, ўғилнинг ўғли, қанча пастласа ҳам, ўғилнинг қизи, қизнинг отаси, қанча пастласа ҳам, киради. Агар маййитнинг меросхўр зурриёти бўлса, она бир ака-ука ва опа-сингиллар ҳажб қилинадилар.

Учинчиси: маййитнинг, қанча юқориласа ҳам, отаси бўлмаслиги. Агар маййитнинг, қанча юқориласа ҳам, отаси бўлса, уларни ҳажб қилади.

Икки ва ундан кўп она бир ака-ука ва опа-сингиллар учдан бир – 1/3 улуш олишлари мумкинлигига далил:

وَإِنْ كَانَتْ وَهْلَةٌ أَوْ أُخْتٌ فَلِكُلِّ وَاحِدٍ مِّنْهُمَا السُّدُسُ فَإِنْ كَانُوا أَكْثَرَ مِنْ ذَلِكَ فَهُمْ شُرَكَاءُ فِي الثُّلُثِ

“...Агар (вафот этган) эркак ёки аёлнинг битта ака ёки укаси ёхуд опа ёки сингилси қолган бўлса,

уларнинг икковидан ҳар бирига олтидан бир (ҳисса тегур). **Агар** (улар) **бундан** (биттадан) **ортиқ бўлсалар, улар** (мероснинг) **учдан бир** (ҳиссаси) **да тенг шерик бўлурлар**” (Нисо сураси, 12-оят).

Мисол: бир киши вафот этди ва ўзидан хотини, онасини, она бир икки укасини ва бир туғишган акасини қолдирди. Хотин эрнинг зурриёти бўлмагани учун тўртдан бир – $1/4$, она олтидан бир – $1/6$, она бир икки ука учдан бир – $1/3$ улуш оладилар. Туғишган ака асабалик жиҳатидан қолган улушнинг барчасини олади.

Масаланинг асли 12 улуш

Хотин	тўртдан бир – $1/4$	3 та улуш
Она	олтидан бир – $1/6$	2 та улуш
Она бир икки ука	учдан бир – $1/3$	4 та улуш
Туғишган ака	асабалик жиҳатидан қолган улушларнинг барчаси	3 та улуш

Олтидан бир – $1/6$ улушга етти турли фарз эгалари ҳақли бўладилар:

1. **Ота.** Ота олтидан бир – $1/6$ улушга ҳақдорлик қилиши учун бир шарт лозим: маййитнинг эркак бўлсин, аёл бўлсин, меросхўр зурриёти бўлиши.

Ота олтидан бир – $1/6$ олиши мумкинлигига далил:

وَلَا يُوَدُّ لِكُلِّ وَاحِدٍ مِّنْهُمَا الشُّدُّ إِذَا تَرَكَ إِنْ كَانَ لَهُ وَلَدٌ

“Агар (марҳумнинг) **фарзанди бўлса, ота-онасининг ҳар бирига қолдирган нарса** (мерос) **нинг олтидан бири** (берилур)” (Нисо сураси, 11-оят).

Мисол: бир аёл вафот этиб, ўзидан эр, қиз ва ота қолдирди. Эр тўртдан бир – $1/4$, қиз ярим – $1/2$ улуш олади. Отага олтидан бир – $1/6$ фарз улуш ва яна асабалик жиҳатидан улуш тегади.

Масаланинг асли 12 улуш

Эр	тўртдан бир – $1/4$	3 та улуш
Қиз	ярим – $1/2$	6 та улуш
Ота	олтидан бир $1/6$ фарз улуш + қолгани асабалик жиҳатидан	$2+1=3$

2. Шу ҳолатда маййитнинг отаси бўлмасдан, отасининг отаси, қанча баландласа ҳам ҳаёт бўлса, у олтидан бир – $1/6$ улуши олади. Бунда икки шарт бор.

Биринчиси: маййитнинг зурриёти бўлиши. Зурриётга ўғил, қиз, ўғилнинг ўғли, қанча пастласа ҳам, ўғилнинг қизи, қизнинг отаси, қанча пастласа ҳам, киради.

Иккинчиси: маййитнинг отаси бўлмаслиги. Зеро, ота бобони ҳажб қилади. “Отанинг отаси, қанча баландласа ҳам” дейилганда фақатгина эркак тарафдан бўлган оталар тушунилади. Бу ўринда онанинг отаси ёки отанинг онасининг отаси кабилар назарда тутилмаган. Шунингдек, отанинг онаси ота тарафидан ҳажб қилинади.

Мисол: бир киши вафот этиб, ўзидан хотини, отасининг отасини ва икки ўғил қолдирди. Хотинига саккиздан бир – $1/8$, отасининг отасига олтидан бир – $1/6$, икки ўғилга асабалик жиҳатидан қолган барча улуш тегади.

Масаланинг асли 48 улуш

Хотин	саккиздан бир – $1/8$	6 та улуш
-------	-----------------------	-----------

Испомда мерос тақсимоти

Отасининг отаси	олтидан бир – 1/6	8 та улуш
Икки ўғил	асабалик жиҳатидан қолган барча улушлар	34 та улуш

3. Она. Она олтидан бир – 1/6 улушга ҳақдорлик қилиши учун бир шарт лозим: маййитнинг меросхўр зурриёти ёки икки ва ундан кўпроқ ака-ука ва опасингиллари бўлиши.

Она олтидан бир – 1/6 улуш олиши мумкинлигига далил:

وَلِأَبْوَيْهِ لِكُلِّ وَاحِدٍ مِّنْهُمَا الشُّدُسُ مِمَّا تَرَكَ إِنْ كَانَ لَهُ وَلَدٌ

“Агар (марҳумнинг) фарзанди бўлса, она-онасининг ҳар бирига қолдирган нарса (мерос)нинг олтидан бири (берилур)” (Нисо сураси, 11-оят).

Мисол: бир киши вафот этиб, ўзидан хотини, онаси ва ўғлини қолдирди. Хотинига саккиздан бир – 1/8, онага олтидан бир – 1/6, ўғилга асабалик жиҳатидан қолган барча улушлар тегади.

Масаланинг асли 24 улуш

Хотин	саккиздан бир – 1/8	3 та улуш
Она	олтидан бир – 1/6	4 та улуш
Ўғил	асабалик жиҳатидан қолган барча улушлар	17 та улуш

4. Ўғилнинг бир ва ундан кўп қизлари. Ўғилнинг бир ва ундан кўп қизлари олтидан бир – 1/6 улуш олишлари учун икки шарт бўлиши керак.

Биринчиси: унинг (яъни ўғилнинг) даражасида бўлган ва улушини камайтирувчи асаба, яъни акаси, укаси ёки амакисининг ўғли бўлмаслиги керак. Агар

улар мавжуд бўлса, фарз жиҳатидан эмас, бошқа билан бирга асаба бўлиш жиҳатидан ўғилнинг қизи меросга насибадорлик қилади.

Иккинчиси: маййитнинг зурриёти бўлмаслиги. Агар маййитнинг бир қизи бўлса, у қиз ярим – $1/2$ улуш олади. Шунда ўғилнинг қизи ёки қизлари олтидан бир – $1/6$ улушга эга бўладилар.

Санаб ўтилган икки шарт юзага келганида, ўғилнинг бир ва ундан кўп қизлари олтидан бир – $1/6$ улуш олишларига далил ижмоъдир. Уламолар оят ва ҳадислар асосида ўғилнинг бир ва ундан кўп қизлари юқоридаги шартлар юзага келганда олтидан бир – $1/6$ улуш олишларига ижмоъ қилганлар.

Мисол: бир аёл вафот этиб, ўзидан қиз, ўғилнинг қизи, ота ва онасини қолдирди. Қизга ярим – $1/2$ улуш тегади, ўғилнинг қизига қиз холаси билан учдан икки – $2/3$ улушни олиши учун олтидан бир – $1/6$, отага олтидан бир – $1/6$, онага олтидан бир – $1/6$ улуш тўғри келади.

Масаланинг асли 6 улуш

Қиз	ярим $1/2$	3 та улуш
Ўғилнинг қизи	олтидан бир $1/6$	1 та улуш
Ота	олтидан бир $1/6$	1 та улуш
Она	олтидан бир $1/6$	1 та улуш

5. Бир ва ундан кўп ота бир опа-сингиллар. Улар икки шарт ила олтидан бир – $1/6$ улуш оладилар.

Биринчиси: маййитнинг фарз бўлган ярим – $1/2$ улушни олувчи бир туғишган опа ёки синглиси бўлиши. Агар маййитнинг туғишган опа ёки синглиси билан ака ёки укаси бўлса, ота бир сингиллар ҳажб бўлганлари учун улуш олмайдилар. Агар туғишган сингиллар икки

ва ундан кўп бўлсалар, ота бир ака ёки ука, ота бир опа ёки сингилларни учдан икки – $\frac{2}{3}$ улушни тўлиқ олганлари учун ҳажб қиладилар. Қиз ва ўғилнинг қизи ҳам уларни шу йўсинда ҳажб этишади.

Иккинчиси: улар қаторида уларнинг улушларини камайтирувчи асаба бўлмаслиги. Ушбу асаба – ота бир ака ёки укадир. Агар улар билан ота бир ака ёки ука бўлса, фарз эгаларидан қолганини улар асабалик жиҳатидан бир эркакка икки аёл улуши қоидасига биноан бўлиб оладилар.

Бир ва ундан кўп ота бир опа-сингиллар олтидан бир – $\frac{1}{6}$ улуш олишларига далил ижмоъдир. Уламолар оят ва ҳадислар асосида бир ва ундан кўп ота бир опа-сингиллар юқоридаги шартлар юзага келганда, олтидан бир – $\frac{1}{6}$ улуш олишларига ижмоъ қилганлар.

Мисол: бир аёл вафот этиб, ортида эрини, туғишган сингиси ва ота бир икки сингисини қолдирди. Бунда эрга ярим – $\frac{1}{2}$, туғишган сингилга ярим – $\frac{1}{2}$, ота бир икки сингилга олтидан бир – $\frac{1}{6}$ улуш тегади.

Масаланинг асли 6 улуш бўлиб 7 улушга авл қилинади. (Авл қилиш ҳақида ўз ўрнида баён этилади.)

Эр	ярим – $\frac{1}{2}$	3 та улуш
Туғишган сингил	ярим – $\frac{1}{2}$	3 та улуш
Ота бир икки сингил	олтидан бир – $\frac{1}{6}$	1 та улуш

6. Она бир бир нафар ака ёки ука ва опа ёки сингил. Улардан бири уч шарт ила олтидан бир – $\frac{1}{6}$ улушга ҳақдор бўлади.

Биринчиси: меросхўр зурриёт бўлмаслиги. Агар меросхўр зурриёт бўлса, она бир ака ёки ука ва опа ёки сингиллар ҳажб бўладилар.

Иккинчиси: маййитнинг, қанча баландласа ҳам, отаси бўлмаслиги. Агар қанча баландласа ҳам отаси бўлса, улар ҳажб бўладилар.

Учинчиси: она бир ака ёки ука ва опа ёки сингил бир нафар бўлиши.

Она бир бир нафар ака ёки ука ва опа ёки сингил олтидан бир – $1/6$ улуш олиши мумкин эканлигига далил:

وَإِنْ كَانَتْ رَجُلٌ يُورَثُ كَلَلَةً أَوْ امْرَأَةً وَوَلَةً أَخٌ أَوْ أُخْتٌ فَلِكُلِّ وَاحِدٍ مِّنْهُمَا السُّدُسُ

“Агар (вафот этган) эркак ёки аёлнинг ота-онаси ҳам, фарзандлари ҳам бўлмай, (балки она томонидан) битта ака ёки укаси ёхуд опа ёки сингиси қолган бўлса, уларнинг икковидан ҳар бирига олтидан бир (хисса тегур)” (Нисо сураси, 12-оят). Яъни, эркак бўлсин, аёл бўлсин, бир нафар бўлса, олтидан бир – $1/6$ улуш олади.

Мисол: бир киши вафот этди ва ўзидан хотини, она бир акаси, туғишган акаси ва ота бир укасини қолдирди. Бунда хотинига тўртдан бир – $1/4$, она бир акага олтидан бир – $1/6$, туғишган акага асабалик жиҳатидан қолган барча улуш тегади. Ота бир укага ҳеч нарса йўқ.

Масаланинг асли 12 улуш

Хотин	тўртдан бир – $1/4$	3 та улуш
Она бир ака	олтидан бир – $1/6$	2 та улуш
Туғишган ака	асабалик жиҳатидан қолган барча улушлар	7 та улуш
Ота бир ука	туғишган ака сабабидан ҳажб бўлган	улуш йўқ

7. Онанинг ёки отанинг онаси, қанча баланд-ласа ҳам. Онанинг отасининг онаси бунга кирмайди. Онанинг онасининг онаси, отанинг онасининг онаси кабилар киради. Бунинг бир шарти бор: маййитнинг онаси бўлмаслиги. Агар маййитнинг онаси бўлмаса, онанинг онаси 1/6 улуш олади. Бу ҳолатда она қанча баландласа ҳам, бўлмаса ва маййитнинг отаси ҳам бўлмаса, отанинг онасига олтидан бир – 1/6 улуш беради. Момоларнинг иккови ҳаёт бўлса, олтидан бир – 1/6 улушни тенг бўлиб оладилар.

Онанинг ёки отанинг онаси, қанча баландласа ҳам, муайян шартлар юзага келганда олтидан бир – 1/6 улуш олишига қўйидаги ҳадис далил:

إِنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَعْطَى الْجَدَّةَ السُّدُسَ. (رواه البخاري)

“Набий соллаллоху алайҳи ва саллам момога олтидан бир берганлар” (Имом Бухорий ривояти).

Мисол: бир киши вафот этиб, ўзидан отанинг онаси, ўғил ва туғишган ука қолдирди. Бунда отанинг онасига олтидан бир – 1/6, ўғилга асабалик жиҳатидан қолган улуш тегади. Туғишган ука ўғил тарафидан ҳажб бўлади.

Масаланинг асли 6 улуш

Отанинг онаси	олтидан бир 1/6	1 та улуш
Ўғил	асабалик жиҳатидан қолган барча улуш	5 та улуш
Туғишган ука	ўғил тарафидан ҳажб бўлган	улуш йўқ

Юқорида кўрсатиб ўтилган фарз улушларга ҳақдор бўлувчиларнинг умумий сони йигирма бир кишидир.

АСАБАЛИК ҲАҚИДА

Асаба (عصبة) сўзи луғатда “ёпишиб туриш” маъносида келади. Шунингдек, кишининг ота тарафдан яқин қариндошларига нисбатан айтилади. Асабалар ҳам ўзлари асаба бўлган кишига маънавий жиҳатдан ёпишиб, ҳаётида қўллаб турадилар, оғир вазиятда қолганда, биринчи бўлиб ёрдам қўлини чўзадилар.

Истилоҳда, асаба деганда – фарз эгаларидан ортиб қолган улушнинг барчасини олувчи яқин эркак қариндошлар тушунилади.

Асабалар мерос олишда фарз эгаларидан кейинги ўринда турадилар ва улушни ҳам улардан кейин оладилар.

Мерос уламолари асабани икки қисмга бўлишган:

1. Насаб жиҳатидан асаба.
2. Сабабий асаба.

Насаб жиҳатидан асаба мавжуд экан, сабабий асаба ҳажб бўлади.

НАСАБ ЖИҲАТИДАН АСАБА

Насаб жиҳатидан асабалик учта навга бўлинади:

1. **Ўзи насабий асаба.** Бунда майитнинг қариндоши фақатгина эркак ёки эркак ва аёл орқали унинг насаби бўлади. Масалан, ўғил, ота, ўғилнинг ўғли, туғишган ака-ука, ота бир ака-ука, туғишган амаки, ота бир амаки ва ҳоказо. Туғишган ака-ука – эркак ва аёл (ота ва она) орқали насабий асабага мисол бўлади.

Тақсимотда фарз соҳиби бўлмаса, бу асабалар бутун меросни оладилар. Агар фарз соҳиблари бўлса,

уларнинг улушларидан ортганини олишади. Ушбу асабаларнинг ўзлари ҳам фарз соҳиблари бўлишлари мумкин. Шунда улар ўзларининг фарз улушларини олгач, ортган мероснинг қолганини асабалик жиҳатидан оладилар. Улар маййитга нисбатан тўрт тарафдан асаба бўладилар:

Биринчи: Ўғиллик тарафи (қанча пастласа ҳам).

Иккинчи: Оталик тарафи (қанча баландласа ҳам).

Учинчи: Ака-укалик тарафи (улар туғишган ёки ота бир бўладилар. Туғишган ёки ота бир ака-ука бўлмаса, уларнинг ўринларини ўғиллари – ўғил тараф қанча пастласа ҳам, босади).

Тўртинчи: Амакилик тарафи. Бунда туғишган амаки ёки ота бир амаки назарда тутилади. Улар бўлмаса, туғишган амакининг ўғли, кейин ота бир амакининг, қанча пастласа ҳам, ўғли. Кейин отасининг туғишган амакиси ёки отасининг ота бир туғишган амакиси, қанча баландласа ҳам. Агар амакилик тарафидан бўлган асабаларнинг барчаси тирик бўлса, маййитнинг отасига энг яқин асаба қолганларини ҳажб қилади. Ушбу ҳажб қилишда туғишганлик ёки ота бир бўлиши эътиборга олинмайди. Туғишганлик ва отанинг бирлиги икки асаба маййитга бир хил даражада яқин бўлганда ҳисобга олинади (*Низомиддин Киронавий, “Далилул вуррос”*).

Юқорида санаб ўтилган ўзи насабий асаба бўлганлардан бири мавжуд бўлса, меросхўрга ёлғиз ўзи асабалик қилади. Аммо ўзи насабий асабалар бир нечта бўлса, уларнинг тартиблари қуйидагича:

Аввало, тарафга қаралади. Бунда ўғиллик, қанча пастласа ҳам, оталиқдан қанча баландласа ҳам, ака-укадан ва амакидан олдин туради. Оталик ака-

укаликдан ва амакиликдан устундир. Ўз навбатида, ака-укалик амакиликдан олдин бўлади.

Иккинчидан, даражага қаралади. Бунда тарафлар бир хил бўлади. Масалан, ўғил ва ўғилнинг ўғли бир тараф, аммо уларнинг даражалари фарқли. Ушбу ҳолатда ўғил ўғилнинг ўғлидан устун туради. Ота – отанинг отасидан, ака ёки ука – ака ёки уканинг ўғлидан, амаки – амакининг ўғлидан, туғишган амаки – ота бир амакидан устун бўлади.

Учинчидан, қариндошликнинг қувватига қаралади. Бунда тараф ҳам, даража ҳам бир хил бўлади. Масалан, туғишган ака ёки ука ота бир ака ёки укадан устун саналади. Шунингдек, туғишган опа ёки сингил маййитнинг қизи ёки ўғлининг қизи билан бўлганда, ота бир ака ёки укадан олдин бўлади. Туғишган ака ёки уканинг ўғли ота бир ака ёки уканинг ўғлидан устун туради. Туғишган амаки ота бир амакидан юқорида туради (Низомиддин Киронавий, “Далилул вуррос”).

2. Бошқанинг сабабидан асаба бўлиш. Бошқанинг сабабидан асаба бўлиш деганда, ўзи насабий асаба мақомидаги эркакка нисбатан асаба бўлиш эҳтиёжи бор аёл меросхўрлар тушунилади. Бунда ўша аёл ўзи насабий асаба бўлган эркак билан биргаликда меросга насибадорлик қилади. Бошқанинг сабабидан асаба бўлувчи асабага – фақатгина бир ўзи бўлганда ярим – $1/2$, икки ва ундан кўп бўлганда учдан икки – $2/3$ улушга ҳақдор саналувчи аёллар киради. Улардан бошқа аёллар ўзи насабий асаба бўлганларга қўшилиб асаба бўла олмайдилар. Масалан, амма амакига қўшилиб меросдан насибадор бўла олмайди.

Бошқанинг сабабидан асаба бўлувчи аёллар тўрт хилдир:

1) Қиз, ўғил билан бўлганда. Агар қиз ўғилнинг ўғли билан қолган бўлса, қиз бир нафар бўлганда, ярим – $1/2$, икки ва ундан кўп бўлганда, учдан икки – $2/3$ улуш олади.

2) Ўғилнинг қизи, ўғилнинг ўғли билан бўлганда. Агар ўғилнинг ўғли пастласа, унга мерос олиш масаласида ўғилнинг қизининг ҳожати тушгандагина у билан бирга асаба бўлади. Йўқса, ўғилнинг қизи сифатида ярим – $1/2$ улуш олади.

3) Туғишган опа ёки сингил туғишган ака ёки ука билан бирга бўлганда. Аммо туғишган опа ёки сингил ота бир ака ёки ука билан бўлганда, туғишган опа ёки сингил бир нафар бўлса, унга ярим – $1/2$, агар икки ва ундан кўп бўлишса, учдан икки – $2/3$ улуш берилади.

4) Ота бир ака-ука ва ота бир опа-сингил.

Аёл киши фарз эгаларидан ҳисобланмаган ҳолатда ўзи насабий асаба бўлган қариндоши бўлса ҳам, унинг сабабидан асаба саналмайди. Фарз улуши йўқ қариндошлар мерос илмида “завул-арҳом” дейилади.

3. Бошқа билан бирга асаба бўлиш. Бундай асаба аслида меросдан фарз улушига эга экани ҳолда, асаба бўлиш учун унга асабаликда шериклик қилмайдиган бошқа аёл қариндошга эҳтиёжи тушган аёлдир. Бу ҳолатда бошқа билан бирга асаба саналувчи аёл фақат ўзи асаба бўлади. Унинг асаба бўлишига сабабчилик қилган аёл фарз эгаси бўлади, холос.

Бошқа билан бирга асаба бўлувчи аёллар икки хилдир:

1) Туғишган опа ёки сингил, қиз билан ёки қанча пастласа ҳам, ўғилнинг қизи билан бирга асаба бўлади.

2) Ота бир опа ёки сингил, қиз билан ёки қанча пастласа ҳам, ўғилнинг қизи билан бирга асаба бўлади.

Ўзи насабий асаба бўлганлар фақатгина эркаклардан иборатдир. Бошқанинг сабабидан асаба бўлувчилар ўзи насабий асаба бўлган эркаклар сабабидан асаба ҳисобланувчи аёлларни ташкил қилади. Бошқа билан бирга асаба бўлувчи аёллар фақатгина бошқа аёлларга шериклик жиҳатидан асаба бўладилар.

Муҳим қоида: Фарз эгаларидан тарика ортиб қолганда, маййитга қариндошликда энг яқин бўлган насабий асаба қолган барча улушни олади. Ундан бошқа асабалар ҳеч нарса олмайдилар.

ИККИ ТАРАФДАН МЕРОСГА ҲАҚДОР БЎЛИШ ҲОЛАТИ

Гоҳида меросхўр икки тарафдан меросга ҳақдор бўлади. Бунда икки тарафнинг иккови ҳам асабалик тарафи бўлса, ўша меросхўр қувватлироқ тарафдан меросга ҳақдор саналади. Масалан, ўғил бир вақтда амакининг ўғлининг ўғли бўлиши ҳам мумкин: бир аёл амакисининг ўғлига турмушга чиқиб, ундан бир ўғил кўради. Кейин вафот этади. Шунда маййитнинг ўғли онаси учун бошқа тарафдан амакининг ўғлининг ўғли бўлади. Ушбу ҳолатда ўғил фақат ўғиллик тарафидан мерос олади. Чунки ўғиллик туфайли амакилик тарафи ҳажб бўлган.

Агар икки тарафнинг бир тарафи фарз эгаси, бошқаси асаба мақомида бўлса, икки тарафдан ҳам мерос олади. Масалан, эр бир вақтнинг ўзида амакининг ўғли ҳам бўлса, эр сифатида ё ярим – 1/2

улуш, ёки тўртдан бир – 1/4 (чорак) улушга эга бўлади. Сўнгра улушда шериги ёки уни ҳажб қилувчи бошқа яқинроқ асаба бўлмаса, амакининг ўғли сифатида фарз эгаларидан қолган меросни олади.

Икки тарафдан меросхўр бўлган инсон бир тарафдан ҳажб бўлса, бошқа тарафдан мерос олади.

САБАБИЙ АСАБА

Сабабий асабалик – ҳукмий қариндошлиқдирки, унинг вужудга келиши қулликдан озод қилиш ила бўлади. Бунда эркинликка чиқарувчи “озод қилувчи мавло” дейилади ва у озод қилинган шахсга сабабий асаба бўлади. Озод этилган қул вафот топгач, унинг меросхўри бўлмаса, унинг мавлоси сабабий асаба сифатида бутун меросни олади. Агар фарз эгалари бўлса ва улар орасида ўзи насабий асаба бўлмаса, қолган тарика сабабий асабага ўтади.

Бирор инсон хоҳ эркак бўлсин, хоҳ аёл бўлсин, бир қулни озод қилса, унинг сабабий асабасига айланади.

Агар сабабий асаба ҳам вафот топган бўлса, майитнинг мероси сабабий асабанинг насабий асабаси бўлган энг яқин қариндошига берилади.

Жумхур уламолар наздида, насабий асабалардан кейин сабабий асабалар меросга ҳақлироқдирлар. Бунда “завул-арҳомлар” ва “радд қилиш” сабабий асабалардан кейинги ўринда туради. (“Радд қилиш” – фарз эгалари орасида асаба бўлмаганда, улардан ортиб қолган меросни улушларига биноан қайта тақсимлашдир. Бу мавзунини ўз ўрнида баён қиламиз (*Низомиддин Киронавий, “Далилул вуррос”*).

ҲАЖБ ҲАҚИДА

Ҳажбнинг (حَجَبٌ) луғатдаги маъноси “ман қилиш” ва “тўсиш”дир. Шундан аёл кишининг авратини тўсувчи кийим ҳам “ҳижоб” дейилади.

Мерос олимлари истилоҳида ҳажб қуйидагича таърифланади: “Ҳажб – маййитга ўта яқин меросхўр маййитга яқин меросхўрни ёки маййитга яқин меросхўр маййитга узоқ меросхўрни тариканинг барчасидан ёки муайян бир қисмидан тўсишидир”. Масалан, маййитнинг ўғли тирик бўлса, ўғлининг ўғли меросдан ҳажб бўлади, тўсилади.

Ҳажб меросдан маҳрум бўлиш деб тушунилмайди. Зеро, ҳажб бўлиш билан меросдан маҳрум бўлиш орасида катта фарқ бор. Меросдан маҳрум бўлган инсон худди ҳаётда йўқдек ҳисобланади. У бошқани ҳажб қилмайди. Масалан, бир киши ўз набираси тарафидан ўлдирилса, ўша набиранинг отаси ҳаёт бўлмаса ҳам, қотиллик сабабидан ўша набира меросдан маҳрум бўлади. Ўзи ҳажб бўлган меросхўр, уламолар иттифоқи билан бошқани ҳажб қилиши мумкин.

Ҳажб икки қисмдир:

1. Ҳажби нуқсон (меросдан қисман тўсувчи ҳажб).
2. Ҳажби ҳирмон (меросдан бутунлай тўсувчи ҳажб).

ҲАЖБИ НУҚСОН

Ҳажби нуқсон – маййитга ўзидан яқинроқ меросхўр бўлгани сабабли, кўпроқ фарз улушдан тўсилиб, камроқ бўлган фарз улушни олишдир.

Ҳажби нуқсон бўлиши мумкин меросхўрлар беш тоифадир:

1. **Эр.** Хотинининг ўша эрдан ёки бошқа эрдан бўлган меросхўр зурриёти бўлса, эр ярим – $1/2$ улушдан тўртдан бир – $1/4$ улушга ҳажби нуқсон бўлади. Агар хотинининг зурриёти бўлмаганида эр ярим – $1/2$ улуш олган бўлар эди.

2. **Хотин.** Эрининг ўша хотиндан ёки бошқа хотиндан бўлган меросхўр зурриёти бўлса, хотин тўртдан бир – $1/4$ улушдан сақкиздан бир – $1/8$ улушга ҳажби нуқсон бўлади. Агар эрининг меросхўр зурриёти бўлмаганида, хотин тўртдан бир – $1/4$ улуш олган бўлар эди.

3. **Ўғилнинг қизи.** Маййитнинг қизи бўлса, ўғилнинг қизи – $1/2$ улушдан олтидан бир – $1/6$ улушга ҳажби нуқсон бўлади. Агар отанинг қизи бўлмаганида, ўғилнинг қизи ярим – $1/2$ улуш олган бўлар эди.

4. **Ота бир сингил.** Маййитнинг туғишган синглиси бўлса, ота бир сингил ярим – $1/2$ улушдан олтидан бир – $1/6$ улушга ҳажби нуқсон бўлади. Агар туғишган сингил бўлмаганида, ота бир сингил ярим – $1/2$ улуш олган бўлар эди.

5. **Она.** Маййитнинг зурриёти ёки икки ва ундан кўп ака-ука, опа-сингиллари бўлса, она учдан бир – $1/3$ улушдан олтидан бир – $1/6$ улушга ҳажби нуқсон бўлади. Агар маййитнинг зурриёти ёки икки ва ундан кўп ака-ука, опа-сингиллари бўлмаганида, она учдан бир – $1/3$ улуш олган бўлар эди.

ҲАЖБИ ҲИРМОН

Ҳажби ҳирмон – маййит билан унинг орасида ундан кўра маййитга яқинроқ меросхўр бўлгани учун тариканинг барчасидан тўсилиши, маҳрум этилиши-

дир. Масалан, ота бўлганда, отанинг отаси ҳажби ҳирмон саналади. Ҳажби ҳирмон фақат асабалар тарафидан бўлади. Шунинг учун она маййитнинг ака-укаларини ҳажб қила олмайди.

Ҳажби ҳирмонга ҳар қандай ҳолатда ҳам учрамайдиган олти меросхўр бор:

1. Ўғил.

2. Ота.

3. Эр.

4. Хотин.

5. Қиз.

6. Она.

Ҳажби ҳирмонга учраши мумкин бўлган меросхўрлар:

– Отанинг отаси ота тарафидан ҳажби ҳирмон бўлади. Отанинг отасининг отаси отанинг отаси тарафидан ҳажби ҳирмон бўлади.

– Туғишган, ота бир, она бир ака-укалар ота, ўғил, ўғилнинг ўғли тарафидан ҳажби ҳирмон бўладилар.

– Ота бир ака-укалар туғишган ака-укалар тарафидан ҳажби ҳирмон бўладилар. Қайси бир тоифа ака-укалар ҳажби ҳирмон бўлсалар, уларнинг ўғиллари ҳам ҳажби ҳирмонликка учрайдилар.

– Ўғил – ўғилнинг ўғлини ҳажби ҳирмон қилади. Ўғилнинг ўғлининг ўғли – ўғилнинг ўғли тарафидан ҳажби ҳирмон бўлади.

– Асабаларнинг маййитга энг яқин бўлгани қолган фарз эгаси эканлигида эмас, асабаларни асабалиқда ҳажб қилади.

– Онанинг онаси ва отанинг онаси она тарафидан ҳажби ҳирмон бўлади.

– Ўғилнинг қизи бирга асаба қилувчиси бўлмаса, ўғил ила ёки икки ва ундан ортиқ қиз ила ҳажби ҳирмонликка дуч келади.

– Туғишган, ота бир, она бир опа-сингиллар ота, ўғил, ўғилнинг ўғли тарафидан ҳажби ҳирмон бўладилар (*Низомиддин Киронавий, “Далилул вуррос”*).

ФАРЗ ЭГАЛАРИНИНГ МЕРОСДАГИ ҲОЛАТЛАРИ

Фарз эгаларининг меросдаги ҳолатларини тўрт қисмга бўлиб ўрганамиз:

1. Асллар (ота-она қанча юқориласа ҳам).
2. Фарълар (меросхўр зурриётлар).
3. Атрофдагилар (фарз эгалари ҳисобланган ака-ука, опа-сингиллар).
4. Никоҳланганлар (эр-хотинлар).

АСЛЛАРНИНГ МЕРОСДАГИ ҲОЛАТЛАРИ

Аслларга ота, отанинг отаси, қанча юқориласа ҳам, киради. Шунингдек она, онанинг онаси, отанинг онаси, қанча юқориласа ҳам, киради. Отанинг онасининг отаси, онанинг отасининг онаси кабилар эса завул-арҳомлардир.

ОТАНИНГ МЕРОСДАГИ ҲОЛАТЛАРИ

Ота ҳеч қачон меросдан ҳажб ҳирмон қилинмайди. Ота бошқаларни ҳажб қилиши мумкин. Ота гоҳида фақат фарз эгаси сифатида, гоҳида фақат асабалик жиҳатидан, гоҳида ҳам фарз соҳиби, ҳам асаба сифатида мерос олиши мумкин. Мерос олишда унинг учта ҳолати бор:

1. Маййитнинг қанча пастласа ҳам, меросхўр эркак зурриёти бўлганда, ота фақатгина олтидан бир – $1/6$ фарз улушини олади.

Мисол: бир киши вафот этиб, ортида хотини, отаси ва ўғлини қолдирди. Хотинига саккиздан бир – $1/8$ фарз улуш, отага олтидан бир – $1/6$ фарз улуш тегади, қолганини ўғил асабалик жиҳатидан олади.

Масаланинг асли 24 улуш

Хотин	саккиздан бир – $1/8$	3 та улуш
Ота	олтидан бир – $1/6$	4 та улуш
Ўғил	асабалик жиҳатидан қолган барча улушлар	17 та улуш

2. Ота ёлғиз ўзи меросхўрлик қилганда ёки маййитнинг қанча пастласа ҳам, меросхўр эркак зурриёти бўлмай, фарз эгалари ўзларининг улушларини олиб бўлганларида, у мероснинг барчасини ёки қолганини фақатгина асабалик жиҳатидан олади.

Мисол: бир аёл вафот этиб, ўзидан отаси ва онасини қолдирди. Бу ҳолда онага учдан бир – $1/3$ фарз улуш, отага асабалик жиҳатидан қолган барча улушлар тегади.

Масаланинг асли 3 улуш

Она	учдан бир – $1/3$	1 та улуш
Ота	асабалик жиҳатидан қолган барча улушлар	2 та улуш

3. Маййитнинг қизи ёки ўғлининг қизи бўлганда, ота ҳам фарз соҳиби, ҳам асаба сифатида мерос олади.

Мисол: бир аёл вафот топиб, ортида эри, қизи ва отасини қолдирди. Эр тўртдан бир – $1/4$ фарз улуш

олади. Қизга ярим – $1/2$ фарз улуш берилади, ота олтидан бир – $1/6$ фарз улушни ва асабалик жиҳатидан қолганини олади.

Масаланинг асли 12 улуш

Эр	тўртдан бир – $1/4$	3 та улуш
Қиз	ярим $1/2$	6 та улуш
Ота	олтидан бир – $1/6$ ва қолганини асабалик жиҳатидан	2 та улуш + 1 та улуш = 3 та улуш

ОНАНИНГ МЕРОСДАГИ ҲОЛАТЛАРИ

Онанинг меросда уч ҳолати бор:

1. Маййитнинг меросхўр зурриёти бўлса ёки икки ва ундан кўп ака-ука ва опа-сингиллари бўлса, она олтидан бир – $1/6$ улуш олади. Бунда икки ва ундан кўп ака-ука ва опа-сингиллар ҳажб бўлишлари ёки бўлмасликларининг фарқи йўқ. Зеро, ҳажб бўлган меросхўр бошқани ҳам ҳажб қилиши мумкин. Меросдан маҳрум бўлган шахс эса, бошқани ҳажб қилмайди.

Мисол: бир киши вафот топиб, ортида икки хотини, онаси ва ўғлини қолдирди. Икки хотинига саккиздан бир – $1/8$ фарз улуш, онага маййитнинг меросхўр зурриёти бўлгани учун олтидан бир – $1/6$ фарз улуш, ўғил асабалик жиҳатидан қолган меросни олади. Масаланинг асли 24 та улуш бўлиши керак. Аммо 24 нинг – $1/8$ и бўлган 3 улушни икки хотинга касрсиз тақсимлаб бўлмайди. Бу ҳолатда масаланинг аслини қуйидагича тасҳиҳ қиламиз: хотинлар сони – 2 ни масаланинг асли 24 га кўпайтирамиз. Ҳосил бўлган 48 масаланинг тасҳиҳи бўлади:

Онанинг меросдаги ҳолатлари

Икки хотин	саккиздан бир – $1/8$	6 та улуш, 3 тадан
Она	олтидан бир – $1/6$	8 та улуш
Ўғил	асабалик жиҳатидан қолган бутун мерос	34 та улуш

2. Маййитнинг меросхўр зурриёти бўлмаса, икки ва ундан кўп ака-ука ва опа-сингиллари бўлмаса, она учдан бир – $1/3$ улуш олади.

Мисол: бир аёл вафот этиб, ўзидан она ва икки туғишган ака-ука қолдирди. Она олтидан бир – $1/6$ фарз улушни олади. Икки туғишган ака-ука асабалик жиҳатидан қолган бутун меросни оладилар. Масаланинг асли 6 та улуш бўлиши керак. Аммо 6 нинг $5/6$ и бўлган 5 асабалик улушини икки туғишган ака-укага касрсиз тақсимлаб бўлмайди. Бу ҳолатда масаланинг аслини қуйидагича тасҳиҳ қиламиз: туғишган ака-укалар сони – 2 ни масаланинг асли 6 га кўпайтирамиз. Ҳосил бўлган 12 масаланинг тасҳиҳидир.

Она	олтидан бир – $1/6$	2 та улуш
Икки туғишган ака-ука	асабалик жиҳатидан қолган бутун мерос	10 та улуш, 5 та улушдан

3. Маййитнинг отаси ва эри ёки хотини бўлса, она эр ёки хотин ўз улушини олгач, қолган улушдан учдан бир – $1/3$ ҳиссани олади. Ота эса охирида асабалик жиҳатидан қолган мероснинг барчасини олади. Бу ҳолатда онанинг улуши отаникидан кўп бўлмаслиги учун она – эр ёки хотин ўз улушини олгач, қолган улушдан учдан бир – $1/3$ ҳиссани олади.

Ушбу масала мерос илмида “Умария масаласи” деб аталади. Умар ибн Хаттоб розияллоху анху шу йўсинда

Исломда мерос тақсимоти

мерос тақсим қилганлари боис шундай номланиб қолган.

Агар шу ҳолатда отанинг ўрнида отанинг отаси бўлса, она бутун тариканинг учдан бири – $1/3$ ни олади (Низомиддин Киронавий, “Далилул вуррос”).

Умария масаласига мисол: бир киши вафот топиб, ортида хотини, онаси ва отасини қолдирди. Бунда хотинига тўртдан бир – $1/4$ фарз улуш тегади. Она маййитнинг хотини ўз улушини олгач, қолган улушдан учдан бир – $1/3$ ни ҳиссаолади. Ота асабалик жиҳатидан қолган бутун меросни олади.

Масаланинг асли 8 улуш

Хотин	тўртдан бир – $1/4$	2 та улуш
Она	қолган олти улушдан учдан бир – $1/3$	2 та улуш
Ота	асабалик жиҳатидан қолган бутун мерос	4 та улуш

ОТАНИНГ ОТАСИНИНГ, ҚАНЧА ЮҚОРИЛАСА ҲАМ, МЕРОСДАГИ ҲОЛАТЛАРИ

Отанинг отаси, қанча юқориласа ҳам, отага эркаклар тарафидан боғлиқ бўлиши керак. Шунинг учун отанинг онасининг отаси фарз эгаси ҳам, асаба ҳам ҳисобланмайди. Отанинг отаси, қанча юқориласа ҳам, ота бўлмаганда ота каби меросга эга бўлади. Маййитнинг ака-укалари бўлмаган ҳолда отанинг отасининг меросдаги ҳолати отанинг юқоридаги уч ҳолатидек бўлади. Ота ҳаёт бўлса, отанинг отаси у томондан ҳажб этилади.

Юқорида ота маййитнинг ака-ука ва опсингилларини ҳажб қилиши айтилди. Абу Ҳанифа

раҳимаҳуллоҳнинг наздида, отанинг отаси ҳам маййитнинг барча ака-ука ва опа-сингилларини ҳажб қилади. Имом Абу Юсуф ва имом Муҳаммад раҳимаҳумаллоҳ наздларида, отанинг отаси маййитнинг туғишган ва ота бир ака-ука ва опа-сингилларини ҳажб қилмайди. Жумҳур уламолар имом Абу Юсуф ва имом Муҳаммад раҳимаҳумаллоҳларнинг қавлларини олганлар.

Агар тақсимотда фақат отанинг отаси ва ака-ука, опа-сингилларнинг ўзлари бўлсалар, отанинг отаси ака-укалардан бири деб тасаввур қилинади ёки тариканинг учдан бир – $1/3$ улушини олади. Отанинг отасига йккалга ҳолатдан қай бири яхшироқ бўлса, ўшани олади.

Агар тақсимотда отанинг отаси ва ака-ука, опа-сингиллар билан бошқа фарз эгалари бўлсалар, отанинг отаси ака-укалардан бири деб тасаввур қилинади ёки фарз эгаларидан қолган тариканинг учдан бир – $1/3$ ини олади ёки умумий тариканинг олтидан бир – $1/6$ ини олади. Отанинг отасига уч ҳолатдан қай бири яхшироқ бўлса, ўшани олади. Тақсимот қай суратда бўлганда ҳам, отанинг отасининг улуши олтидан бир – $1/6$ дан кам бўлмаслиги шарт. Мерос тақсимотида отанинг отаси ака-укалардан бири деб тасаввур қилиниши “муқосама” дейилади.

Бу ҳолатларда тақсимотдаги ака-ука ва опа-сингиллар туғишган ёки ота бир эканликларининг фарқи йўқ. Агар тақсимотда отанинг отаси билан туғишган ёки ота бир опа-сингиллар мавжуд бўлсалар, отанинг отасининг улушини камайтиришда иштирок этадилар ва меросга насибадорлик қиладилар.

Агар тақсимоида она бир ака-ука ва опа-сингиллар бўлсалар, улар ҳам отанинг отасининг улушини камайтиришда ҳисобга олинадилар. Отанинг отаси ўз улушини олиб бўлгач, улар меросдан насибадор бўлсалар, улуш оладилар. Насибадор бўлмасалар, яъни бошқа яқинроқ меросхўр тарафидан ҳажб қилинсалар, улуш олмайдилар (*Низомиддин Киронавий, “Далилул вуррос”*).

Мисол: бир аёл вафот топиб, ортида эри, отасининг отаси ва туғишган укасини қолдирди. Эрга ярим – $\frac{1}{2}$ улуш тегади, отасининг отаси ва туғишган ука қолган тарикани муқосама қиладилар, яъни тенг бўлишиб оладилар. Зеро, отанинг отаси учун қолган тариканинг – $\frac{1}{3}$ ни олишдан кўра ёки умумий тариканинг $\frac{1}{6}$ ни олишдан кўра, муқосама қилган яхшироқ.

Мисол: бир киши вафот топиб, ортида онасини, отасининг отасини ва икки нафар туғишган ака-ука ва опа-сингиллар қолдирди. Онага олтидан бир – $\frac{1}{6}$, отанинг отасига онадан ортган тариканинг учдан бир – $\frac{1}{3}$ ҳиссаси тегади, қолган тарикани туғишган ака-ука ва опа-сингиллар бир эркакка икки аёл улуши қоидасига мувофиқ бўлиб оладилар. Ушбу масалада отанинг отаси учун онадан ортган тариканинг учдан бир – $\frac{1}{3}$ ини олиш муқосамадан кўра яхшироқдир.

ОНАНИНГ ОНАСИНИНГ ЁКИ ОТАНИНГ ОНАСИНИНГ, ҚАНЧА ЮҚОРИЛАСА ҲАМ, МЕРОСДАГИ ҲОЛАТЛАРИ

Бунда онанинг отасининг онаси ва отанинг онасининг отасининг онаси ушбу тоифага кирмайди.

Онанинг онасининг ёки отанинг онасининг, қанча юқориласа ҳам, меросда қуйидаги ҳолатлари бор:

– Она бўлмаганда онанинг онаси ёки отанинг онаси олтидан бир – $1/6$ улуш олади. Агар ушбу кўринишдаги оналар бир даражада икки нафар бўлса, улар олтидан бир – $1/6$ улушни тенг тақсимлаб оладилар. Онанинг пастдагиси онанинг баланддагисини ҳажб қилади.

– Она мавжуд бўлганда, онанинг онаси ҳам, отанинг онаси ҳам ҳажб бўлади. Маййитнинг отаси мавжуд бўлганда, отанинг онаси ҳажб бўлади. Онанинг онаси ота тарафидан ҳажб қилинмайди.

– Тақсимотда отанинг отаси бўлса, у фақат ўзи тарафидан юқорида бўлган онани ҳажб қилади, ота тарафидаги онани, у қанча юқориласа ҳам, ҳажб қилмайди. Зеро, ота тарафидаги она отанинг отасига қон-қариндош эмас. Бунга бир кишидан отасининг отаси ва отасининг онасининг онаси қолган ҳолат мисол бўлади.

– Яқинроқ она узоқроқ онани ҳажб қилади. Бунда ҳажб қилувчи она мерос оладими, йўқми, фарқи йўқ. Бунга ота мавжуд бўлган ҳолида отанинг онаси онанинг онасининг онасини ҳажб қилгани мисол бўлади (*Низомиддин Киронавий, “Далилул вурроҳ”*).

Мисол: бир киши вафот этиб, ортида отаси ва онасининг онасини қолдирди. Онасининг онасига олтидан бир – $1/6$, отасига асабалик жиҳатидан қолган барча улушлар бўлади.

Масаланинг асли 6 улуш

Онасининг онаси	олтидан бир – $1/6$	1 та улуш
Ота	асабалик жиҳатидан қолган барча улушлар	5 та улуш

Мисол: бир аёл вафот топиб, ортидан бир ўғил, онанинг онасининг онасини, отанинг онасининг онасини ва отанинг отасининг онасини қолдирди. Момолар $1/6$ улушни тенг 3 га тақсимлаб оладилар, қолган мерос асабалик жиҳатидан ўғилга бўлади.

ФАРЪЛАРНИНГ МЕРОСДАГИ ҲОЛАТЛАРИ

Фарз эгалари бўлган фарълар: қизлар ва ўғилларнинг қизларидир.

ҚИЗЛАРНИНГ МЕРОСДАГИ ҲОЛАТЛАРИ

Қизларнинг меросдаги ҳолатлари учтадир:

1. Қиз ўзига тенг бўлган меросхўр (онаси ёки синглиси) ва сабабидан ўша қиз асаба бўлувчи меросхўр (акаси ёки укаси) бўлмаган ҳолда ярим – $1/2$ улуш олади.

Мисол: бир аёл вафот этиб, ўзидан қиз, она ва туғишган ака қолдирди. Қизга ярим – $1/2$, она олтидан бир – $1/6$ улуш олади. Туғишган ака қолганини асабалик жиҳатидан олади.

Масаланинг асли 6 улуш

Қиз	ярим – $1/2$	3 та улуш
Она	олтидан бир – $1/6$	1 та улуш
Туғишган ака	асабалик жиҳатидан қолган барча улушлар	2 та улуш

2. Икки ва ундан кўп бўлиб, акалари ёки укалари бўлмаса, қизлар учдан икки – $2/3$ улуш оладилар.

Мисол: бир киши вафот этди ва ўзидан икки қизи, отаси ва онасини қолдирди. Икки қизга учдан икки –

2/3, онага олтидан бир – 1/6, отага асабалик жиҳатидан қолган бутун мерос.

Масаланинг асли 6 улуш

Икки қиз	учдан икки – 2/3	4 та улуш
Она	олтидан бир – 1/6	1 та улуш
Ота	асабалик жиҳатидан қолган бутун мерос	1 та улуш

3. Бошқанинг сабабидан асаба бўлиш. Қиз билан акаси ёки укаси бўлса, у акаси ёки укаси сабабидан асаба бўлади ва меросдан қолганини бир эркакка икки аёл улуши қоидасига биноан тақсимлаб оладилар (*Низомиддин Киронавий, “Далилул вурроқ”*).

Мисол: бир аёл вафот этиб, ортида эр, ўғил ва қиз қолдирди. Эрга тўртдан бир – 1/4, ўғил ва қизга асабалик жиҳатидан қолган барча улушлар тегади.

Масаланинг асли 4 улуш

Эр	тўртдан бир – 1/4	1 та улуш
Ўғил	асабалик жиҳатидан қолган улушнинг учдан иккиси	2 та улуш
Қиз	асабалик жиҳатидан қолган улушнинг учдан бири	1 та улуш

ЎҒИЛНИНГ ҚИЗЛАРИНИНГ МЕРОСДАГИ ҲОЛАТЛАРИ

Ўғилнинг қизларининг меросда қуйидаги ҳолатлари бор:

– Ўғилнинг қизи унинг улушини камайтирувчи асаба, унга улушда шерик бўлувчи шерик ва ўзидан

Исломда мерос тақсимоти

устун турувчи меросхўр зурриёт бўлмаганда ярим – $1/2$ хисса олади.

Мисол: бир киши вафот этиб, ортида ўғилнинг қизини ва амакисини қолдирди. Бу ҳолда ўғилнинг қизига ярим – $1/2$ улуш, амакисига асабалик жиҳатидан қолган бутун улуш бўлади.

Масаланинг асли 2 улуш

Ўғилнинг қизи	ярим – $1/2$	1 та улуш
Амакиси	асабалик жиҳатидан қолган бутун улуш	1 та улуш

– Ўғилнинг қизлари икки ва ундан кўп бўлганда, уларнинг улушини камайтирувчи асаба ва улардан устун турувчи меросхўр зурриёт бўлмаганда, учдан икки – $2/3$ улушни оладилар.

Мисол: бир аёл вафот этиб, ортида ўғлининг икки қизини ва туғишган укасини қолдирди. Ўғлининг икки қизи учдан икки – $2/3$ улуш оладилар. Туғишган ука асабалик жиҳатидан қолган бутун улушга эга бўлади.

Масаланинг асли 3 улуш

Ўғлининг икки қизи	учдан икки – $2/3$	2 та улуш
Туғишган ука	асабалик жиҳатидан қолган бутун улуш	1 та улуш

– Бошқанинг сабабидан асаба бўлиш. Ўғилнинг икки ва ундан кўп қизи билан улар даражасида бўлган ўғилнинг ўғли ёки амакиларининг ўғли бўлса, улар ўғилнинг ўғли ёки амакиларининг ўғли сабабидан асаба бўладилар ва меросдан қолганини бир эркакка икки аёл улуши қоидасига биноан тақсимлаб оладилар.

Мисол: бир киши вафот этиб, ортида хотини, ўғилнинг икки қизи ва ўғилнинг ўғлини қолдирди. Хотинга саккиздан бир – $1/8$ улуш тегади. Ўғилнинг икки қизи ва ўғилнинг ўғли қолган меросни асабалик жиҳатидан бир эркакка икки аёл улуши қондасига биноан бўлишиб оладилар. Масаланинг асли 8 та улуш бўлиши керак. Аммо ўғилнинг икки қизи билан ўғилнинг ўғлига 8 тадан қолган 7 та улушни қасрсиз тақсимлаб бўлмайди. Бу ҳолатда ўғилнинг ўғлини икки қиз деб тасаввур қиламиз. Шунда улуши қасрли чиқаётган меросхўрларнинг сони 4 та бўлади. Сўнгра ўша 4 ни масаланинг асли 8 га кўпайтирамиз. Ҳосил бўлган 32 сони масаланинг тасҳихидир.

Хотин	саккиздан бир – $1/8$	8 та улуш
Ўғилнинг икки қизи	асабалик жиҳатидан қолган барча улушларнинг ярмини икки опасингил оладилар	12 та улуш
Ўғилнинг ўғли	асабалик жиҳатидан қолган барча улушларнинг ярмини олади	12 та улуш

– Ўғилнинг қизи маййитнинг қизи билан бирга экан, ўша қизнинг ака ёки укаси бўлмаса, маййитнинг қизи билан бирга учдан икки – $2/3$ улушига эга бўлиш учун олтидан бир – $1/6$ улушни олади. Бунда маййитнинг қизига ярим – $1/2$ улуш тегади.

Мисол: бир киши вафот этиб, ортида қизи, ўғилнинг қизи ва отасини қолдирди. Бунда қизи ўғилнинг қизи билан учдан икки – $2/3$ улуш олади. Қолгани асабалик жиҳатидан отага бўлади.

Масаланинг асли 6 улуш

Қиз	ярим – $1/2$	3 та улуш
Ўғилнинг қизи	олтидан бир – $1/6$	1 та улуш

Исломда мерос тақсимоти

Ота	асабалик жиҳатидан қолганини олади	2 та улуш
-----	------------------------------------	-----------

– Ўғилнинг қизи маййитнинг икки ва ундан кўп қизлари ёки бир ўғли бўлганда ҳажб бўлади. Аммо маййитнинг ўғли йўқ, лекин икки ва ундан кўп қизлари бўлса ва ўғилнинг қизи билан ёки ундан пастроқда ўғилнинг ўғли бўлса, ўғилнинг қизи унинг сабабидан асабага айланиб, меросдан улуш олиши мумкин бўлади. Ўғилнинг қизи унинг сабабидан асабага айланиб, меросдан улуш олиши мумкин бўлган ўғил зурриёт “муборак биродар (ака ёки ука)” деб аталади. Агар у бўлмаганда, юқоридаги ҳолатда ўғилнинг қизи меросдан улуш олмаган бўлар эди (*Низомиддин Киронавий, “Далилул вуррос”*).

Агар ўғилнинг қизи меросдан улуш олишда ўзидан пастроқдаги ўғилнинг ўғлига ҳожати бўлмаса, у ўғилнинг ўғли билан асаба бўлмайди. Бу ҳолатда ўғилнинг қизи фарз улушини олади ва ўғилнинг ўғли асабалик жиҳатидан улушга эга бўлади.

Мисол: бир аёл вафот этиб, ортида икки қиз, ўғилнинг ўғли ва қизи, амаки қолдирди. Икки қиз учдан икки – $\frac{2}{3}$ улуш олади. Ўғилнинг ўғли ва қизи асабалик жиҳатидан қолган меросни бир эркакка икки аёл улуши қондасига биноан тақсимлаб олишади. Маййитга улардан кўра яқинроқ асаба бўлгани учун амакига ҳеч нарса тегмайди.

Масаланинг асли 6 улуш

Икки қиз	учдан икки – $\frac{2}{3}$	3 та улуш
Ўғилнинг ўғли	асабалик жиҳатидан қолган мероснинг учдан икки қисмини олади	2 та улуш

Ўғилнинг қизи	асабалик жиҳатидан қолган мероснинг учдан бир қисмини олади	1 та улуш
---------------	---	-----------

АТРОФДАГИЛАРНИНГ МЕРОС ОЛИШДАГИ ҲОЛАТЛАРИ

Атрофдагилар – туғишган ё ота бир ё она бир ака-ука, опа-сингиллардир. Атрофдагилардан туғишган ва ота бир опа-сингиллар фарз эгаларидир. Шунингдек, она бир ака-ука, опа-сингиллардир.

ТУҒИШГАН ОПА-СИНГИЛЛАРНИНГ МЕРОСДАГИ ҲОЛАТЛАРИ

Туғишган опа-сингиллар ота ва она бир опа-сингиллардир. Маййитнинг биргина туғишган опаси ёки синглиси бўлса, унинг меросдаги ҳолатлари беш турли бўлади:

1. Туғишган опа ёки сингил ўзининг опа ёки синглиси, ака ёки укаси, шунингдек, ота тараф ва ўғил тараф ҳам бўлмаса ва бошқанинг сабабидан асаба мақомига тушиб қолмаса, меросдан ярим – $1/2$ улуш олади.

Мисол: бир аёл вафот этиб, ортида эри ва туғишган синглиси қолди. Бу ҳолда эрга ярим – $1/2$, туғишган сингилга ярим – $1/2$ улуш тегади. Зеро, туғишган сингилнинг опаси ёки синглиси ва акаси ёки укаси йўқ. Шунингдек, туғишган сингил бошқанинг сабабидан асаба ҳам эмас, ота тараф ва ўғил тараф ҳам йўқ.

2. Икки ва ундан кўп туғишган опа-сингиллар маййитнинг ота тарафи ва ўғил тарафи бўлмаганда, учдан икки – $2/3$ ҳисса оладилар.

Мисол: бир аёл вафот этиб, ортида она бир ака-укалар ва туғишган опа-сингиллар қолдирди. Бунда она бир ака-укаларга учдан бир – $1/3$, туғишган опа-сингилларга учдан икки – $2/3$ улуш тегади.

3. Туғишган опа-сингиллар бир нафар ёки ундан кўп бўлганларида ҳам бошқанинг сабабидан асаба қилувчи ака ёки укалари бўлса, улар ака ёки укалари сабабидан асаба бўладилар.

Мисол: бир киши вафот этиб, ортида хотини, туғишган акаси ва сингисини қолдирди. Хотинига тўртдан бир – $1/4$ улуш берилади. Қолган улуш бир эркакка икки аёл улуши қоидасига туғишган акаси ва сингисига биноан тақсимланади.

4. Туғишган опа-сингиллар бир нафар ёки ундан кўп бўлганларида, улар билан бирга маййитнинг бир қизи ёки ўғилнинг бир қизи бўлса ва туғишган опа-сингилларнинг бошқанинг сабабидан асаба қилувчи ака ёки укалари бўлмаса, улар бошқанинг (қиз ёки ўғилнинг қизи) сабабидан асаба бўладилар.

Мисол: бир киши вафот этиб, ортида қизи, ўғлининг қизи ва икки туғишган сингиси қолдирган. Бу ҳолда қизга ярим – $1/2$ улуш тегади. Ўғлининг қизига маййитнинг қизи билан бирга учдан икки – $2/3$ улуш олишлари учун олтидан бир – $1/6$ улуш берилади. Қолган мерос бошқанинг сабабидан асаба бўлган икки туғишган сингилга бўлади.

Масаланинг асли 6 улуш

Қиз	ярим – $1/2$	3 та улуш
Ўғлининг қизи	олтидан бир – $1/6$	1 та улуш
Икки туғишган сингил	бошқа билан бирга асаба бўлгани учун қолган улушлар	2 та улуш

5. Туғишган опа-сингиллар меросхўр ўғил зурриёт бўлганда ва ота бўлганда ҳажби ҳирмонга учрайдилар.

Мисол: бир киши вафот этиб, ортида отасини, ўғлини ва туғишган опасини қолдирди. Бунда отасига олтидан бир – $1/6$ улуш берилади. Ўғилга асабалик жиҳатидан қолган мерос тегади. Туғишган опа ўғил сабабидан ҳажб бўлади (*Низомиддин Киронавий, “Далилул вуррос”*).

ОТА БИР ОПА-СИНГИЛЛАРНИНГ МЕРОСДАГИ ҲОЛАТЛАРИ

Ота бир опа-сингилларнинг меросдаги ҳолатлари қуйидагича:

– Ота бир опа ёки сингил ёлғиз бўлиб, унинг ота бир акаси ёки укаси, уни ҳажб қилиши мумкин бўлган меросхўр ва маййитнинг туғишган опаси ёки синглиси бўлмаганда, ярим – $1/2$ олади.

Мисол: бир киши вафот этиб, ортида хотини, ота бир опаси ва амакисини қолдирди. Бу ҳолда хотинига тўртдан бир – $1/4$, ота бир опага ярим – $1/2$, амакига асабалик жиҳатидан қолган улуш берилади.

Масаланинг асли 4 улуш

Хотин	тўртдан бир – $1/4$	1 та улуш
Ота бир опа	ярим – $1/2$	2 та улуш
Амаки	асабалик жиҳатидан қолган улушлар	1 та улуш

– Ота бир опа-сингиллар икки нафар ва ундан кўп бўлганларда, ака ёки укалари, яъни бирга асаба бўлишлари мумкин бўлган меросхўрлар ва ота бир

опа-сингилларни ҳажб қилиши мумкин бўлган меросхўрлар бўлмаганда, учдан икки – $\frac{2}{3}$ ҳисса мерос оладилар.

Мисол: бир аёл вафот этиб, ортида она бир икки ука, ота бир опа ва сингил қолдирди. Бунда она бир икки ука учдан бир – $\frac{1}{3}$, ота бир опа ва сингил учдан икки – $\frac{2}{3}$ улуш оладилар.

– Ота бир опа-сингиллар бир нафар ёки ундан кўп бўлганларида ҳам ярим – $\frac{1}{2}$ улушни олувчи туғишган опа ёки сингил билан бўлиб, ўша туғишган опа ёки сингилни асаба қилувчи бўлмаганда, унинг билан учдан икки – $\frac{2}{3}$ улушни мукамал олиш учун ота бир опа-сингиллар бир киши бўлсин, кўп бўлсин, олтидан бир – $\frac{1}{6}$ улушни оладилар.

Мисол: бир аёл вафот этиб, ортида туғишган синглиси, ота бир опаси ва амакисини қолдирди. Бу ҳолда туғишган сингил ярим – $\frac{1}{2}$, ота бир опа олтидан бир – $\frac{1}{6}$ улуш олади. Амаки асабалик жиҳатидан қолган барча улушга эга бўлади.

Масаланинг асли 6 улуш

Туғишган сингил	ярим – $\frac{1}{2}$	3 та улуш
Ота бир опа	олтидан бир – $\frac{1}{6}$	1 та улуш
Амаки	асабалик жиҳатидан қолган барча улушлар	2 та улуш

– Ота бир опа-сингиллар ўзлари билан бирга ота бир ака ёки укалари бўлса, уларнинг сабабидан асаба бўладилар.

Мисол: бир киши вафот этиб, ортида қизи ва ота бир синглиси билан ота бир укасини қолдирди. Бунда қизга ярим – $\frac{1}{2}$ улуш тегади. Ота бир синглиси билан

ота бир укаси қолган меросни асабалик жиҳатидан бир эркакка икки аёл улуши қоидасига биноан бўлиб оладилар.

– Ота бир опа-сингиллар бир нафар ёки ундан кўп бўлганларида ҳам улар билан бирга маййитнинг қизи ёки ўғилнинг қизи бўлса ва ота бир опа-сингилларнинг бошқанинг сабабидан асаба қилувчи ота бир ака ёки укалари бўлмаса, улар қизнинг сабабидан асаба бўладилар.

Мисол: бир киши вафот этиб, ортида қиз, хотин, онаси ва ота бир сингил қолдирди. Бу ҳолда қиз ярим – $1/2$, хотин саккиздан бир – $1/8$, она олтидан бир – $1/6$ улуш олади. Мероснинг қолган қисми бошқанинг сабабидан асаба бўлгани учун ота бир сингилга тегади.

Масаланинг асли 24 улуш

Қиз	ярим – $1/2$	12 та улуш
Хотин	саккиздан бир – $1/8$	3 та улуш
Она	олтидан бир – $1/6$	4 та улуш
Ота бир сингил	бошқанинг сабабидан асаба бўлиш жиҳатидан қолган меросни олади	5 та улуш

– Ота бир опа-сингиллар меросхўр ўғил зурриёт, ота бўлганда, туғишган ака ёки ука бўлганда ҳамда икки ва ундан кўп туғишган опа-сингиллар бўлганда, ҳажби ҳирмонга учрайдилар.

Агар ота бир опа-сингиллар билан туғишган опа-сингиллар бўлганда ота бир опа-сингилларнинг ота бир акаси ёки укаси бўлса, ота бир опа-сингиллар ўша ота бир ака ёки ука сабабидан асаба бўладилар (Низомиддин Киронавий, “Далилул вуррос”).

ОНА БИР АКА ВА УКА, ОПА ВА СИНГИЛЛАРНИНГ МЕРОСДАГИ ҲОЛАТЛАРИ

Она бир ака ва ука, опа ва сингилларнинг меросдаги ҳолатлари учтадир:

1. Маййитнинг эркак меросхўр зурриёти ва қанча юқориласа ҳам, отаси бўлмаганда, она бир ака ёки ука, опа ёки сингил бир нафар бўлса, у меросдан олтидан бир – $1/6$ улуш олади.

Мисол: бир аёл вафот этиб, ортида туғишган ука ва она бир сингил қолдирди. Она бир сингил олтидан бир – $1/6$ улуш олади. Туғишган ука асабалик жиҳатидан қолган бутун меросга эга бўлади.

2. Биринчи шартдаги жиҳатлар мавжуд бўлиб, она бир ака ва ука, опа ва сингиллар икки ва ундан кўп бўлганларида учдан бир – $1/3$ улуш оладилар.

Мисол: бир киши вафот этиб, ортида она, она бир ука ва опа, амаки қолдирди. Бу ҳолда она учдан бир – $1/3$, она бир ука ва опа ҳам учдан бир – $1/3$ улуш оладилар.

Бу ҳолатларда она бир фарзандларга эркак бўлсин, аёл бўлсин, тенг улуш берилади. Амаки асабалик жиҳатидан қолган бутун меросни олади.

Она бир ака-ука ва опа-сингиллар биргаланиб-мерос олганларида бир эркакка икки аёл улуши қоидасига амал қилинмайди. Зеро, Аллоҳ оятда улар тарикада тенг шерик эканликларини айтган:

فَإِنْ كَانُوا أَكْثَرَ مِنْ ذَلِكَ فَهُمْ شُرَكَاءَ فِي الثُّلُثِ مِنْ بَعْدِ

وَصِيَّةٌ يُوصَىٰ بِهَا أَوْ دَيْنٍ غَيْرَ مُضَارٍّ وَصِيَّةً مِّنَ اللَّهِ وَاللَّهُ
عَلِيمٌ حَلِيمٌ

“Агар (улар) бундан (биттадан) ортиқ бўлсалар, улар (мероснинг) учдан бир (хиссаси)да тенг шерик бўлурлар. (Бу тақсимот меросхўрларга) зарар етказилмасдан қилинган васият ёки қарз (адоси) дан кейин Аллоҳнинг буйруғига биноан (ижро этилур). Аллоҳ билимдон ва ҳалим зотдир” (Нисо сураси, 12-оят).

3. Маййитнинг меросхўр зурриёти ва қанча юқориласа ҳам, отаси бўлганда, она бир ака ва ука, опа ва сингиллар ҳажби ҳирмонга учрайдилар (Низомиддин Киронавий, “Далилул вуррос”).

ЭР ВА ХОТИННИНГ МЕРОСДАГИ ҲОЛАТЛАРИ

Эрнинг меросдаги ҳолати икки турлидир:

1. Хотиннинг зурриёти бўлса, эр тўртдан бир – $1/4$ улуш олади.

2. Хотиннинг зурриёти бўлмаса, эр ярим – $1/2$ улуш олади.

Хотиннинг зурриёти деганда қуйидагилар тушунилади: ўғил, қиз, ўғилнинг ўғли, қанча пастласа ҳам ва ўғилнинг қизи, ўғил қанча пастласа ҳам. Хотин фарзандларини қайси эрдан кўрганининг фарқи йўқ.

Хотин бир нафар бўладими, кўп бўладими, унинг меросда икки ҳолати бор:

1. Эрнинг зурриёти бўлмаса, хотин тўртдан бир – $1/4$ улуш олади.

2. Эрнинг зурриёти бўлса, хотин саккиздан бир – $1/8$ улушга эга бўлади.

Эрнинг зурриёти деганда қуйидагилар тушунилади: ўғил, қиз, ўғилнинг ўғли, қанча пастласа ҳам ва ўғилнинг қизи, ўғил қанча пастласа ҳам. Эр фарзандларини қайси хотиндан кўрганининг фарқи йўқ.

Хотинлар улушни тенг бўлиб оладилар (*Низомиддин Киронавий, "Далилул вуррос"*).

ФАРЗ УЛУШЛАРНИНГ МАХРАЖЛАРИ ВА МАСАЛАНИНГ АСЛИ

Қуръонда зикр қилинган фарз улушлар икки турга бўлинади:

1. Ярим – $1/2$, тўртдан бир – $1/4$, саккиздан бир – $1/8$ улуш.

2. Учдан икки – $2/3$, учдан бир – $1/3$ ва олтидан бир – $1/6$ улуш.

Тақсимотда ушбу улушлардан бири ёлғиз ўзи келса, масаланинг асли унинг махражи бўлади. Масалан, тақсимотда тўртдан бир – $1/4$ улуш ёлғиз ўзи келган бўлса, масаланинг асли тўрт улуш бўлади.

Мисол: бир киши вафот этиб, ўзидан хотини ва туғишган укасини қолдирди. Хотинга тўртдан бир $1/4$, туғишган укага қолган мерос. Ушбу ҳолатда масаланинг асли 4 бўлади.

Тақсимотда ушбу улушлардан иккитаси ёки учтаси келиб, уларнинг барчаси юқорида айтиб ўтилган икки навнинг бир навидан бўлса, тақсимотдаги энг катта махраж сон масаланинг асли бўлади.

Мисол: бир аёл вафот этиб, ортида онасини, она бир синглиси ва икки қизини қолдирди. Бу ҳақда онага олтидан бир – $1/6$, она бир сингилга олтидан бир – $1/6$,

икки қизга $\frac{2}{3}$ улуш бўлади. Ушбу ҳолатда масаланинг асли 6 улушдир.

Қачонки тақсимотда аввалги турдан ҳисобланган ярим – $\frac{1}{2}$ улуш иккинчи турдагиларнинг барчаси ёки бир қисми ила келган бўлса, масаланинг асли 6 улуш бўлади.

Мисол: бир киши вафот топиб, ортида онасини, ўғлининг қизини ва икки она бир акасини қолдирди. Бунда онага олтидан бир – $\frac{1}{6}$, ўғилнинг қизига ярим – $\frac{1}{2}$, икки она бир акага учдан бир – $\frac{1}{3}$ улуш тегади. Ушбу ҳолатда масаланинг асли 6 улуш бўлади.

Қачонки тақсимотда аввалги турдан ҳисобланган тўртдан бир – $\frac{1}{4}$ улуши иккинчи турдагиларнинг барчаси ёки бир қисми ила келган бўлса, масаланинг асли 12 улуш бўлади.

Мисол: бир киши вафот топиб, ортида хотини, онасини ва икки туғишган синглисини қолдирди. Бу ҳолда хотин тўртдан бир – $\frac{1}{4}$, она олтидан бир – $\frac{1}{6}$, икки туғишган сингил учдан икки – $\frac{2}{3}$ улуш олади. Ушбу ҳолатда масаланинг асли 12 улуш бўлади.

Қачонки тақсимотда аввалги турдан ҳисобланган саккиздан бир – $\frac{1}{8}$ улуш иккинчи турдагиларнинг барчаси ёки бир қисми ила келган бўлса, масаланинг асли 24 улуш бўлади.

Мисол: бир киши вафот этиб, ортида хотини, икки қизи ва онасини қолдирди. Бу хотинга саккиздан бир – $\frac{1}{8}$, икки қизга учдан икки – $\frac{2}{3}$, онага олтидан бир – $\frac{1}{6}$ улуш тегади. Ушбу ҳолатда масаланинг асли 24 улуш бўлади (Журжоний, “Шарҳи фароизи Сирожия”).

ИККИ АДАД ОРАСИДАГИ ТАМОСУЛ, ТАДОХУЛ, ТАВОФУҚ ВА ТАБОҶОН ҲОЛАТЛАРИ

Ҳақдорлар орасида меросни касрсиз тақсим қилиш учун қуйидаги ҳолатларни билиш керак бўлади.

Икки адад орасидаги тамосул бу – бир ададнинг бошқасига тенг бўлишидир. Масалан, 4 сони билан бошқа 4 сони орасида тамосул (тенглик) бор.

Икки адад орасидаги тадохул бу – ўзаро тенг бўлмаган икки ададнинг каттасидан кичиги икки ёки ундан кўп маротаба айириб ташланганда, катта сондан ҳеч нарса қолмаслигидир. Масалан, 6 сони билан 3 сони орасида тадохул бор. Зеро, 6 дан 3 икки маротаба айириб ташланганда, 6 сонидан ҳеч нарса қолмайди. Аммо масалан, 14 сони билан 3 сони орасида тадохул йўқ. Зеро, 14 сонидан 3 сони тўрт маротаба айириб ташланса, 2 сони қолади. 14 сонидан 3 сонини беш маротаба айириб бўлмайди.

Икки адад орасидаги тавофуқ бу – ўзаро тенг бўлмаган икки ададда тадохул бўлмаслиги ва иккала ададдан 1 сонидан бошқа сон айириб борилганда, икковидан ҳеч нарса қолмаслигидир. Масалан, 8 сони билан 20 сони орасида тавофуқ бор. Зеро, 20 дан 8 ни айириб борсак, 8 сони 20 ни йўқ қила олмайди. Аммо икковини йўқ қилувчи 1 дан бошқа сон бор. Ўша сон 4 сонидир. 4 сони 20 дан беш маротаба айирилганда, ҳеч нарса қолмайди. 8 дан эса икки маротаба айирилганда, ҳеч нарса қолмайди. Демак, 20 сони билан саккиз сони орасида 4 сонидан тавофуқ бор.

Икки адад орасидаги тавофуқ сонни чиқаришда эътиборга олинадиган сон бу – энг катта тавофуқ

сондир. Зеро, ораларида тавофуқ мавжуд ҳар қандай икки адад орасида 2 сонидан тавофуқ бўлади. Шу сабабдан юқоридаги мисолимизда 20 билан саккиз орасида 4 сонини тавофуқ сон деб олдик. Ваҳоланки, иккови орасида 2 сонидан ҳам тавофуқ бор.

Икки адад орасидаги табоюн бу – ўзаро тенг бўлмаган икки ададда тадохул бўлмаслиги ва икковидан 1 сонидан бошқа сон айириб борилганда икковини-тугата олмаслигидир. Масалан, 10 сони ва 9 сони орасида табоюн бор. Зеро, икковидан 1 сонидан бошқа сон айириб борилганда, ўша сон икковини йўқ бўладиган даражада тугата олмайди. 10 сонини 2 сони тугатиши мумкин, аммо 2 сони 9 ни тугата олмайди. 3 сони 9 ни тугатишга қадар, аммо 10 ни тугата олмайди.

АДАДЛАР ОРАСИДАГИ ТАВОФУҚ ВА ТАБОЮН ҲОЛАТЛАРИНИ БИЛИБ ОЛИШ ЙЎЛИ

Икки адад орасида тамосул ёки тадохул бор эканлигини билишда мушкуллик йўқ. Аммо икки адад орасида тавофуқ ва табоюн борлигини билиш бироз қийинчилик туғдиради.

Икки адад орасида тавофуқ ёки табоюн бор эканлигини билиш учун катта сондан кичигини айириш, сўнгра токи бирорта сонда тўхтагунча яна катта сондан кичигини айириб бориш керак бўлади. Агар айириб борилганда тўхталган сон 1 сони бўлса, икки адад орасидаги ҳолат табоюн ҳолатидир. Мисол: 10 сони билан 7 сони орасидаги ҳолатни билиш учун 10 дан 7 ни айирамиз. 3 сони ҳосил бўлди. Энди 7 дан 3 ни айирамиз. 4 сони ҳосил бўлди. 4 дан 3 ни айирамиз,

бир сони ҳосил бўлди. Демак, 10 сони билан 7 сони орасида табоюн ҳолати бор экан.

Агар айириб борилганда тўхталган сон 1 сонидан бошқа сон бўлса, икки адад орасида айни ўша сонда тавофуқ бўлади. Мисол: 36 сони билан 16 сони орасидаги ҳолатни билиш учун 36 дан 16 ни айирамиз. Сўнгра ҳосил бўлган 20 сонидан 16 ни айирамиз. Кейин 16 дан ҳосил бўлган 4 сонини охиригача айириб борамиз. Айириб борилгандаги охириги сон 4 сонидир. Демак, 36 сони билан 16 сони орасидаги ҳолат 4 сонидаги тавофуқ ҳолатидир (*Журжоний, “Шарҳи фароизи Сирожия”*).

МАСАЛАНИНГ АСЛИНИ ТАСҲИХ ҚИЛИШ

“Тасҳиҳ” луғатда касал кишидан унинг касалини даф қилиш маъносида ишлатилади.

Мерос уламолари истилоҳида эса қуйидагича таърифланади: “Тасҳиҳ – улушлар ва меросхўрлар сони орасида воқеъ бўлувчи касрларни тўғрилашдир” (*Низомиддин Киронавий, “Далилул вуррос”*).

Ҳоҳида масаланинг асли бўлган сон ила меросхўрларнинг бир ёки ундан кўп тоифасининг улушларини уларга касреиз тақсимлаш имкони бўлмай қолади. Мана шундай ҳолатда масаланинг аслини тасҳиҳ қилиш керак бўлади. Тасҳиҳ қилишда еттита асл бор. Улардан учтаси улушлар ва меросхўрлар сони орасида бўлади. Тўрттаси бир тоифа меросхўрлар сони билан бошқа тоифа меросхўрлар сони орасида мавжуддир.

Етти аслнинг аввалги бўлими (улушлар ва меросхўрлар сони орасида бўлиб, улар уч қисмдир):

1. Ҳар бир тоифа меросхўрларнинг улушлари масаланинг асидан касрсиз ҳосил бўлади. Бундай ҳолатда тасҳиҳ қилишга ҳожат қолмайди.

Мисол: бир киши вафот этиб, ортида ота-онаси ва икки қизини қолдирди. Бу ҳолда отага олтидан бир – $\frac{6}{1}$, онага олтидан бир – $\frac{6}{1}$, икки қизга учдан икки – $\frac{3}{2}$ улуш тегади. Демак, масаланинг асли 6 сони: битта улуш отага, битта улуш онага, 2 тадан улуш икки қизга.

2. Бир тоифа меросхўрларнинг улушлари масаланинг асидан касрли ҳолатда ҳосил бўлади ва улушлари ва уларнинг сони орасида тавофуқ сақланади. Бундай ҳолатда масаланинг асли авл бўладими ёки йўқми, шунга қаралади.

Масаланинг асли авл бўлмаган тақсимотга мисол: бир киши вафот этиб, ортида ота-онаси ва ўн қизини қолдирди. Бунда ота олтидан бир – $\frac{6}{1}$, она олтидан бир – $\frac{6}{1}$, ўн нафар қиз учдан икки – $\frac{3}{2}$ улуш олади.

Масаланинг асли 6 та улуш: битта улуш отага, битта улуш онага, 4 та улуш ўн нафар қизга. Аммо 4 та улушни ўн нафар қизга касрсиз тақсимлаб бўлмайди. Қизларнинг улушлари 4 ва уларнинг сони 10 орасида 2 сонидан тавофуқ бор. Қизларнинг сони 10 ни тавофуқ сон 2 га бўламиз. Сўнгра ҳосил бўлган 5 ни масаланинг асли 6 га кўпайтирамиз. Натижа 30 сони бўлиб, мана шу сон масаланинг тасҳиҳидир. Энди отанинг масаланинг асидаги улуши бўлган 1 ни 5 га кўпайтирамиз, онанинг улушини ҳам шундай қиламиз. Икковлари 30 тадан 10 та улуш олишди. Қизларнинг масаланинг асидаги улуши 4 ни ҳам 5 га кўпайтирамиз ва ҳосил бўлган 20 сонини уларнинг сони 10 га бўламиз. Ҳар бир қизга 2 тадан улуш бўлади.

Масаланинг асли авл бўлган тақсимотга мисол: бир аёл вафот этиб, ортида эрини, ота-онаси ва олти кизини қолдирди. Бу ҳолда эрга тўртдан бир – $\frac{1}{4}$, отага олтидан бир – $\frac{1}{6}$, онага олтидан бир – $\frac{1}{6}$, олти нафар қизга учдан икки – $\frac{2}{3}$ улуш тўғри келади. Масаланинг асли 12 улушдан 15 та улушга авл бўлади. Аммо олти нафар қизнинг улушлари бўлган 8 та улушни уларнинг орасида касрсиз тақсимлаб бўлмайди. Улушлари 8 билан сонлари 6 орасида 2 сониди тавофуқ бор. Қизларнинг сони 6 ни тавофуқ сон 2 га бўламиз. Сўнгра ҳосил бўлган 3 ни масаланинг авл бўлган асли 15 га кўпайтирамиз. Натижа 45 сони бўлиб, мана шу сон масаланинг тасҳихидир. Сўнгра ҳар бир меросхўрнинг аввалги масаланинг аслидаги улушини, яъни 6 ни 2 га бўлганда ҳосил бўлган 3 га кўпайтириб чиқамиз. Ҳосил бўлган сон уларнинг 45 дан оладиган улушларини ташкил этади. Аввалги масаланинг аслидаги эрнинг 3 та улушини 6 ни 2 га бўлганда ҳосил бўлган 3 га кўпайтирамиз. Ҳосил бўлган сон 9 эрнинг 45 дан оладиган улушидир. Аввалги масаланинг аслидаги отанинг 2 та улушини 6 ни 2 га бўлганда ҳосил бўлган 3 га кўпайтирамиз. Ҳосил бўлган 6 сони отанинг 45 дан оладиган улушидир. Аввалги масаланинг аслидаги онанинг 2 та улушини 6 ни 2 га бўлганда ҳосил бўлган 3 га кўпайтирамиз. Ҳосил бўлган 6 сони онанинг 45 дан оладиган улушидир. Аввалги масаланинг аслидаги олти нафар қизнинг 8 та улушини 6 ни 2 га бўлганда ҳосил бўлган 3 га кўпайтирамиз. Ҳосил бўлган 24 сони олти нафар қизнинг 45 дан оладиган улушидир. Шунда ҳар бир қиз 4 тадан улуш олади. Тасҳих тўғри бўлганини текшириш учун тасҳих қилинган масаланинг асли 45

дан ҳар бир меросхўрнинг улушини айириб чиқамиз: $(45 - 9 - 6 - 6 - 24 = 0)$. Демак, тасҳиҳ тўғри.

3. Бир тоифа меросхўрларнинг улушлари масаланинг асладан касрли ҳолатда ҳосил бўлади ва улушлари ва уларнинг сони орасида табоюн бўлади. Бунда ҳам масаланинг асли авл бўладими ёки йўқми шунга қаралади.

Масаланинг асли авл бўлмаган тақсимотга мисол: бир аёл вафот этиб, ортида эри, онасининг онаси ва уч нафар она бир опаси қолди. Бу ҳолда эрга ярим – $1/2$, онанинг онасига олтидан бир – $1/6$, учта она бир опага учдан бир – $3/1$ улуш тегади. Масаланинг асли эса 6 улушдир. Аммо учдан бир – $1/3$ (2 та улуш) олувчи уч нафар она бир опага 2 та улушни касрсиз бўлиб бўлмайди. Она бир опаларнинг сони 3 билан улушлари 2 орасида табоюн бор. Бундай ҳолатда она бир опаларнинг сони 3 ни масаланинг асли 6 га кўпайтирамиз. Ҳосил бўлган 18 сони масаланинг тасҳиҳидир. Сўнгра ҳар бир меросхўрнинг аввалги масаланинг аслидаги улушини она бир опаларнинг сони 3 га кўпайтириб чиқамиз. Аввалги масаланинг аслидаги эрнинг 3 та улушини она бир опаларнинг сони 3 га кўпайтирамиз. Ҳосил бўлган 9 сони эрнинг 18 дан оладиган улушидир. Аввалги масаланинг аслидаги онанинг онасининг битта улушини она бир опалар сони 3 га кўпайтирамиз. Ҳосил бўлган 3 сони онанинг онасининг 18 дан оладиган улушидир. Аввалги масаланинг аслидаги учта она бир опаларнинг 2 та улушини она бир опалар сони 3 га кўпайтирамиз. Ҳосил бўлган 6 сони она бир опаларнинг 18 дан оладиган улушидир. Шунда ҳар бир она бир опа 2 тадан улуш олади. Тасҳиҳ тўғри бўлганини текшириш

учун тасҳиҳ 18 дан ҳар бир меросхўрнинг улушини айириб чиқамиз: $18 - 9 - 3 - 6 = 0$. Демак, тасҳиҳ тўғри бўлган.

Масаланинг асли авл бўлган тақсимотга мисол: бир аёл вафот топиб, ортида эри ва беш нафар ота бир сингиси қолди. Бунда эр ярим – $1/2$, беш нафар ота бир сингил учдан икки – $2/3$ улуш олади. Масаланинг асли 6 дан 7 га авл бўлади. Эр 3 та улуш, беш нафар ота бир сингил 4 та улуш олади. Ота бир сингиллар сони 5 билан уларнинг улушлари сони 4 орасини касрсиз тақсимлаб бўлмайди ва иккови орасида табоюн бор. Ота бир сингиллар сони 5 ни масаланинг авл бўлган асли 7 га кўпайтирамиз. Ҳосил бўлган 35 сони масаланинг тасҳиҳидир. Эрнинг аввалги масаланинг аслидаги 3 та улушини ота бир сингиллар сони 5 га кўпайтирамиз. Ҳосил бўлган 15 сони эрнинг 35 дан оладиган улушидир. Аввалги масаланинг аслидаги ота бир сингилларнинг 4 та улушини ота бир сингиллар сони 5 га кўпайтирамиз. Ҳосил бўлган 20 сони ота бир сингилларнинг 35 дан оладиган улушларидир. Ҳар бир сингилга 4 тадан улуш тўғри келади. Тасҳиҳ тўғри бўлганини текшириш учун тасҳиҳ 35 дан ҳар бир меросхўрнинг улушини айириб чиқамиз: $35 - 15 - 20 = 0$.

Яна бир муҳим мисол: бир аёл вафот топиб, ортида эри, иккита ота бир ука ва учта ота бир сингил қолди. Бунда эр ярим – $1/2$ улуш олади. Қолганини ота бир ука ва сингиллар асабалик жиҳатидан бир эркакка икки аёл улуши қоидасига мувофиқ бўлиб оладилар. Масаланинг асли 2 улуш. Эрга ярим – $1/2$, ота бир ука ва сингилларга қолган ярим – $1/2$ улуш. Ота бир икки ука ва уч сингилга битта улушни касрсиз тақсимлаб

бўлмайди. Агар уларнинг сонини эътиборга олиб, масалани тасҳиҳ қилмоқчи бўлсак, эркак ҳам, аёл ҳам бир хил улуш олиши керак бўлиб қолади. Шу сабабдан эркакларнинг ҳар бирини икки бош, аёлларнинг ҳар бирини бир бош деб тасаввур қиламиз. Зеро, бир эркак икки аёл улушини олиши керак. Энди бошлар сони еттитага етди. Шу бошлар сони 7 ни масаланинг асли бўлган 2 га кўпайтирамиз. Ҳосил бўлган 14 сони масаланинг тасҳиҳидир. Аввалги масаладаги эрнинг улуши 1 ни бошлар сони 7 га кўпайтирамиз. Эрнинг 14 дан оладиган улуши 7 бўлади. Қолган еттининг 4 таси икки укага, 3 таси 3 та сингилга.

Етти аслнинг иккинчи бўлими (икки ва ундан кўп меросхўрлар сони орасида бўлиб, улар тўрт қисмдир):

1. Икки ёки ундан кўп тоифа меросхўрларнинг улушлари масаланинг аслидан касрли ҳолатда юзага келади ва ўша тоифалардаги меросхўрлар сони орасида тамосул бўлади. Бу ҳолатда икки тоифадан биридаги меросхўрлар сони масаланинг аслига кўпайтирилиб, тасҳиҳ қилинади.

Мисол: бир киши вафот этиб, ортида олти киз, онанинг онасининг онаси, отанинг онасининг онаси, отанинг отасини онасини ва уч амаки қолди. Олти кизга учдан икки – $\frac{2}{3}$, учта момога олтидан бир – $\frac{1}{6}$ улуш тегади, учта амаки қолганини асабалик жиҳатидан оладилар. Масаланинг асли 6 сони. 4 та улуш олти кизга, битта улуш уч момога, битта улуш уч амакига. Улушларнинг ҳар бирини меросхўрларга касрсиз ҳолда бўлиб бериш мумкин эмас. Шу сабабдан аввало кизлар сони билан уларнинг улушлари сонига қараймиз, иккови орасида 2 сонидан тавофуқ бор. Кизларнинг

сони 6 ни тавофуқ сонга бўламиз. 3 ҳосил бўлди. Буни ёдда сақлаган ҳолда, момолар сони билан уларнинг улушларига қараймиз; иккови орасида табоюн бор. Табоюн ҳолатида меросхўрларнинг сони олинади. Момоларнинг сони 3. Буни ёдда сақлаган ҳолда, амакилар сони билан уларнинг улушларига қараймиз, иккови орасида табоюн бор. Амакиларнинг сони 3. Энди ҳар бир меросхўр тоифадан чиқарилган сонларга қараймиз. Уларнинг барчаси бир сон (3) бўлиб, тамосул ҳолати юзага келган. Бу ҳолатда масаланинг аслини тасҳиҳ қилиш учун 3 ни масаланинг асли 6 га кўпайтирамиз. Ҳосил бўлган 18 масаланинг тасҳиҳидир. Масаланинг аслидаги қизларнинг улуши 4 ни 3 га кўпайтирамиз. Демак, қизлар 18 дан 12 та улуш оладилар. Масаланинг аслидаги момоларнинг улуши 1 ни 3 га кўпайтирамиз. Демак, момолар 18 дан 3 та улуш оладилар. Масаланинг аслидаги амакиларнинг улуши 1 ни 3 га кўпайтирамиз. Демак, амакилар 18 дан 3 та улуш оладилар. Тасҳиҳ тўғри бўлганини текширамиз: $18 - 12 - 3 - 3 = 0$.

Бу ҳолатда меросхўр қизлар сони ёки момолар сони ё амакилар сони бир нафар бўлганда ҳам масаланинг тасҳиҳи худди шундай бўлар эди.

2. Икки ёки ундан кўп тоифа меросхўрларнинг улушлари масаланинг аслидан касрли ҳолатда ҳосил бўлади ва ўша тоифалардаги меросхўрлар сони орасида тадохул бўлади. Бу ҳолатда сон жиҳатидан энг кўп бўлган меросхўрлар сонини масаланинг аслига кўпайтириш ила тасҳиҳ қиламиз.

Мисол: бир киши вафот этиб, ортида тўрт хотин, уч момо ва ўн икки амаки қолди. Бу ҳолда хотинлар тўртдан бир – $1/4$ оладилар, момолар олтидан бир – $1/6$

улуш оладилар, амакиларга қолгани тегади. Масаланинг асли 12 улушдир. Хотинларга 3 та улуш, момоларга 2 та улуш, қолган 7 та улуш амакиларга. Улушларнинг ҳар бирини меросхўрларга касрсиз бўлиб бериш мумкин эмас. Шу сабабдан аввало хотинларнинг сони ва улушларига қараймиз. Иккови орасида табоюн бор. Демак, хотинларнинг сони 4 ни оламиз. Момоларнинг сони ва улушларига қараймиз, иккови орасида табоюн бор. Демак, момоларнинг сони 3 ни оламиз. Амакиларнинг сони ва улушларига қараймиз, иккови орасида табоюн бор. Демак, амакиларнинг сони 12 ни оламиз. Энди ҳосил қилинган учала сонга эътибор қиламиз: 4, 3, 12. Улар орасида тадохул бор. Чунки 3 ҳам, 4 ҳам 12 ни касрсиз бўлади. Демак, 12 ни масаланинг асли 12 га кўпайтирамиз. Ҳосил бўлган 144 масаланинг тасҳиҳидир. Хотинларнинг масаланинг аслидаги улушлари 3 ни 12 га кўпайтирамиз. Демак, хотинлар 144 дан 36 та улуш оладилар. Момоларнинг масаланинг аслидаги улушлари 2 ни 12 га кўпайтирамиз. Демак, момолар 144 дан 24 та улуш оладилар. Амакиларнинг масаланинг аслидаги улушлари 7 ни 12 га кўпайтирамиз. Демак, амакилар 144 дан 84 та улуш оладилар. Тасҳиҳ тўғри бўлганини текширамиз: $144 - 36 - 24 - 84 = 0$.

3. Икки ёки ундан кўп тоифа меросхўрларнинг улушлари масаланинг аслидан касрли ҳолатда ҳосил бўлади ва ўша тоифалардаги баъзи меросхўрлар сони билан баъзиларининг орасида тавофуқ бор. Бу ҳолатда биринчи тоифадаги меросхўрлар сони ва улушлари орасидаги тавофуқ сон иккинчи тоифадаги меросхўрларнинг сонига кўпайтирилади. Сўнгра ҳосил бўлган сон билан учинчи меросхўрлар тоифасидаги

меросхўрлар сони орасида тавофуқ бўлса, ўша тавофуқ сон биринчи ва иккинчи меросхўрлар тоифаси орасида ҳосил қилинган сонга кўпайтирилади. Агар учинчи меросхўрлар тоифасидаги меросхўрлар сони билан биринчи ва иккинчи меросхўрлар тоифаси орасида ҳосил қилинган сон орасида тавофуқ бўлмаса, учинчи меросхўрлар тоифасидаги меросхўрлар сони биринчи ва иккинчи меросхўрлар тоифаси орасида ҳосил қилинган сонга кўпайтирилади. Сўнгра ҳосил бўлган сон билан тўртинчи тоифадаги меросхўрлар сони орасида учинчи меросхўрлар тоифасидаги меросхўрлар сони билан биринчи ва иккинчи меросхўрлар тоифаси орасида қандай йўл тутилган бўлса, шундай йўл тугилади. Ниҳоят, ҳосил бўлган сон масаланинг аслига кўпайтирилади.

Мисол: бир киши вафот этиб, ортида тўрт хотин, ўн саккиз қиз, ўн беш момо ва олти амаки қолди. Бу ҳолда хотинларга саккиздан бир – $1/8$, қизларга учдан икки – $2/3$, момоларга олтидан бир – $1/6$ улуш, амакиларга асабалик жиҳатидан қолган улуш тегади. Масаланинг асли 24 улушдир: хотинларга 3 та, қизларга 16 та, момоларга 4 та улуш ва амакиларга қолган битта улуш. Энди хотинлар сони 4 билан уларнинг улуши 3 орасига қараймиз. Иккови орасида табоюн бор. Демак, хотинлар сони 4 ни оламиз. Қизларнинг сони 18 билан уларнинг улуши 16 нинг орасига эътибор қиламиз. Иккови орасида 2 сониди тавофуқ бор. Қизлар сони 18 ни тавофуқ сон 2 га бўламиз. Ҳосил бўлган сон 9 ни ёдда сақлаймиз. Момолар сони 15 билан уларнинг улуши 4 нинг орасига қараймиз. Иккови орасида табоюн бор. Демак момолар сони 15 ни оламиз. Амакилар сони 6 билан уларнинг улуши 1 нинг эътибор

берамиз. Иккови орасида табоюн бор. Демак, амакилар сони 6 ни оламиз.

Энди бизда сақланган сонлар қуйидагилар: 4, 6, 9, 15. Сўнгра сонларга қараймиз, 4 билан 6 орасида 2 сониди тавофуқ бор. 2 ни 6 га кўпайтириб, ҳосил бўлган 12 ни ёдда сақлаб қоламиз. Энди бизда 12, 9, 15 сонлари бор. 12 билан 9 орасида 3 сониди тавофуқ бор. 3 ни 12 га кўпайтириб, ҳосил бўлган 36 ни ёдда сақлаймиз. Энди бизда 36 ва 15 сонлари бор. Улар орасида 3 сониди тавофуқ бор. Бу ерда 15 ни тавофуқ сонга бўлиб, ҳосил бўлган 5 сонини 36 га кўпайтирамиз. Натижа 180 бўлади. Мана шу 180 ни масаланинг асли бўлган 24 га кўпайтирсак, масаланинг тасҳиҳи бўлмиш 4320 сони ҳосил бўлади.

Энди хотинларнинг масаланинг аслидаги улушлари 3 ни 180 га кўпайтирамиз. 540 ҳосил бўлди. Ҳар бир хотинга 135 тадан улуш. Қизларнинг масаланинг аслидаги улушлари 16 ни 180 га кўпайтирамиз. 2880 ҳосил бўлди. Ҳар бир қизга 160 тадан улуш. Момоларнинг масаланинг аслидаги улушлари 4 ни 180 га кўпайтирамиз. 720 ҳосил бўлди. Ҳар бир момога 48 тадан улуш. Амакиларнинг масаланинг аслидаги улушлари 1 ни 180 га кўпайтирамиз. 180 ҳосил бўлди. Ҳар бир амакига 30 тадан улуш. Тасҳиҳ тўғри бўлганини текширамиз: $4320 - 540 - 2880 - 720 - 180 = 0$.

4. Икки ёки ундан кўп тоифа меросхўрларнинг улушлари масаланинг асидан касрли ҳолатда ҳосил бўлади ва ўша тоифалардаги меросхўрлар сони орасида табоюн келиб чиқади, тавофуқ бўлмайди. Бу ҳолатда биринчи тоифадаги меросхўрлар сони иккинчи тоифадаги меросхўрлар сонига кўпайтирилади. Кейин ҳосил бўлган сон учинчи тоифадаги меросхўрлар

сонига кўпайтирилади. Сўнгра ҳосил бўлган сон тўртинчи тоифадаги меросхўрлар сонига кўпайтирилади. Ниҳоят, юзага келган сон масаланинг аслига кўпайтирилади. Шунда ҳосил бўлган сон масаланинг тасхихи ҳисобланади.

Мисол: бир киши вафот топиб, ўзидан икки хотин, олти момо, ўн қиз ва етти амаки қолдирди. Бунда хотинларга саккиздан бир – $1/8$, момоларга олтидан бир – $1/6$, қизларга учдан икки – $2/3$ ва амакиларга асабалик жиҳатидан қолган улуш тегади. Масаланинг асли 24 улуш: хотинларга 3 та, момоларга 4 та, қизларга 16 та улуш ва амакиларга битта улуш.

Энди хотинларнинг сони 2 билан уларнинг улуши 3 нинг орасига қараймиз. Иккови орасида табоюн бор. Демак, хотинлар сони 2 ни оламиз. Момоларнинг сони 6 билан уларнинг улуши 4 нинг орасига диққат қиламиз. Иккови орасида тавофуқ сон 2 бор. Момоларнинг сони 6 ни тавофуқ сон 2 га бўламиз ва ҳосил бўлган сон 3 ни эслаб қоламиз. Қизларнинг сони 10 билан уларнинг улуши 16 нинг орасига қараймиз. Иккови орасида тавофуқ сон 2 бор. Қизларнинг сони 10 ни тавофуқ сон 2 га бўламиз ва ҳосил бўлган 5 сонини эслаб қоламиз. Амакиларнинг сони 7 билан уларнинг улуши 1 нинг орасига назар ташлаймиз. Иккови орасида табоюн бор. Демак, амакилар сони 7 ни оламиз. Энди ҳосил бўлган сонларга қараймиз: 2, 3, 5, 7. Ушбу сонлар орасида табоюн бор. 2 ни 3 га кўпайтирамиз. Ҳосил бўлган 6 ни 5 га кўпайтирамиз. Юзага келган 30 ни 7 га кўпайтирамиз. Келиб чиққан 210 ни масаланинг асли бўлмиш 24 га кўпайтирамиз. Натижа 5040 бўлиб, мана шу масаланинг тасхихидир.

Хотинларнинг масаланинг аслидаги улушлари 3 ни 210 га кўпайтирамиз. 630 ҳосил бўлди. Ҳар бир хотинга 315 тадан улуш. Момоларнинг масаланинг аслидаги улушлари 4 ни 210 га кўпайтирамиз. 840 ҳосил бўлди. Ҳар бир момога 140 тадан улуш. Қизларнинг масаланинг аслидаги улушлари 16 ни 210 га кўпайтирамиз. 3360 ҳосил бўлди. Ҳар бир қизга 336 тадан улуш. Амакиларнинг масаланинг аслидаги улушлари 1 ни 210 га кўпайтирамиз. 210 ҳосил бўлди. Ҳар бир амакига 30 тадан улуш. Тасҳиҳ тўғри бўлганини текширамиз: $5040 - 630 - 840 - 3360 - 210 = 0$ (Журжоний, “Шарҳи фароизи Сирожия”).

ҲАР БИР ТОИФА УЛУШИНИНГ МИҚДОРНИ ЧИҚАРИШ ЙЎЛЛАРИ

Тасҳиҳ ҳолатида ҳар бир тоифанинг улушинини билиш учун масаланинг аслидаги ўша тоифага тегишли бўлган улушни юқорида масаланинг аслига кўпайтириб тасҳиҳ қилган сонингизга кўпайтирасиз. Шунда ўша тоифанинг тасҳиҳдаги улуши келиб чиқади.

Бу ҳолатда бир тоифадаги меросхўрларнинг улушларини билиш учун масаланинг аслида ўша тоифага теккан улушни уларнинг сонига бўлинг. Чиққан натижани юқорида масаланинг аслига кўпайтириб, тасҳиҳ қилган сонингизга кўпайтиринг. Ҳосил бўлган натижа ўша тоифадаги ҳар бир меросхўрнинг тасҳиҳдаги улушидир.

Ҳар бир тоифадаги меросхўрларнинг улушларини билишнинг бошқа йўли: масаланинг аслига кўпайтириб, тасҳиҳ қилган сонингизни истаган тоифангиздаги меросхўрлар сонига бўлинг. Чиққан натижани ўша

тоифанинг масаланинг аслидаги улушига кўпайтиринг. Ҳосил бўлган натижа ўша тоифадаги ҳар бир меросхўрнинг тасҳиҳдаги улуши ҳисобланади.

Ҳар бир тоифадаги меросхўрларнинг улушларини билишнинг яна бир тушунарли йўли: ҳар бир тоифанинг масаланинг аслидаги улушини уларнинг сонига бўлинг. Чиққан натижани юқоридаги масаланинг аслига кўпайтириб, тасҳиҳ қилган сонингизга кўпайтиринг. Ҳосил бўлган натижа ўша тоифадаги ҳар бир меросхўрнинг тасҳиҳдаги улушидир (*Сирожиддин Сижовандий, “Фароизи Сирожия”*).

Муҳим масала: Юқорида кўрсатиб ўтилган масаланинг аслини чиқариш, уни тасҳиҳ қилиш, тавофуқ ва табоюнни билиш, етти асл кабилар учун қўлланиладиган ҳисоблаш услубларини келтиришимизнинг сабаби бу ҳисоблаш услублари мўътабар фикҳ китобларимизда зикр қилинганидир. Аслида, ушбу ҳисоблаш услублари диний масала эмас. Қандай услубда ҳисобланмасин, меросхўрга унинг улушини Ислом кўрсатмасига мувофиқ аниқ чиқариб бериш – диний масаладир. Шунга биноан, токи мерос ҳисоблаш амалиётининг натижаси Исломга мувофиқ бўлар экан, ҳисоблаш услубининг қандай сурати қўлланилганининг аҳамияти йўқдир.

Демак, мерос тақсимотида ўша тақсимотнинг натижаси тўғри бўлса, яъни Аллоҳ ва Расули қайси меросхўрга қанча улуш тегишининг миқдорини белгилаганидек миқдор меросхўрларга берилса, ўша ҳисоб амалиётидан, у қай суратда бажарилган бўлса ҳам, мақсад ҳосил бўлади. Мерос тақсимотининг энг асосий мақсади – ҳар бир меросхўр ўз улушини Ислом кўрсатиб берган миқдорда олишидир.

АВЛ ҲАҚИДА

Авлнинг (عَوْل) луғатдаги маъноси турличадир:

1. Жабр-зулмга мойил бўлиш маъноси.
2. Голиблик, устун келиш маънолари.
3. Кўтармоқ маъноси.

Ушбу охирги маъно авлнинг истилоҳдаги таърифига мосроқ келади. Зеро, авлда масаланинг асли бир сондан бошқа сонга кўтарилади.

Мерос илми уламолари авлни қуйидагича таърифлаганлар: “Масаланинг асли барча фарз улушларни тўлиқ бериш учун етмаганда, масаланинг аслига барча фарз улушларни шариятда кўрсатилганидек тақсимлаш учун қўшимча қилиш авлдир”.

Мисол: меросга икки ҳақдор бор. Улардан бирининг улуши ярим – $\frac{1}{2}$ улуш. Бошқасиники учдан икки – $\frac{2}{3}$ улуш. Аслида, масаланинг асли 6 сони бўлиши керак. Аммо улуш эгаларига 6 та улушни ҳақларига мувофиқ бўлиб бериш мумкин бўлмай қолди. Шу каби ҳолатларда мерос илмида “авл қилиш” деб номланувчи амалиёт бажарилади. Яъни, масаланинг асли улушларни қолдиқсиз бўлиши учун 6 сонидан 7 сонига авл қилинади (оширилади). Шунда аслида 6 улушдан ярим – $\frac{1}{2}$ (3 та улуш) олиши керак бўлган меросхўр 7 улушдан ҳам 3 та улуш олади. Аслида, 6 улушдан учдан икки – $\frac{2}{3}$ (4 та улуш) олиши керак бўлган меросхўр 7 улушдан ҳам 4 та улуш олади. Мана шу масала “авл” деб номланади.

Авл фақатгина фарз улушларда, фарз эгаларига нисбатан бўлади.

АВЛ БЎЛАДИГАН ВА АВЛ БЎЛМАЙДИГАН МАСАЛАНИНГ АСЛЛАРИ

Маълумки фарз улушлар қуйидагилар:

1. Ярим – $1/2$.
2. Тўртдан бир – $1/4$.
3. Саккиздан бир – $1/8$.
4. Учдан икки – $2/3$.
5. Учдан бир – $1/3$.
6. Олтидан бир – $1/6$.

Ушбу фарз улушларга биноан масаланинг асллари қолдиқ қолмайдиган кўринишда 2, 3, 4, 6, 8, 12 ва 24 сонлари бўлади.

Булардан 2, 3, 4, 8 сонлари ҳеч қачон авлга учрамайди. Зеро, улардаги фарз улушлар масаланинг асладан ошиқча чиқмайди. Яъни, масаланинг асли қолдиқли ёки қолдиқсиз ҳолда барча улушларга тақсимланади.

Булардан 6, 12 ва 24 сонлари эса авлга учраши мумкин. 6 сони 7, 8, 9 ва 10 сонларига авл бўла олади. 12 сони 13, 15 ва 17 сонларига авл қилиниши эҳтимол. 24 сони эса фақат 27 га авл бўлиши мумкин.

Мисол: бир киши вафот этиб, ортида хотинини, ота бир икки синглисини, она бир икки синглисини ва онасини қолдирди. Хотин тўртдан бир – $1/4$ улуши олади. Ота бир иккита сингил учдан икки – $2/3$ -улуш олишади. Она бир иккита сингил учдан бир – $1/3$ улушга эга бўлишади. Она олтидан бир – $1/6$ улуш олади.

Аслида, масаланинг асли 12 улушдир. Аммо улушлар масаланинг асли улушларга етмаганлиги учун

масаланинг асли 12 дан 17 га авл қилинади. Шунда мерос тақсимоти қуйидагича кўриниш ҳосил қилади:

Масаланинг асли 17 улуш

Хотин	тўртдан бир – $1/4$	3 та улуш
Ота бир икки сингил	учдан икки – $2/3$	8 та улуш
Она бир икки сингил	учдан бир – $1/3$	4 та улуш
Она	олтидан бир – $1/6$	2 та улуш

Мерос тақсимотида авл қилиш жоизлигига ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу халифалик даврларида амалга оширилган мерос тақсимоти далил бўлади. Ўша вақтда мерос тақсимотида улушлар масаланинг аслидан кўпроқ чиқиб қолган. Бу ҳолат ҳақида саҳобалар ўзаро маслаҳат қилганлар. Шунда Аббос ибн Абдулмуттолиб розияллоҳу анҳу “масаланинг аслини авл қилиш керак”, деган фикр билдирганлар. Бунга бошқа саҳобалар эргашганлар ва ҳеч ким авлни инкор қилмаган (*Имом Байҳақий ва Ҳоким ривояти*).

Яна бир мисол: бир аёл вафот этиб, ортида эр, туғишган икки сингил, она бир икки опа ва онаси қолди. Бунда эрга ярим – $1/2$, туғишган икки сингилга учдан икки – $2/3$, она бир иккита опа учдан бир – $1/3$ ва онага олтидан бир – $1/6$ улуш тўғри келади.

Масаланинг асли 6 дан 10 га авл бўлади. Эрга 6 дан 3 та, туғишган икки сингилга 6 дан 4та, она бир икки опага 6 дан 2 та ва онага 6 дан бир улуш тегади. Улушлар йиғиндиси $3 + 4 + 2 + 1 = 10$ (*Журжоний, “Шарҳи фароизи Сирожия”*).

ТАХОРУЖ

“Тахоруж” (تَخْرُج) деб луғатда кўпчилик бўлиб ўртадан бир одамни шерикликдан чиқариб юборишга айтилади. Мерос илми уламолари истилоҳида тахоруж куйидагича таърифланган: “Тахоруж – меросхўрларнинг барчаси ёки баъзиси ўзларининг ораларидан меросга ҳақдор меросхўрни тарикадан ёки бошқа жойдан бўлган меросдаги улушидан камроқ муайян мулк эвазига, ўзининг розилигига кўра мерос олишдан чиқариб юборишларидир”.

Буни ўзаро сулҳ тузиш деб эътибор қилса ҳам бўлади. Сулҳ эса шариатда бор нарса. Амр ибн Динордан ривоят қилинишича, Абдурахмон ибн Авф розияллоху анху ўлим беморлигида хотинларидан бири Тамодир бинти Асбағни уч талоқ қилдилар ва унинг иддасида вафот топдилар. Халифа Усмон розияллоху анху ўша аёлнинг мерос олишига ҳукм қилдилар. Шунда Абдурахмон ибн Авф розияллоху анхунинг фарзандлари ўша аёл билан саксон уч минг динар ёки дирҳам олиб, эвазига меросхўрликдан чиқишига ўзаро розилик ила сулҳ туздилар. Ушбу тахоруж ҳолати кўпчилик саҳобалар розияллоху анхум ҳузурларида содир бўлди ва ҳеч ким бу ҳолатни инкор қилмади (*Абдураззоқ ривояти*).

Меросхўрнинг ўзи ҳам тахоружни тақлиф қилиши мумкин. Меросхўрлардан бири бошқасига тахоруж тақлиф этишига ҳам рухсат берилган. Ўз розилиги ила сулҳлашиб, мерос олишдан чиқиб кетаётган киши меросдаги улушини билиши ёки билмаслигининг фарқи йўқ.

Мисол: бир аёл вафот этиб, ортида эри, онаси ва амакисини қолдирди. Бу ҳолда эри ярим – $1/2$, она учдан бир – $1/3$ улуш олиши керак. Амаки қолганини асабалик жиҳатидан олиши лозим. Шунда эр “хотинимга махр бермаган эдим, ўша махр эвазига мен ўртадан чиқдим”, деб, ўз розилиги билан мерос олишдан воз кечди. Бундай ҳолатда мерос тақсимотида эр мавжуд деб тасаввур қилинади. Эр мавжудлигида масаланинг асли 6 улуш эди. Шундан 3 улуш эрга, 2 улуш онага, 1 улуш амакига эди. Эр меросдан ҳеч нарса олмагач, масаланинг асли 3 сонига кўчирилади. Аммо улушлар ўз ҳолича қолдирилади. Шунда онага 2 улуш, амакига бир улуш тўғри келади. Тахоруж ҳолатида ўртадан чиққан инсон ҳеч қачон йўқ деб тасаввур қилинмайди. Агар ушбу мисолда эр йўқ деб тасаввур қилинганда, она 1 улуш, амаки қолган 2 улушни олган бўлар эди. Бу эса уламолар ижмоъсига хилофдир (*Журжоний, “Шарҳи фароизи Сирожия”*).

Тахоруж икки қисм бўлади:

1. Бир меросхўрнинг меросхўрлар орасидан бир киши билан келишиб тақсимотдан чиқиб кетиши.

2. Бир меросхўрнинг барча меросхўрлар билан келишиб тақсимотдан чиқиб кетиши.

Тахоружнинг биринчи қисмига мисол: бир киши вафот этиб, ортида икки ўғил ва бир қиз қолдирди. Улар меросни бир эркакка икки аёл улуши қоидасига биноан бўлишиб олишлари керак. Бу ҳолатда масаланинг асли 5 та улушдир: қизга 1 улуш, икки ўғилга 2 тадан 4 та улуш. Аммо ўғиллардан бири синглисини унинг розилиги билан маълум бир мулк эвазига, меросдаги улушини унга қолдириш шарти

билан мерос олишдан чиқариб юборди. Бунда масаланинг асли 5 улуш бўлиб қолаверади ва сингилни чиқариб юборган ўғил 3 улуш, иккинчи ўғил 2 улуш олади.

Тахоружнинг иккинчи қисмига мисол: бир киши вафот топиб, ортида хотини ва тўрт нафар ўғлини қолдирди. Сўнгра бир ўғил тарикадан маълум миқдорда олиб, ўз розилиги ила тақсимотдан чиқиб кетди. Масаланинг асли 8 улуш эди. $\frac{1}{8}$ улуш хотинга, қолган 7 та улуш тўртта ўғилга тегишли. 7 та улушни ўғилларга касрсиз тақсим қилиб бўлмагани учун ўғиллар сони 4 ни масаланинг асли 8 га кўпайтирамиз. Ҳосил бўлган 32 сонидан орадан чиқиб кетган ўғилнинг улуши 7 ни айириб ташлаймиз. Қолган сон 25 дан барча меросхўрларга ўз улушларини берамиз: хотинга 4 та улуш, қолган учта ўғилга 7 тадан 21 та улуш (*Низомиддин Киронавий, “Далилул вуррос”*).

РАДД ҲАҚИДА

Радд (رد) луғатда “қайтариш” маъносида келади.

Мерос илми уламолари раддни қуйидагича таърифлаганлар: “Радд – фарз эгаларидан ортган тарикани маййитнинг асабаси бўлмаганликлари учун маййитга насаб жиҳатидан қариндош бўлган фарз эгаларига уларнинг улушларига мувофиқ қайтариб тақсимлаб беришдир”.

Фарз эгалари меросдан ўз улушларини олганларидан сўнг маййитнинг асабаси бўлмаса, қолган мерос ўша фарз эгалари орасида уларнинг улушларига мувофиқ қайта тақсимланади. Аммо қайта тақсимлашда маййитнинг эри ва хотини ҳисобга олинмайди.

Шунинг учун радднинг таърифида “насаб жиҳатидан қариндош бўлган фарз эгалари” дейилган. Эр ҳам, хотин ҳам маййитга насаб жиҳатидан қариндош эмас.

Радд масаласи жумхур саҳоба разияллоҳу анҳум ва ханафий мазҳаби уламолари раҳимаҳумуллоҳлар наздида собитдир. Зайд ибн Собит разияллоҳу анҳу, имом Молик ва имом Шофеъий раҳимаҳумаллоҳлар наздида, фарз эгаларидан ортган меросга бошқа ҳақдор бўлмаса, қолган тарика байтулмолга қўйилади.

Радднинг рукнлари учта:

1. Маййитга насаб жиҳатидан қариндош бўлган фарз эгаси мавжудлиги.

2. Фарз эгаларидан мерос ортиб қолиши.

3. Маййитнинг асабаси бўлмаслиги.

Раддга дахлдор бўлган насаб жиҳатидан қариндош фарз эгалари қуйидагилар:

1. Онанинг фарзандлари (ака-ука, опа-сингиллар).

2. Қиз.

3. Ўғилнинг қизи, ўғил қанча пастласа ҳам.

4. Туғишган сингил.

5. Ота бир сингил.

6. Опа, қанча юқориласа ҳам.

Юқорида айтиб ўтилганидек, фарз эгаларидан саналмиш асабалар раддга дахлдор бўлмайдилар. Агар улардан бирортаси мавжуд бўлса, радд ҳолати вужудга келмайди. Чунки улар меросдан қолган улушни асаба сифатида оладилар.

Мерос тақсимоотида радд ҳолати учраганда, эр ёки хотин мавжуд бўлса, унга ўзининг фарз улуши берилади. Сўнгра қолган тарика маййитга насаб жиҳатидан қариндош бўлган фарз эгалари орасида уларнинг фарз улушларига мувофиқ тақсимланади. Бунда қарин-

дошлик даражасининг узоқлиги ёки яқинлигига, қариндошликнинг қувватига қаралмайди. Шунинг учун асабалардаги каби уларнинг энг яқинига қолган барча улуш берилмайди.

Радд масаласида ҳанафий мазҳаби уламолари тўрт қоида бор эканлигини айтганлар:

1. Тақсимотда тариканинг қолгани радд қилинадиган кишилардан бир турни ташкил этиб, эр ҳам, хотин ҳам бўлмайди. Бунда тақсимот радд қилинадиган кишилар сонидан эътибор қилиб олинади.

Мисол: бир киши вафот топиб, икки қиз қолдирди. Бу тақсимотда масаланинг асли 2 улушдан қилинади ва улардан ҳар бирига ярим улуш берилади. Аслида, икки қизнинг фарз улуши учдан икки – $\frac{2}{3}$ дир.

2. Тақсимотда тариканинг қолгани радд қилинадиган кишилардан икки, уч турни ташкил этиб, эр ҳам, хотин ҳам бўлмайди. Бунда тақсимот радд қилинадиган кишилар улушларининг сони эътибори билан бўлади.

Масалада $\frac{1}{6}$ улуш иккита бўлиб, бошқа улуш бўлмаса, масала 2 га радд қилинади.

Масалада $\frac{1}{6}$ улуш билан $\frac{1}{3}$ улуш бўлиб, бошқа улуш бўлмаса, масала 3 га радд этилади.

Масалада $\frac{1}{6}$ улуш билан $\frac{1}{2}$ улуш бўлиб, бошқа улуш бўлмаса, масала 4 га радд қилинади.

Масалада $\frac{1}{6}$ улуш билан $\frac{2}{3}$ улуш ёки иккита $\frac{1}{6}$ билан $\frac{1}{2}$ улуш ёхуд $\frac{1}{3}$ билан $\frac{1}{2}$ улуш бўлиб, бошқа улуш бўлмаса, масала 5 га радд этилади.

Мисоллар:

Бир киши вафот топиб, ортида онасининг онасини, она бир синглисини қолдирди. Масаланинг асли 6 улушдан. Аммо бошқа меросхўр бўлмагани сабабли

масаланинг асли 2 га радд қилинади, бу эса уларнинг улушлари сонидир. Онанинг онасига битта улуш, она бир сингилга битта улуш.

Бир киши вафот топиб, ортида онасини ва она бир икки укасини қолдирди. Онага олтидан бир – $\frac{1}{6}$, она бир икки укага учдан бир – $\frac{1}{3}$ улуш тегади. Демак, масаланинг асли 6 улуш бўлиши керак. Аммо бошқа меросхўр бўлмагани сабабидан масаланинг асли 6 дан 3 улушга радд қилинади: учдан бир – $\frac{1}{3}$ улуш онага ва учдан икки – $\frac{2}{3}$ улуш она бир икки укага.

Бир аёл вафот топиб, ортида қиз, ўғилнинг қизи ва онасини қолдирди. Қизга ярим – $\frac{1}{2}$, ўғилнинг қизига қиз билан учдан икки – $\frac{2}{3}$ улушни олиш учун олтидан бир – $\frac{1}{6}$, онага олтидан бир – $\frac{1}{6}$ улуш бўлиши керак. Улушларнинг умумий сони 5 та бўлади. Масаланинг асладан битта улуш ортиб қолди. Шу сабабдан масаланинг асли радд қилинадиган кишилар улушларининг сони эътибори билан бўлади: 3 та улуш қизга, битта улуш ўғилнинг қизи ва битта улуш онага тегади.

3. Тақсимотда тариканинг қолгани радд қилинадиган кишилардан бир турни ташкил этиб, эр ёки хотин ҳам бўлади. Бунда аввало рад қилинмайдиган меросхўрнинг (эр ёки хотин) улуши берилади. Сўнгра қолгани рад этиладиган меросхўрларга касрсиз тақсимланса, шу ҳолича тақсимланади.

Мисол: бир аёл вафот топиб, ортида эри ва олти қизини қолдирди. Масаланинг асли 12 улуш. Аммо шу улушлар сонидан меросхўрлар ўз ҳиссаларини олишгач, битта улуш ортиб қолмоқда. Бу ҳолатда радд қилинмайдиган меросхўр улушини олгач, рад этиладиган меросхўрларга қолган улуш касрсиз

тақсимланмоқда. Шу сабабдан масаланинг аслини радд қилинмайдиган меросхўр улушининг махражига, яъни 4 га радд этамиз. Шунда битта улуш эрга, қолган 3 та улуш учта қизга бўлади.

Масаланинг асли радд қилинган, қолган улуш радд этиладиган меросхўрларга касрсиз тақсимланмаса, радд қилинадиган меросхўрларнинг улуши ва уларнинг сони орасига қаралади. Агар икки сон орасида тадохул бўлса, катта сон кичигига бўлинади ва чиққан сон радд қилинмайдиган меросхўр улушининг махражига кўпайтирилади. Масала шу тариқа тасҳиҳ бўлади.

Мисол: бир аёл вафот топиб, ортида эри ва олти қизини қолдирди. Масаланинг асли 12 улуш. Аммо шу сондан меросхўрлар улушларини олишгач, битта улуш ортиб қолмоқда. Бу ҳолатда масаланинг асли 4 га радд қилинади. Сўнгра радд қилинмайдиган меросхўр улушини олган, рад этиладиган меросхўрларга қолган улушни касрсиз тақсимлаб бўлмайди. Қолган 3 улуш ва қолган меросхўрлар сони – 6 орасида тадохул бор. Бунда 6 сони 3 га бўлинади ва ҳосил бўлган 2 радд қилинмайдиган меросхўр улушининг махражи 4 га кўпайтирилади. 8 улушдан эр 2 та улуш олади, қолган 6 та улушни олти қиз тенг тақсимлаб олишади.

Бу йўл ила масаланинг аслини тасҳиҳ қилиб бўлмаса, радд қилинадиган меросхўрлар сони радд этилмайдиган меросхўр улушининг махражига кўпайтирилади. Масала шу тарзда тасҳиҳ бўлади.

Мисол: бир аёл вафот топиб, ортида эри ва беш қизини қолдирди. Масаланинг асли 12 улуш. Ундан меросхўрлар улушларини олишгач, битта улуш ортиб

қоляпти. Бу ҳолатда масаланинг асли 4 га радд қилинади. Сўнгра радд қилинмайдиган меросхўр улушини олгач, рад қилинадиган меросхўрларга қолган улушни касрсиз тақсимлаб бўлмайди. Қолган 3 улуш ва қолган меросхўрлар сони 5 орасида табоюн бор. Бунда меросхўрлар сони 5 радд қилинмайдиган меросхўр улушининг махражи 4 га кўпайтирилади. Ҳосил бўлган сон – масаланинг тасхиҳи. Эр 20 дан 5 та улуш олади, қолган беш қиз 15 та улушни 3 тадан тақсимлаб олишади.

4. Тақсимотда тариканинг қолгани радд қилинадиган кишилардан икки ёки уч турни ташкил этиб, эр ёки хотин ҳам бўлади.

Бу ҳолатда аввало рад қилинмайдиган меросхўр улушининг махражидан қолган сонни бошқа меросхўрларга тақсимлаб кўрилади.

Мисол: бир киши вафот топиб, ортида хотини, тўртта момоси ва олти нафар она бир опа-синглиси қолди. Бунда хотинга тўртдан бир – $\frac{1}{4}$, момоларга олтидан бир – $\frac{1}{6}$ ва опа-сингилларга учдан бир – $\frac{1}{3}$ улуш тўғри келади. Демак, масаланинг асли 12 улуш бўлиши керак: тўртдан бир – $\frac{1}{4}$ (3 та улуш) хотинга, момоларга олтидан бир – $\frac{1}{6}$ (2 та улуш), олти нафар она бир опа-сингилга учдан бир – $\frac{1}{3}$ (4 та улуш) берилса, жами берилган улуш 9 та бўлади. Масаланинг асидан 3 та улуш кўп бўлиб қолди. Бу ҳолатда радд қилинадиган меросхўрлар билан радд қилинмайдиган меросхўр бўлгани учун масаланинг аслини, унга рад қилинмайдиган меросхўр (хотин) улушининг махражига радд қиламиз. Шунда битта улуш хотинга, битта улуш, яъни $\frac{1}{6}$ улуш момоларга ва 2 та, яъни $\frac{1}{3}$ улуш олти нафар она бир опа-сингилга бўлади. Шу ерда

радд масаласи тўғри келади. Аммо 2 та улушни олти нафар она бир опа-сингилга касрсиз бўлиш имкони бўлмагани учун масаланинг аслини тасҳиҳ қиламиз. Тасҳиҳ: тақсимотдаги барча меросхўрлар сонини масаланинг аслига кўпайтирамиз ($8 \times 12 = 96$). Ҳосил бўлган масаланинг асладан хотинга тўртдан бир – $1/4$ улушберамиз ($96 - 24 = 72$). Қолган улушнинг учдан бири – $1/3$ (24) онага, учдан иккиси – $2/3$ олти нафар она бир опа-сингилга (48). Шунда ҳар бир она бир опа-сингил 8 тадан улуш олади ($48 : 6 = 8$).

Агар бу турдаги радд масаласи кўрсатилган йўл ила тўғри чиқмаса, радд қилинадиган меросхўрлар масаласининг жами (радд этиладиган меросхўрлар масаласининг жамини чиқаришни қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз) радд қилинмайдиган меросхўрнинг махражига кўпайтирилади. Шунда масала тўғри бўлади. Сўнгра радд этилмайдиган меросхўрнинг улуши радд қилинадиган меросхўрлар масаласининг жамига кўпайтирилади. Радд қилинадиган меросхўрларнинг улушлари эса, радд этилмайдиган меросхўр улушини олгач, қолган махражига кўпайтирилади.

Бу ҳолатда улушлар меросхўрларнинг сонларига касрли бўлиб тақсимланса, масалани тасҳиҳ қилиш йўллари ишга солинади.

Мисол: бир киши вафот этиб, ортида тўрт нафар хотин, тўққиз нафар қиз ва олти нафар момо қолдирди. Бунда масаланинг асли 24 улушдир. Уни 8 га радд қиламиз. Хотинга $1/8$ улушни бергач, 7 та улуш қолди. Бу 7 та улуш радд қилинадиган меросхўрлар масаласининг жамига тўғри келмайди. Зеро, радд этиладиган меросхўрлар масаласининг жами 5 та $1/6$

улушдир. 4 таси, яъни $\frac{2}{3}$ улуш қизларга, биттаси, яъни $\frac{1}{6}$ улуш момоларга. Демак, радд қилинадиган меросхўрлар масаласининг жами бўлмиш 5 сони билан қолган улушлар сони 7 орасида табоюн бор. Бу ҳолатда радд қилинадиган меросхўрлар масаласининг жами 5 ни радд этилмайдиган меросхўрнинг махражи 8 га кўпайтирамиз. Натижа бўлмиш 40 сонидан барча меросхўрларнинг улушларини чиқариб оламиз. Бунинг учун радд қилинмайдиган меросхўрнинг улуши 1 радд қилинадиган меросхўрлар масаласининг жами 5 га кўпайтирилади. Демак, хотин масаланинг тасҳиҳи бўлмиш 40 дан 5 та улуш олади. Кейин радд этиладиган меросхўрлар улушлари бўлмиш 4 ва 1 радд қилинмайдиган меросхўр улушини олгач, қолган махражига кўпайтирилади: $4 \times 7 = 28$, $1 \times 7 = 7$. Демак, қизлар масаланинг тасҳиҳи бўлмиш 40 дан 28 та улуш, момолар 7 та улуш оладилар.

Шу ерда радд масаласи ечилди. Аммо меросхўрларнинг олган улушларини уларнинг сонларига касрсиз тақсимлаб бўлмайди. Шу сабабдан тасҳиҳ амалиётига киришамиз. Хотинларнинг сони 4 ва улушлари 5 орасида табоюн бор. Бас, уларнинг сони 4 ни ёдда сақлаб қоламиз. Момоларнинг сони 6 ва улушлари 7 орасида ҳам табоюн бор. Бас, уларнинг сони 6 ни ёдда сақлаб қоламиз. Қизларнинг сони 9 ва улушлари 28 орасида табоюн бор. Бас, уларнинг сони 9 ни ёдда сақлаб қоламиз.

Энди сонлар орасидаги нисбатга қараймиз. Хотинларнинг сони 4 ва момолар сони 6 орасида 2 сонидан тавофуқ бор. 4 ни 2 га бўлиб, 6 га ёки 6 ни 2 га бўлиб, 4 га кўпайтирамиз. Натижа – 12 сони. 12 сони ва қизлар сони 9 орасида 3 сонидан тавофуқ бор. Бас, 9

нинг $\frac{1}{3}$ ини, яъни 3 ни 12 га кўпайтирамиз. Ҳосил бўлган сон 36 ни радд масаласининг тасҳиҳи бўлмиш 40 га кўпайтирамиз. Натижа – 1440. Мана шу сон ила масала буткул тасҳиҳ бўлди.

Хотиннинг 5 та улушини 36 га кўпайтирамиз. Натижа – 180. Момоларнинг улуши 7 ни 36 га кўпайтирамиз. Натижа – 252. Қизларнинг 28 та улушини 36 га кўпайтирамиз. Натижа – 1008. Хотинлар улуши 180 : хотинлар сони 4 = 45 тадан улуш. Момолар улуши 252 : момолар сони 6 = 42 тадан улуш. Қизлар улуши 1008 : қизлар сони 9 = 112 тадан улуш. (1440 – 180 – 252 – 1008 = 0) (*Низомиддин Киронавий, “Далилул вурроқ”*).

МУНОСАҲА

Муносаҳа (مُنَاسَاةٌ) луғатда кўчириш, ўзгартириш ва ўчириш маъноларида келади. Мерос илми уламолари истилоҳида қуйидагича таърифланади: “Муносаҳа – меросга ҳақдор киши мерос тақсимотидан аввал вафот топгани учун унинг меросдаги улушини меросхўрларига кўчиришдир”.

Муносаҳа ҳолати юзага келганда, меросни тақсимлашга киришишдан аввал маййит эркак ёки аёл эканлигини билиб олиш зарур. Акс ҳолда, мерос тақсимотида хатога йўл қўйилиши мумкин. (Мерос тақсимотидаги бошқа масалаларда тарикани тўғри тақсим қилиш учун маййитнинг жинсини аниқлаш шарт эмас.) Масалан, бир инсон вафот этиб, ортида ота-онаси ва икки қизини қолдирди. Сўнгра қизларидан бири вафот топиб, ортида ота бир сингил, она ва отасининг отасини қолдирди. Ушбу ҳолатда аввалги

маййит эркак бўлса, ўша эркак ва унинг отаси иккинчи маййитга оталик тарафидан (оналик тарафидан эмас) ота бўладилар. Агар аввалги маййит аёл киши бўлса, иккинчи маййитнинг бобоси онанинг отаси бўлади ва иккала ҳолатда мерос тақсимоти бир-биридан фарқ қилади.

Муносаханинг уч ҳолати бор:

Аввалги ҳолат: иккинчи бўлиб вафот топган меросхўрнинг барча меросхўрлари аввал вафот этган инсоннинг меросхўрлари бўлади ва кейин вафот топганнинг улардан бошқа меросхўрлари бўлмайди. Бу ҳолда меросхўрларнинг улушлари ўзгармайди ва вафот қилган меросхўр мавжуд бўлмаган инсон каби мерос тақсимотида қатнашмайди.

Иккинчи ҳолат: ҳар бир маййитнинг меросхўрлари фақат унинг ўзидангина мерос оладилар.

Учинчи ҳолат: иккинчи маййитнинг меросхўрлари аввалги маййитнинг меросхўрларидан баъзиси ёки қолган барчаси бўлиб, уларнинг меросдаги улушлари ўзгаради ёки уларга қўшилиб бошқалар ҳам меросга ҳақдорлик қиладилар. Ёки масалада аввалги маййитдан мерос олмайдиган учинчи маййит бўлади. Шунга биноан учинчи ҳолат тўрт кўринишга эга:

1. Иккинчи маййитнинг меросхўрлари аввалги маййитнинг меросхўрларидан қолган барчаси бўлиб, улар иккала маййитдан фарқли улушларга меросхўрдирлар.

2. Иккинчи маййитнинг меросхўрлари аввалги маййитнинг меросхўрларидан баъзиларидир.

3. Иккинчи маййитнинг меросхўрлари аввалги маййитнинг меросхўрлари жумласидандир ва унинг бошқа меросхўрлари ҳам бўлади.

4. Аввалги маййитдан мерос олмайдиган учинчи маййит бўлади.

Қуйида ушбу кўринишларга мисол келтирилади:

Учта ҳолатдан қай бири муносаха ҳолати эканлиги қуйидагича аниқланади: Аввало, иккинчи маййитнинг меросхўрларига қаралади. Агар улар орасида биринчи маййитнинг бирорта меросхўри бўлмаса, бу ҳолат муносаханинг иккинчи ҳолати ҳисобланади. Агар иккинчи маййитнинг барча меросхўрлари аввалги маййитнинг меросхўрлари бўлса ва иккинчи маййитнинг улардан бошқа меросхўрлари бўлмаса, бу ҳолат муносаханинг биринчи ҳолати саналади. Муносахадаги шулардан бошқа ҳолатларнинг барчаси учинчи ҳолатдир.

Муносаханинг биринчи ҳолатига мисол: бир киши вафот этиб, ортида икки қиз ва уч ўғил қолдирди. Мерос тақсимланишидан аввал бир ўғил вафот этди. Энди мерос икки ўғил ва икки қиз орасида тақсимланади. Вафот этган ўғил эса, мавжуд бўлмаган инсон каби мерос тақсимотида қатнашмайди. Зеро, вафот топган ўғилнинг хотини ва зурриёти бўлмагани учун отасининг меросхўрларидан бошқа меросхўри йўқ. Яъни, у вафот этгач ўзидан фақат икки ука ва икки сингил қолдирган. Шу сабабдан меросни қайта тақсимлашдан фойда йўқ. Улушлар ўзгармайди.

Муносаханинг иккинчи ҳолатида аввалги маййитнинг мероси иккинчи маййитга ажратилгач, иккинчи маййитнинг тарикаси унинг меросхўрларига тақсимлаб берилади.

Мисол: бир киши вафот этиб, ортида тўрт ўғил қолдирди. Мерос тақсимланишидан аввал барча ўғиллар вафот этиб, биринчидан икки ўғил,

иккинчисидан уч ўғил, учинчисидан тўрт ўғил ва тўртинчисидан олти ўғил қолди. Биринчи масаланинг асли 4 улуш. Сўнгра биринчи ўғилдаги масаланинг асли 2 улуш. Иккинчи ўғилдаги масаланинг асли 3 улуш. Учинчи ўғилдаги масаланинг асли 4 улуш. Тўртинчи ўғилдаги масаланинг асли 6 улуш. Бу ҳолда масаланинг аслини тасҳиҳ қилиш керак. Масаланинг аслари 2, 3, 4, 6 сонларидан иборат. Бунда 2 сони 4 га, 3 сони 6 га киргани учун масалада 4 билан 6 ни қолдирамиз. 4 билан 6 сонининг орасида тавофуқ сон 2 бор. 4 ни 2 га бўлиб, 6 га ёки 6 ни 2 га бўлиб, 4 га кўпайтирамиз. 12 сони ҳосил бўлади. Энди иккала масаланинг умумий жамловчисини чиқариш учун иккинчи масаланинг аслини биринчи масаланинг асliga кўпайтирамиз. 12 ни 4 га кўпайтирсак, 48 бўлади. Ҳосил бўлган 48 дан ҳар бир вафот этган ўғилнинг меросхўрларига 12 тадан улуш тегади. Шунда биринчи ўғилнинг икки ўғли 12 улушни иккига бўлиб олишади. Иккинчи ўғилнинг учта ўғли 12 улушни учга бўлиб оладилар. Учинчи ўғилнинг тўртта ўғли 12 улушни тўртга бўлиб олишади. Тўртинчи ўғилнинг олтига ўғли 12 улушни олтига бўлиб оладилар.

Муносаханинг учинчи ҳолатига мисоллар:

1) Агар иккинчи маййитнинг улуши ва иккинчи масаланинг асли орасида тамосул бўлса, икки масала ҳам тўғри бўлади.

Бир киши вафот этиб, ортида хотинини, бошқа хотиндан туғилган қизини ва ота бир укасини қолдирди. Мерос тақсимотидан аввал унинг қизи вафот этиб, кетида эрини, қизини ва амакисини қолдирди.

Биринчи масаланинг асли 8 та улуш: хотинга битта, қизга 4 та улуш, ота бир укага қолган 3 та улуш.

Иккинчи масаланинг асли 4 улуш: эрга битта, қизга 2 та улуш, амакига қолган битта улуш.

Биринчи масалада қизнинг улуши 4 та эди. Иккинчи масалада масаланинг асли 4 улуш эди. Демак, иккинчи маййитнинг улуши билан иккинчи масаланинг асли орасида тамосул бор. Шу сабабли мерос тақсимоти тугал бўлди.

2) Агар иккинчи маййитнинг улуши ва иккинчи масаланинг асли орасида тадохул ёки тавофуқ бўлса, иккинчи масаланинг асли ва иккинчи маййитнинг улуши орасида чиқарилган тавофуқ сон биринчи масаланинг аслига кўпайтирилади.

Мисол: бир киши вафот этиб, ортида хотини, қизини ва ота бир укасини қолдирди. Мерос тақсимотидан аввал унинг қизи вафот этиб, кетида эрини, қизини, онасини ва амакисини қолдирди.

Биринчи масаланинг асли 8 та улуш: хотинга битта улуш, қизга 4 та улуш, ота бир укага қолган 3 та улуш.

Иккинчи масаланинг асли 12 улуш: эрга 3 та, қизга 6 та, онага 2 та улуш, амакига қолган битта улуш.

Бу ҳолатда иккинчи маййитнинг улуши 4 билан иккинчи масаланинг асли 12 улушнинг орасида 3 да тавофуқ бор. 4 сони 12 ни 3 га бўлади. Демак, иккинчи масаланинг асли ва иккинчи маййитнинг улуши орасида чиқарилган тавофуқ сон 3 ни биринчи масаланинг асли 8 га кўпайтирамиз: $3 \times 8 = 24$. Демак, 24 сони иккала масала учун жамловчидир. Бунда 24 та улуш ичидан биринчи масаладагилар қуйидаги улушларни оладилар: хотинга 3 та, қизга 12 та улуш, ота бир укага қолган 9 та улуш. Иккинчи масаладагилар вафот этган қизнинг 12 улушини қуйидагича оладилар:

эрга 3 та, қизга 6 та, онага 2 та улуш, амакига қолган битта улуш.

3) Агар иккинчи маййитнинг улуши ва иккинчи масаланинг аслида табоюн бўлса, иккинчи масала аслининг ҳаммаси биринчи масала аслининг ҳаммасига кўпайтирилади. Ҳосил бўлган натижа иккала масаланинг тасҳиҳи, жамловчиси бўлади. Бу ҳам жамловчи деб номланади. Сўнгра аввалги масаланинг асладан улуши борлардан ҳар бирининг улуши бирма-бир иккинчи масаланинг аслига кўпайтириб чиқилади. Сўнгра иккинчи масалада улуши борларнинг улушлари иккинчи маййитнинг улушига кўпайтирилади. Шунда биринчи масаладаги ва иккинчи масаладаги ҳар бир меросхўр ўз улушини олади.

Мисол: бир киши вафот этиб, ортида хотини, қизи ва укасини қолдирди. Сўнгра қиз вафот топиб, кетида эри, онаси ва икки қизи қолди.

Биринчи масаланинг асли 8 та улуш бўлади: хотинга битта, қизга 4 та улуш ва укага қолган 3 та улуш.

Иккинчи масаланинг асли 12 дан 13 га авл бўлади: эрга 3 та, онага 2 та, икки қизга 8 та улуш.

Бу ҳолатда иккинчи маййитнинг улуши 4 ва иккинчи масаланинг асли 13 да табоюн бор. Табоюн ҳолатида иккала масаланинг асларини бир-бирига кўпайтирамиз. Ҳосил бўлган сон иккала масала учун жамловчи бўлади. Биринчи масаланинг асли 8 сонини иккинчи масаланинг асли 13 га кўпайтирамиз. 104 сони ҳосил бўлади. Мана шу сон иккала масаланинг жамловчисидир.

Биринчи масалада хотин иккинчи масалада она бўлган аёлнинг биринчи масаладаги битта улушини иккинчи масаланинг асли 13 га кўпайтирамиз. Сўнгра

унинг иккинчи масаладаги 2 та улуши маййитнинг улуши 4 га кўпайтирилади. Иккала улушда ҳосил бўлган сонлар бир-бирига қўшилади: $13+8=21$. Демак, биринчи масалада хотин, иккинчи масалада она бўлган аёлнинг масаланинг жамловчиси бўлган 104 дан оладиган улуши 21 тадир.

Уканинг биринчи масаладаги 3 та улуши иккинчи масаланинг асли 13 га кўпайтирилади. 39 та улуш ҳосил бўлади. Ука иккинчи масалада мерос олмагани учун унинг улуши масаланинг жамловчиси бўлган 104 улушдан 39 та улушдир.

Вафот топган қизнинг эри биринчи масалада йўқ. Шунинг учун унинг улуши 3 ни иккинчи маййитнинг улушига кўпайтирамиз ва ҳосил бўлган 12 та улуш масаланинг жамловчиси бўлган 104 улушдан олинади.

Икки қизнинг улуши 8 ни иккинчи маййитнинг улуши 8 га кўпайтирамиз. 32 та улуш ҳосил бўлади. Иккинчи маййитнинг икки қизи масаланинг жамловчиси бўлган 104 улушдан 32 та улуш оладилар. Энди тақсимот тўғри бўлганини текшириб кўриш учун барча улушларни бир-бирига қўшиб чиқамиз: она $21 +$ ука $39 +$ эр $12 +$ икки қиз $32 = 104$. Демак, тақсимот тўғри бўлган.

Баъзан муносаҳада иккита, учта жамловчи масала бўлиши мумкин. Бу ҳолат бир инсон вафот топиб, унинг мероси тақсим қилинмай туриб, унинг меросхўри вафот этиши, сўнгра биринчи мерос тақсим қилинмай туриб, иккинчи қазо қилган инсоннинг меросхўри вафот топганда юзага келади. Шунда биз юқорида кўрсатиб ўтилган тақсимотларнинг ўзини бажарамиз. Аммо иккинчи масаланинг аслини биринчининг

ўрнига, учинчи масаланинг аслини иккинчининг ўрнига қўямиз. Токи вафот топганлар саноғи тугагунча ададни комил қиламиз ва ҳосил бўлган ҳолатни иккинчи жамловчи, учинчи жамловчи ва ҳоказо деб номлаймиз:

Мисол: бир аёл вафот этиб, ортида эрини, она бир синглисини, туғишган амакисини қолдирди. Сўнгра эр вафот топиб, кетида ўзидан қизи, ўғлининг қизи ва ота-онаси қолди. Кейин қиз вафот қилиб, ортида онасининг онасини, икки нафар туғишган опа-синглисини ва она бир икки нафар акасини қолдирди.

Биринчи масаланинг асли 6 та улуш: эрга 3 та, она бир сингилга битта улуш, амакига қолган 2 та улуш бўлади.

Иккинчи масаланинг асли 6 та улуш: қизга 3 та, ўғлининг қизига битта, отага битта, онага битта улуш.

Учинчи масаланинг асли 6 дан 7 та улушга авл бўлади: онанинг онасига битта, туғишган икки опа-сингилга 4 та, она бир иккита акага 2 та улуш.

Аввало, иккинчи маййитнинг улуши билан иккинчи масаланинг аслига қараймиз. Улар орасида тадохул бор. Бу ҳолатда қуйидаги амал бажарилади: иккинчи масаланинг асли 6 иккинчи маййитнинг улуши 3 га бўлинади ва ҳосил бўлган сон 2 биринчи масаланинг асли 6 га кўпайтирилади. Шунда икки масаланинг жамловчи асли 12 ҳосил бўлади.

Энди иккинчи масаладаги маййитнинг улуши билан учинчи масаланинг орасига қараймиз. Улар орасида табоюн бор. Бунда учинчи масала аслининг ҳаммаси биринчи ва иккинчи масала аслларининг жамига кўпайтирилади: $7 \times 12 = 84$. Ҳосил бўлган натижа учала масаланинг тасҳиҳи, жамловчиси бўлади.

Биринчи масаладагиларнинг 84 та улушдан оладиган улушлари: она бир сингилга 14 та улуш, амакига қолган 28 та улуш (эрга 42 улуш).

Иккинчи масаладагиларнинг оладиган улушлари (биринчи масалдаги эрдан қолган 42 улуш): ўғлининг қизига 7 та, отага 7 та, онага 7 та улуш (қизга 21 та улуш).

Учинчи масаладагиларнинг оладиган улушлари (иккинчи масаладаги қиздан қолган 21 улуш): онанинг онасига 3 та, туғишган икки опа-сингилга 12 та, она бир иккита акага 6 та улуш.

Улушларни бир-бирига қўшиб чиқамиз: $14 + 28 + 7 + 7 + 7 + 3 + 12 + 6 = 84$ (*Низомиддин Киронавий, “Далилул вуррос”*).

Муносаха масаласида ҳам ҳисоблаш услуби эмас, натижа муҳимдир. Токи меросхўрлар ўз улушларини Исломга мувофиқ олар эканлар, муносахада қандай ҳисоблаш услуби қўлланилганининг аҳамияти йўқ. Шунингдек, муносаха ҳолатида ҳар бир тақсимотни алоҳида кўриб, ҳисоблаб чиқиш ҳам жоиздир. Юқорида таъкидлаганимиздек, биз кўрсатган ҳисоблаш услублари мўътабар фикр китобларида келтирилгани учун зикр қилингандир.

ЗАВУЛ-АРҲОМЛАРНИНГ МЕРОСГА ҲАҚДОР БЎЛИШЛАРИ

Завул-арҳом луғатда “раҳм эгалари” (раҳм – бачадон) дегани бўлиб мутлақ қариндошликни англатади.

Мерос уламолари истилоҳида эса қуйидагича таърифланган: “Завул-арҳомлар – маййитнинг

қариндошлари бўлиб, улар фарз эгалари ва асабалар қаторига кирмайдилар”.

Радд масаласида эр-хотин ўз улушларига эга бўлганларидан сўнг ҳисобга олинмаганликлари каби завул-арҳомларнинг меросида ҳам эр-хотин ўз улушларини қўлга киритганларидан сўнг ҳисобга олинмайдилар. Зеро, эр-хотин одатда завул-арҳомлардан бўлмайдилар. Аммо улардан бири завул-арҳомлардан бўлса, мерос тақсимоотида эътиборга олинади.

Ҳанафий мазҳабида завул-арҳомлар мерос-хўрлардан ҳисобланадилар ва улар тўрт синфга бўлинадилар.

ЗАВУЛ-АРҲОМЛАРНИНГ СИНФЛАРГА БЎЛИНИШИ

Аввалги синф: улар маййитга фарзандлик жиҳатидан боғлиқ бўлиб, фарз эгалари ва асабалар сирасига кирмайдилар. Улар: қанча пастласалар ҳам, қизларнинг фарзандлари, қанча пастласалар ҳам, ўғилнинг қизининг фарзандларидирлар.

Иккинчи синф: маййитга ота-оналик жиҳатидан боғлиқ бўлиб, фарз эгалари ва асабалар жумласига кирмайдилар. Улар: қанча юқориласа ҳам, онанинг оталари, қанча юқориласа ҳам, онанинг отасининг онаси ва отанинг онасининг отаси, отанинг онасининг отасининг онасидирлар.

Учинчи синф: маййитга ака-ука ва опа-сингиллик жиҳатидан боғлиқдирларки, фарз эгалари ва асабалардан бўлмайдилар. Улар: қанча пастласалар ҳам, туғишган ёки ота бир опа-сингилларнинг

фарзандлари, туғишган ёки ота бир ака-укаларнинг қизлари ва ака-укаларнинг ўғилларининг қизлари, она бир ака-ука ва опа-сингилларнинг фарзандларидирлар.

Тўртинчи синф: маййитнинг бобо ва момоларининг зурриётлари. Уларнинг даражалари фарқли равишда қуйидагилардир: маййитнинг тоға ва холалари, қанча пастласа ҳам, уларнинг фарзандлари, ота бир ёки туғишган амакиларнинг қизлари, қанча пастласалар ҳам, уларнинг ўғилларининг қизлари. Шунингдек, маййитнинг аммалари: Уларнинг, қанча пастласалар ҳам, фарзандлари. Маййитнинг туғишган ёки ота бир амакисининг ўғилларининг қизлари ва қанча пастласалар ҳам, уларнинг барча фарзандлари ва ҳоказо.

Ҳанафий мазҳабида устун қўйилган қавл: ушбу завул-арҳомлар санаб ўтилган синфлар кетма-кетлиги бўйича меросга ҳақдор бўладилар. Яъни, асабалардаги каби аввал фарзанд тараф, кейин ота-она тараф, сўнг ака-ука тараф ва ниҳоят, амаки тараф (*Низомиддин Киронавий, "Далилул вуррос"*).

АВВАЛГИ СИНФДАГИЛАР МЕРОСИ

Уларнинг меросга энг ҳақлироғи маййитга даража эътиборидан яқинроғидир. Масалан, қизнинг қизи билан ўғилнинг қизининг қизи бўлганда, қизнинг қизи меросга ҳақлироқ саналади.

Агар улар даражада тенг бўлсалар, меросхўрнинг зурриёти завул-арҳомнинг зурриётидан кўра ҳақлироқдир. Масалан, ўғилнинг қизининг қизи билан қизнинг қизининг ўғли бўлганда, ўғилнинг қизининг

қизи меросга ҳақлироқ ҳисобланади. Зеро, унинг онаси, яъни ўғилнинг қизи ўғил бўлмаганда фарз соҳибаси бўлади.

Агар уларнинг даражалари тенг бўлиб, ораларида меросхўрга зурриёт киши бўлмаса ёки барчалари меросхўрнинг зурриётидан бўлсалар, имом Абу Юсуф раҳмаҳуллоҳ наздида, зурриётларнинг айни ўзлари эътиборга олинади ва уларга мерос шунга мувофиқ тақсимлаб берилади. Бунда ўша зурриётлар маййитга эркак ёки аёл тарафидан боғланган эканлигига қаралмайди.

Имом Муҳаммад раҳимаҳуллоҳ наздларида, зурриётлар маййитга бир жинс орқали боғланган бўлсалар, уларга мерос ўзларига мувофиқ тақсимлаб берилади. Агар меросхўр зурриётлар маййитга турли жинс орқали боғланган бўлсалар, уларга ўша боғланган тарафнинг мероси берилади.

Масалан, бир киши қизнинг ўғли ва қизнинг қизини қолдирса, иккала имом наздларида, мерос зурриётларнинг ўзларига мувофиқ, бир эркакка икки аёл улуши кўринишида тақсимлаб берилади.

Аммо бир киши қизининг ўғлининг қизини ва қизининг қизининг ўғлини қолдирса, имом Абу Юсуф раҳмаҳуллоҳ наздларида, ўғил зурриётга $\frac{2}{3}$ улуш, қиз зурриётга $\frac{1}{3}$ улуш бўлади. Имом Муҳаммад раҳимаҳуллоҳ наздларида эса, қизининг ўғлининг қизига отасининг улуши, яъни $\frac{2}{3}$ улуш, қизининг қизининг ўғлига онасининг улуши, яъни $\frac{1}{3}$ улуш берилади.

Фатво имом Муҳаммад раҳимаҳуллоҳнинг қавл-ларига биноандир (*Низомиддин Киронавий, “Далилул вуррос”*).

ИККИНЧИ СИНФДАГИЛАР МЕРОСИ

Улардан маййитга қайси тарафдан бўлса ҳам, энг яқини меросга энг ҳақдорроғидир. Агар даражада тенг бўлсалар, икки тарафнинг қай бири маййитнинг тўғридан-тўғри меросхўрига, яъни фарз эгасига боғланган бўлса, ўшаниси ҳақлироқ саналади. Масалан, бир кишидан онанинг отасининг отаси ва онанинг онасининг отаси қолса, онанинг онасининг отаси меросга онанинг отасининг отасидан ҳақлироқ бўлади. Зеро, онанинг онасининг отаси маййитга тўғридан-тўғри меросхўр, яъни фарз эгаси бўлмиш момо билан боғланган. Онанинг отасининг отасининг ҳолати эса ундай эмас. Агар тарафлар даражада тенг, қаробатлари бир хил (ота тарафдан қариндош ёки она тарафдан қариндош) ва ҳар бири маййитнинг тўғридан-тўғри меросхўрига боғланган бўлса, улар меросни ўзларига мувофиқ тақсимлаб оладилар.

Агар фарқланиш қаробат жихатидан бўлиб, завул-арҳомларнинг барчаси маййитнинг тўғридан-тўғри меросхўрига боғланган бўлса ёки бирортаси боғланмаган бўлса, ота тарафга $2/3$ улуш, она тарафга $1/3$ улуш берилади. Сўнгра ота ва она тарафдагиларга ўша улуш тақсимланади (*Низомиддин Киронавий, “Далилул вуррос”*).

УЧИНЧИ СИНФДАГИЛАР МЕРОСИ

Уларнинг меросдаги ҳукмлари аввалги синфнинг ҳукми кабидир. Яъни, маййитга энг яқини меросга энг ҳақдоридир. Агар яқинликда тенг бўлсалар, асабанинг зурриёти завул-арҳомнинг зурриётидан кўра ҳақлироқ

ҳисобланади. Масалан, бир киши ортида акасининг ўғлининг қизини ва синглисининг қизининг ўғлини қолдирди. Ака ва сингил туғишган ёки ота бир ёки бири туғишгану бири ота бир бўлсалар, мероснинг барчаси аканинг ўғлининг қизига бўлади. Агар шу ҳолатда она бир ака ва сингил бўлсалар, имом Абу Юсуф раҳимаҳуллоҳ наздларида, мерос уларнинг зурриётларига бир эркакка икки аёл улуши тариқасида тақсимланади. Аммо имом Муҳаммадраймаҳуллоҳнинг наздиларида, бу ўринда зурриётлар эмас, асллар эътиборга олинади. Шу сабабдан асллар бўлмиш ака ва сингил бир онадан бўлганлари учун худди она бир фарзандларнинг ўзлари меросда тенг шерик саналганлари каби уларнинг зурриётлари ҳам тенг шерик бўладилар. Бунда она бир аканинг ўғлининг қизига бир улуш, она бир сингилнинг қизининг ўғлига бир улуш бўлади. Имом Муҳаммад раҳимаҳуллоҳнинг қавллари зоҳири ривоядир (*Низомиддин Киронавий, “Далилул вуррос”*).

ТЎРТИНЧИ СИНФДАГИЛАР МЕРОСИ

Ушбу тоифа меросхўрлар ичида завул-арҳомлардан ёлғиз ўзи бўлса, барча меросни олади. Агар улардан бир нечтаси жамланган ҳолида қаробатларининг ўрни эътиборидан бир ўринда бўлсалар, ота-она бир тараф меросга ҳақдорроқдир. Яъни, ота-она бир тараф ота бир ёки она бир тарафдан авлороқ ҳисобланади. Агар қаробатларининг ўрни тенг ҳамда эркак ва аёл аралаш бўлсалар, бир эркакка икки аёл улуши берилади. Агар уларнинг қаробатларининг ўрни турлича бўлса, масалан, амма билан тоға бўлсалар, қаробат қув-

ватининг эътибори йўқ ва амма ота тараф бўлгани учун отанинг учдан икки – $2/3$ улушини олади, тоға она тараф бўлгани учун онанинг учдан бир – $1/3$ улушини олади.

Тўртинчи синфдагилар фарзандларининг меросга энг ҳақлироғи, қайси тарафдан эса-да, маййитга энг яқин бўлганидир (*Низомиддин Киронавий, “Далилул вуррос”*).

МАВЛАЛ-МУВАЛОТНИНГ МЕРОСГА ҲАҚДОР БЎЛИШЛАРИ ҲАҚИДА

Мавлал-мувалот деганда, насаби номаълум икки кишининг ёки насаби номаълум бир кишининг насаби маълум бўлган бошқа киши билан муайян кўринишда ўзаро келишиб олишлари тушунилади. Улар ўзаро бир-бирларига ёки насаби номаълум бўлгани насаби маълумига: “Агар мен товон тўлашни шарт қилувчи жинойт қилиб қўйсам, сен ўша товон пулини тўлаб, мени озод қилиб оласан ва сен менга меросхўр бўласан”, деб келишиб олган бўладилар. Бошқача қилиб айтганда, “асабаларим бўлмагани учун сен менга асабанинг ўрнини босасан ва меросимни оласан” қабалидаги келишув бўлади. Улар ҳаётда бир-бирларини қўллаб юрадилар ва бири вафот топганда бошқаси унга меросхўрлик қилади. Бу келишув насаби номаълум бўлгани учун меросхўри бўлмаган икки киши орасида ёки насаби номаълум киши тарафидан насаби маълум кишига айтилган бўлиши лозим. Зеро, ўз меросхўри маълум бўлганда, бегона одамга “меросимни сен оласан”, дейиш жоиз эмас ва унинг гапи ўтмайди. Агар насаби номаълум бир киши насаби маълум бошқа бир

кишига: “товон тўлашни шарт қилувчи жиноят қилиб қўйсам, сен ўша товон пулини тўлаб, мени озод қилиб оласан ва меросхўрим бўласан”, деб айтса, бир тарафлама мавлал-мувалот бўлади. Яъни, насаби маълум инсон юқоридаги гапни айтган насаби номаълум инсоннинг мавлал-мувалоти ва ягона меросхўрига айланади. Аслида, бу ҳолларда товон тўлаш, ҳаётда қийинчиликка тушганда моддий ва маънавий қўллаш асабаларнинг иши. Аммо асабаси йўқ киши шу каби келишув ила ўзи учун асабаларнинг ўрнини босувчи инсонни пайдо қилади.

Мавлал-мувалот меросга ҳақдор бўлиши учун маййитнинг фарз эгаларидан ҳисобланувчи қариндошлари, асабалари ва завул-арҳомлари бўлмаслиги шарт.

Агар маййит ҳаётлигида товон тўлашни шарт қилувчи жиноят қилган ва унинг мавлал-мувалоти товон тўлашдан бош тортган бўлса, улар орасидаги келишув бузилгани учун товон тўлашдан бош тортган одам мерос олмайди.

Агар маййит ҳаётлигида товон тўлашни шарт қилувчи жиноят қилган ва товонини бошқа мавлал-мувалот тўлаган бўлса, товонни тўлаган мавлал-мувалот унинг меросхўрига айланади. Бундан насаби номаълум инсон бир ва ундан кўп инсонлар билан шу тарзда келишиши мумкинлиги, улардан қай бири келишувга амал қилса, ўша меросга ҳақдор бўлиши ва товон тўлашда биттадан кўп мавлал-мувалот қатнашган бўлса, улар меросни тўловга мувофиқ тақсимлаб олишлари келиб чиқади.

Радд масаласида эр-хотин ўз улушларини олганларидан сўнг ҳисобга олинмаганликлари каби

улардан ортган барча меросга мавлал-мувалот ҳақдор бўлади.

Мавлал-мувалот тўрт мўътабар фикҳий мазҳаблар ичида фақатгина ҳанафий мазҳабида меросга ҳақдорлардан деб саналган (*Ибн Обидийн, “Раддул Мухтор”*).

НАСАБИ БОШҚАГА ИҚРОР ҚИЛИНГАН, АММО СОБИТ БЎЛМАГАН ИНСОННИНГ МЕРОСГА ҲАҚДОР БЎЛИШИ ҲАҚИДА

Турли даража ва кўринишлардаги насаб собит бўлиши оталик ва фарзандлик собит бўлишига боғлиқдир. Масалан, бир киши бир боланинг отаси эканлиги очиқ-ойдин ҳужжат ила собит бўлса, бошқа даража ва кўринишлардаги насаблар, яъни ака-укалик, амакилик, боболик ва ҳоказо насаблар ҳам отанинг собит бўлган насабига эргашган ҳолда собитлик топади. Оталик ва фарзандлик насаби тўшак ила ёки очиқ-ойдин ҳужжат келтириш орқали ёхуд бир киши оталикни ёки фарзандликни даъво қилганда, даъво қилинган инсон шунга иқрор бўлиши воситасида собит бўлиши мумкин. Насаб собит бўлганда мерос олиш ва қолдириш ҳақиқий насаб орқали қандай амалга ошса, шундай амалга ошади. Собит бўлган насаб худди ҳақиқий насаб кабидир.

Аммо гоҳида бирорта меросхўри бўлмаган инсон бошқа бир инсонни “бу киши менинг акам” ёки “менинг амаким”, деб насабни бошқага иқрор қилади. Масалан, “бу киши менинг акам”, деганда, у насабни бошқага, яъни ўз отасига иқрор қилган бўлади. Бу ҳолатда насаб собит бўлмайди. Бунда насаби собит

бўлмаган инсон учта шарт билан мероснинг барчасига ҳақдорлик қилади:

1. Насаби иқрор қилинган, аммо собит бўлмаган инсоннинг насаби мутлақо номаълум бўлиши шарт. Зеро, насаби маълум одамнинг кимдан мерос олиши ҳам маълум бўлади.

2. Уни иқрор қилган инсон ўша иқроридан вафот топгунича қайтмаган бўлиши шарт. Агар у вафот топгунича иқроридан қайтган бўлса, иқрор қилинган инсон мерос олмайди.

3. Маййитнинг фарз эгаларидан бўлган қариндошлари, асабалари, завул-арҳомлари ва мавлалмувалотлари бўлмаслиги шарт.

Радд масаласида эр-хотин ўз улушларини олганларидан сўнг ҳисобга олинмаганликлари каби улардан ортган бутун меросга насаби бошқага иқрор қилинган киши ҳақдор бўлади.

Насаби иқрор қилинган, аммо собит бўлмаган инсон фақатгина ҳанафий мазҳабида меросга ҳақдорлардан деб саналган (*Ибн Обидийн, "Раддул Мухтор"*).

МЕРОСНИНГ УЧДАН БИРИДАН КЎПРОҒИ ВАСИЯТ ҚИЛИНГАН ИНСОННИНГ МЕРОСГА ҲАҚДОР БЎЛИШИ

Аввалроқ ўрганганимиздек, маййит ўзидан қолувчи меросни бир кишига учдан биридан кўпроқ васият қилса ҳам, унинг васияти молининг учдан бирига ўтади. Аммо маййитнинг фарз эгаларидан бўлган қариндошлари, асабалари, завул-арҳомлари, мавлалмувалотлари ва насаби бошқага иқрор қилинган

кишиси бўлмаса, мероснинг учдан биридан кўпи ёки барчаси васият қилинган инсон ўша васият қилинган миқдорни олади. Васият қилинган шахсдан мерос ортиб қолса, байтулмолга ўтказилади. Ўзининг меросхўрига васият қилиш жоиз эмас. Агар маййит шундай васият қилган бўлса, васияти ўтмайди (*Ибн Обидийн, “Раддул Мухтор”*).

МЕРОСНИ ОХИРГИ БЎЛИБ БАЙТУЛМОЛ ОЛИШИ ҲАҚИДА

Маййитнинг меросига ҳақдорлардан деб санаб ўтилганлар сирасидан мутлақо ҳеч кими бўлмаса, унинг моли байтулмолга топширади. Байтулмол мусулмонларнинг умумий хазинасидир. Мутааххир уламолар: “Байтулмол мавжуд бўлмаганда, маййитдан қолган мерос унинг эри ёки хотинига, улар ҳам бўлмаса, мусулмонлар манфаати учун ишлатилсин, деб омонатдор кишига берилади”, деганлар.

БАЪЗИ МЕРОСХЎРЛАРГА БОҒЛИҚ БЎЛГАН ҲУКМЛАР

Ушбу бўлимда баъзи меросхўрларнинг мерос олишлари, бошқани ҳажб қилишлари ва шунга ўхшаш бошқа маълумотлар келтирилади. Биз ҳозир ўрганмоқчи бўлган, меросга тааллуқли инсонлар тоифаси қуйидагилар:

1. Хомила.
2. Бедарак йўқолган.
3. Муртад.
4. Асир
5. Хунаса.

6. Шаръий жиҳатдан отаси йўқ инсон.

7. Баробар вафот топгани учун қай бири биринчи вафот этгани билинмай қолган ўзаро меросхўрлар.

8. Талоқ қилинган ва иддаси чиқмаган аёлнинг меросга ҳақдор бўлиши ёки бўлмаслиги.

ҲОМИЛА

Ҳомила деб, онанинг қорнидаги ўғил ёки қиз фарзандга айтилади. Юқорида қайд этиб ўтилганидек, меросхўр ўз мерос қолдирувчиси вафот этганда тирик бўлса, у ҳам меросдан улуш олади. Шу сабабдан агар бир киши вафот этганда, унинг хотини ҳомиладор бўлса, ўша ҳомила туғилгач, мерос олади. Ҳомила тирик ёки ўлик, ўғил ёки қиз, бир ёки бир нечталиги маълум бўлмагани учун меросни охиригача тақсимлаш мумкин бўлмайди. Ҳанафий мазҳабида эҳтиётан ҳомилани тўрт ўғил ёки тўрт қиз (қай бири кўпроқ улуш олса, шуниси) деб ҳисоблаб, тарика бошқа меросхўрларга бўлиб турилади. Бу гап имом Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳга мансуб. Имом Абу Юсуф раҳимахуллоҳ наздларида ҳомилани, бир ўғил ёки бир қиз (қай бири кўпроқ улуш олса, шуниси) деб ҳисоблаб, тарика бошқа меросхўрларга тақсимлаб турилади. Фатво имом Абу Юсуф раҳимахуллоҳнинг қавллари асосида берилади. Ҳомила дунёга келгач, мерос барча ҳақдорлар орасида буткул тақсим қилинади.

Фароиз илми уламолари ҳомиланинг мерос олиши учун икки шарт бор, дейдилар:

1. Ҳомила тирик ҳолда туғилиши. Ҳанафий мазҳабида, Ҳомиланинг тирик туғилиши – унинг кўп

қисми туғилгач, кўзи қимирлаши, лаби ҳаракат сездириши, овоз чиқариши каби аломатлар ила собит бўлади. Агар ҳомиланинг аксар қисми туғилиб, унда ҳаёт белгиси кўринса, у мерос олади ва мерос қолдиради. Аммо ҳомилада ҳаёт асорати кўринмаса, у мерос олмайди ва ҳажб ҳам қилмайди.

2. Мерос қолдирувчиси вафот этган вақтда ҳомила она қорнида мавжуд бўлиши. Ҳанафий мазҳабида ҳомиланинг она қорнида туғилгунича туриш муддатининг энг ози олти ой, ўртача муддати тўққиз ой ва энг узоқ муддати йигирма тўрт ойдир. Мана шу муддатларнинг энг узоғига қиёслаб мерос қолдирувчиси вафот этган вақтда ҳомила она қорнида мавжуд эдими ёки йўқми, билиб олса бўлади. Шу сабабдан бир киши вафот этса, ундан мерос олиши мумкин бўлган ҳомила бор ёки йўқлигини мерос тақсимотидан аввал суриштириш керак, дейилади. Агар ҳомила бўлса, юқорида айтиб ўтилганидек, тақсим қилиб турилади. Агар ҳомила йўқлиги аниқ бўлса, мерос тақсим қилинади. Аммо бир киши вафот этгач, унинг хотини эрининг вафотидан бир йил ўтгач, эридан ҳомиладор эканлигини айтса, хотиннинг гапи қабул қилинади. Зеро, айтиб ўтганимиздек, ҳанафий мазҳабида ҳомиланинг она қорнида туғилгунича туриш муддатининг энг узоғи йигирма тўрт ой. Бундай муддатга йигирма тўрт ой эканлигига уламоларимиз қуйидаги ривоятни далил қилиб келтирганлар: Имом Байхақий Оиша розияллоҳу анҳодан қуйидагини ривоят қилганлар:

لا يَبْقَى الْوَلَدُ فِي رَحِمِ أُمِّهِ أَكْثَرَ مِنْ سَنَتَيْنِ ...

“Бола онасининг бачадонида икки йилдан ортиқ қолмайди...”.

Ҳомила меросга ҳақдорлик бобида олти хил ҳолатда бўлади:

1. Мутлақо меросхўр бўлмайди. Мисол: бир киши вафот этиб, ортида хотини, отаси, бошқа эрдан ҳомиладор бўлган онаси қолди. Бунда она бир ака ёки ука, опа ёки сингил ота билан ҳажб бўлгани учун умуман мерос олмайди. Шу сабабдан мерос тақсимотида унинг туғилиши кутиб турилмайди.

2. Ҳомила ўғил ёки қиз эканлигига кўра мерос олиш ёки олмаслиги. Мисол: бир киши вафот этиб, ортида хотини, амакиси ва туғишган акасининг ҳомиладор хотини қолган. Хотин тўртдан бир – $1/4$ улуш олади. Мероснинг қолган қисми ҳомила туғилгунича тақсимланмай турилади. Агар ҳомила ўғил бўлиб туғилса, асабалик жиҳатидан қолган тариканинг барчасини олади. Чунки у туғишган аканинг ўғли бўлгани учун асабалик жиҳатидан амакидан олдин туради. Агар қиз туғилса, унга ҳеч нарса берилмайди, қолган мерос амакига берилади. Зеро, амаки асаба, ушбу туғилган қиз эса завул-арҳомлардандир.

3. Ҳомила ўғил бўлсин, қиз бўлсин, ҳар қандай ҳолатда мерос олиши. Мисол: бир киши вафот этиб, ортида ҳомиладор хотини, ота-онасини қолдирди. Бунда ҳомила ўғил деб фараз қилинади. Зеро, бу ҳолатда ўғил қиздан кўра кўпроқ улуш олади. Эҳтиёти шу. Хотинига саккиздан бир – $1/8$ улуш тегади. Ота олтидан бир – $1/6$, она олтидан бир – $1/6$ улуш олади. Қолган мерос ўғил деб ҳисобланаётган ҳомилага асабалик жиҳатидан берилади. Аммо агар ҳомила қиз

туғилса, қиз ярим – $1/2$ улуш олади. Хотин ва она аввалги тақсимотдаги улушларига эга бўладилар. Қолган мерос фарз эгаси ва асабалиги учун отага тегади.

4. Қиз ёки ўғиллигига қараб меросдаги улуш фарқ қилмаслиги. Мисол: бир аёл вафот этиб, ортида туғишган синглиси, ота бир синглиси ва бошқа эрдан ҳомиладор бўлган онаси қолди. Она олтидан бир – $1/6$, туғишган сингил ярим – $1/2$ улуш олади, ота бир сингил олтидан бир – $1/6$ улушга эга бўлади. Ҳомила ўғил бўлсин, қиз бўлсин, унга олтидан бир $1/6$ берилади.

5. Ҳомила билан бирга умуман бошқа меросхўр бўлмаслиги ёки у билан бирга меросхўр бўлса ҳам, ўша меросхўр ҳомила ўғил туғилгани сабабидан ҳажб бўлиши.

6. Қиз ёки ўғиллигига қараб мероснинг барчасини ёки ярмини олиши. Мисол: бир киши вафот этиб, ортида ўғлининг ҳомиладор хотини ва ота бир укасини қолдирди. Ҳомила ўғил бўлса, бутун меросни олади. Қиз бўлса, ярим улуш олади. Қолганини маййитнинг асабаси олади. Агар асаблар бўлмаса, қолгани радд қоидасига кўра қизга берилади.

Ҳомиланинг улуши ва эҳтиётан тақсимланмаган улушлар ҳомила дунёга келгунича ёки мерос тақсимотини буткул амалга ошириш имконияти мавжуд бўлгунича омонатдор кишилар қўлида омонат бўлиб туради.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

Бедарак йўқолган инсон араб тилида “мафқуд” (مفقود) деб аталади. “Мафқуд” луғатда йўқолган, зое бўлган маъноларини ифодалайди.

Мафқуд мерос уламолари истилоҳида қуйидагича таърифланади: “Тирик ёки ўликлиги маълум бўлмаган, изи номаълум бўлиб, хабари йўқ бўлган шахс – мафқуддир”. Унинг мулки фақат қози уни вафот топган, деб ҳукм чиқарганидан кейингина меросхўрларга бўлиб берилади.

Ҳанафий мазҳабида бедарак йўқолган инсоннинг вафоти аниқ бўлмагунича ёки қози уни вафот топган, деб ҳукм қилмагунича хотини ундан талоқ бўлмайди, тузган ижара шартномаси бекор этилмайди, мол-мулки меросхўрларга тақсимланмайди.

Бир киши бедарак йўқолгач, у бошқадан мерос олмайди ва васият қилинган нарсани ҳам олмайди. Бу нарсалар унинг тирик ёки ўлик эканлиги аниқ бўлмагунича ушлаб турилади. Агар бедарак йўқолган инсон тирик ҳолда топилса, меросдан ўз улушини ва унга қилинган васиятни олади. Агар вафот топгани аниқланса ёки қози уни вафот топган деб ҳукм қилса, меросдаги улуши ва унга қилинган васият бошқа меросхўрларга тақсимлаб юборилади.

Ҳанафий мазҳабида бедарак йўқолган кишининг тенгқурлари вафот қилиб тугайдиган муддат ўтса, вафот топган деб ҳукм қилинади. Ушбу муддатни баъзи уламолар тўқсон йил деганлар.

Аммо аксар ҳанафий фақиҳлар “Бу ҳолатда иш имомнинг раъйига қараб бўлади. У мафқудни

қидиртиради, суриштиради ва уни топиш, тирик ёки ўлик эканлигини билиш йўлидаги барча чоратадбирларни қўллайди. Бунда муайян муддатга эътибор бермайди. Сўнгра унинг ўлими ҳақида ҳукм чиқариш ўринли бўлса, шундай ҳукм чиқаради”, деб айтганлар.

Мафқуд вафот топган деб ҳукм қилинган, пайдо бўлиб қолса, у меросхўрлардан ўз насибасини олади. Аммо унинг улуши уларнинг мулкидан чиққан бўлса, ўша меросхўрлар унга унинг улушини тўлаб бермайдилар. Зеро, меросхўрлар унинг улушини қозининг ҳукми ила, шариатга мувофиқ тақсимлаб олгандирлар.

Мафқуднинг мерос олишида икки ҳолат мавжуд:

1. Ўзи билан бирга бўлган ворисларни ҳажби ҳирмон қилади. Мисол: бир киши вафот этиб, ортида туғишган ука, туғишган сингил ва бир бедарак йўқолган ўғил ворис қолдирди. Агар ўғил тирик бўлса, ука ва сингилни ҳажби ҳирмон қилади. Яъни, улар умуман мерос олмайдилар. Шунинг учун то ўғилнинг тирик ёки ўлик эканлиги аниқ билинмагунча мерос тақсимоти тўхтатиб турилади. Ўғил тирик бўлса, барча молни олади, агар қози уни ўлган, деб ҳукм қилса, бошқа ворисларга улушлари баробарида мерос тақсим қилинади.

2. Бошқаларни ҳажб қилмасдан, уларга меросда шерик бўлади. Мисол: бир киши вафот этиб ортида хотини, онаси, ота бир акаси ва бедарак йўқолган туғишган укасини қолдирди. Бунда хотин тўртдан бир – $1/4$, она олтидан бир – $1/6$ улуш олади. Сўнгра токи мафқуднинг тирик ёки ўлик эканлиги аниқ билинмагунча мерос тақсимоти тўхтатиб турилади.

Бедарак йўқолган туғишган ука тирик ҳолда топилса, у асабалик жиҳатидан қолган бутун меросни олади. Агар унинг вафот топганлиги аниқланса ёки вафот этганига ҳукм қилинса, ота бир ака асабалик жиҳатидан қолган бутун меросни олади.

МУРТАД

Муртад (مُرْتَدٌ) деб, Ислом динидан қайтган одамни айтилади.

Муртад Ислом динидан қайтган ҳолда ўлса ёки ўлдирилса ёки дорул-ҳарбга қочиб кетгач, қози унинг дорул-ҳарбга қўшилгани ҳақида ҳукм қилса, мусулмон ҳолида топган мол-дунёси унинг мусулмон меросхўрларига шариатга мувофиқ тақсимлаб берилади. Имом Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳнинг наздларида муртадлик ҳолида топган мол-дунёси байтулмолга қўйилади (байтулмол мавжуд бўлмаганда, муртаддан қолган мерос мусулмонлар манфаати учун ишлатилсин деб, омонатдор кишига берилади). Имом Абу Юсуф ва имом Муҳаммад раҳимаҳумаллоҳ наздларида, иккала ҳолатда топган барча мол-дунёси унинг мусулмон меросхўрларига тақсимлаб берилади.

Агар диндан қайтган одам аёл киши бўлса, барча уламоларимиз наздида, унинг қолдирган мол-мулки мусулмон меросхўрларига тақсимлаб берилади.

Муртад эркак бўлсин, аёл бўлсин ҳеч кимдан, мусулмондан ҳам, аслий кофирдан ҳам, ўзига ўхшаш муртаддан ҳам мерос олмайди.

АСИР

Асир – дорул-ҳарбда кофирлар қўлида тутқун бўлиб турган инсон. У худди бошқа мусулмонлар каби мерос олади ва мерос қолдиради. Бунда унинг бошқа мусулмонлардан фарқи йўқ. Фақатгина у ўз мол-мулкани вакили орқали идора қилади. Агар у кофирлар қўлида динидан қайтса, муртад ҳукмидадир. Агар унинг диндан қайтганлиги ёки қайтмаганлиги, ҳаёт ёки вафот топганлигини билиб бўлмаса, мафқуд, яъни бедарак йўқолганнинг ҳукмида қолади (*Сирожиддин Сижовандий, “Фароизи Сирожия”*).

ХУНАСА

Хунаса – эркаклиги ҳам, аёллиги ҳам номаълум инсон. Бунда унинг хулқи эътиборга олинмайди. Хунаса эркакча хулқли ёки аёлларга хос хулқли бўлиши мумкин. Агар тиббиётнинг шу соҳасида мутахассис бўлган, инсофли мусулмон олимлар уни эркак десалар, эркакка ҳукм қилинади. Аёл десалар, аёлга ҳукм қилинади ва у хунаса деб ҳисобланмайди.

Уламоларимиз “Хунаса меросда икки улушнинг кам тарафига ҳақдор бўлади”, деганлар. Масалан, бир киши мерос қолдирганда, унинг хунаса фарзанди бўлса ва меросдаги кам улушни қизники кам бўлса, қизникини, ўғилники кам бўлса, ўғилникини олади. Мисол: бир аёл вафот этди ва ортида эрини, ота-онасини ва хунаса фарзандини қолдирди. Ушбу ҳолатда хунаса фарзанд ўғил бўлганда қанча улуш ва қиз бўлганда қанча улуш олишига қаралади. Сўнгра икки ҳолатдан қай бирида кам улуш тўғри келса, ўша

улушга ҳақдор қилинади. Мисолимизда эр тўртдан бир – $1/4$ улуш олади. Онага олтидан бир – $1/6$ улуш берилади. Хунаса фарзанд (қизнинг фарз улуши) $1/2$ улуш олади. Отага асабалик жиҳатидан қолган улуш берилади.

ШАРЪИЙ ЖИҲАТДАН ОТАСИ ЙЎҚ ИНСОН

Шаръий жиҳатдан отаси йўқ деганда, икки тур фарзанд тушунилади:

1. Зино орқали дунёга келган фарзанд.
2. Аёлнинг ҳомиладор ёки туққан ҳолида ўша фарзандга нисбатан ўзаро лиён айтишган эр-хотиннинг фарзанди.

“Лиён – эр ўз аёлини зинода айблаганда ёки ҳомиласини ё туққан фарзандини бошқадан деб даъво қилганда, қози ҳузурида иккала тараф ўзининг рост айтаётганлигига агар Аллоҳнинг номи ила тўрт марта ёлғончи бўлса, унга Аллоҳнинг лаънати, ғазаби бўлишини бир марта айтиб эълон қилишдир”. Яъни, эр хотинини зинода айблаб ёки туққан боласи бошқа эркакдан бўлганини таъкидлаб лиён айтади. Хотин эса, зинони ёки туққан боласи бошқа эркакдан эканлигини рад этиб лиён айтади.

Фарзандга нисбатан ўзаро лиён айтишилганда ёки фарзанд зино сабабидан дунёга келганда, ўша фарзанд фақат онасига нисбат берилади ва фақат она тараф унга меросхўр бўлади. У ҳам фақат она тарафдан мерос олади.

Агар бир аёл насаби номаълум бўлган болани топиб олиб, ўз қарамоғига олса, ўша аёл унинг қолдирган бутун меросига эга бўлади.

Асраб олинган бола насаби номаълум бўлгани учун мерос масаласида бегона ҳукмида бўлади ва меросдан ҳеч нарса олмайди.

**ЎЗАРО МЕРОСХЎР БЎЛГАНИ ҲОЛДА БАРОБАР
ВАФОТ ТОПГАНИ УЧУН ҚАЙ БИРИ АВВАЛ
ВАФОТ ЭТГАНИ БИЛИНМАЙ ҚОЛГАН
ИНСОНЛАРНИНГ МЕРОСИ ҲАҚИДА**

Икки ва ундан кўп ўзаро меросхўр бўлган инсонлар денгизда баробар фарқ бўлса ёки ҳаммаси ёнғинда ёниб кетса ёхуд том, девор босиб, барчаси вафот этса ёки автоҳалокатга учраса ва улардан қай бири олдин вафот топгани маълум бўлмаса, барчаси бир вақтда вафот топган деб ҳукм қилинади. Уларнинг мол-мулклари ҳаёт бўлган меросхўрларига тақсимлаб берилади ва бир вақтда вафот топганлар бир-бирларидан ўзаро мерос олмайдилар ва бир-бирларига ўзаро мерос қолдирмайдилар. Улар мерос масаласида ҳудди мавжуд бўлмаган инсон сифатида қараладилар (*Сирожиддин Сижовандий, “Фароизи Сирожия”*).

Аммо уларнинг қай бири аввал вафот топгани аниқланса ёки мерос қолдирувчи вафот қилгач, унинг мероси тақсимланмасдан туриб, меросхўрлардан бири вафот этса, мерос илмида “муносаха” деб номланувчи ҳолат юзага келади. “Муносаха” масаласи юқорида кўриб ўтилди...

ТАЛОҚ ҚИЛИНГАН ВА ИДДАСИ ЧИҚМАГАН АЁЛНИНГ МЕРОСГА ҲАҚДОР БЎЛИШИ ЁКИ БЎЛМАСЛИГИ

Талоқ икки хил бўлади: ражъий талоқ, боин талоқ.

Ражъий талоқ – очиқ талоқ лафзи ила қўйилган талоқ бўлиб, эр ражъий талоқ қилган хотинига унинг иддаси чиққунича, янги никоҳ ақди боғламасдан туриб қайтиши жоиз бўлган талоқдир. У учта талоқдан кам бўлади.

Боин талоқ – боин эканлиги изҳор қилинган ёки талоқнинг ҳам, бошқа нарсанинг ҳам эҳтимоли бўлган киноя лафз ила қўйилган ёки хулуъ йўли ила ва бошқа суратларда тушган талоқ бўлиб, эр талоқ қўйган заҳоти ораларидаги никоҳ ақдини узувчи битта, иккита ёки учта бўлувчи талоқдир. Ораларида боин талоқ юз берган эркак ва аёл яна эр-хотин бўлишлари учун янги никоҳ ақди боғлашлари шарт. Аммо уч талоқ қўйилган бўлса, аёл олдинги эрига қайта никоҳланиши жоиз бўлиши учун қўйидагилар шарт: бошқа эрга саҳиҳ никоҳ ила никоҳланиши, унинг билан жинсий қўшилиш, ундан талоқ ёки ўлим сабабидан буткул ажралиши.

Зикр қилинган икки тур талоққа мерос қолдириш жиҳатидан қаралганда – эр соғлом юрганида ёки енгил касаллигида талоқ қўйиши, ёхуд ўлим касаллигида талоқ қўйиши мумкин.

Ўлим касаллигидаги талоқ икки хил бўлади: хотинини “хотиним мерос олмаслиги оқибатида бошқа қариндошларим қолдирган меросимдан

кўпроқ олсинлар” деган ният ила талоқ қилиш ёки бундан бошқа сабаб ила талоқ қилиш.

Агар эр хотинини ражъий талоқ қилган ҳамда эр вафот топганда аёлининг иддаси чиқмаган бўлса, аёли эридан мерос олади. Акси бўлганда, яъни шундай ҳолатда аёли эридан аввал вафот топганда ҳам эри ундан мерос олади. Зеро, ражъий талоқда токи идда тугамас экан, эр-хотинлик ақди узилмай туради.

Агар эр хотинини соғлик вақтида (яъни, ўлим касаллиги вақтида эмас) боин талоқ қилган бўлса, улар орасида меросхўрлик бўлмайди. Улардан бири идда вақтида вафот топган бўлса ҳам. Зеро, бу ҳолда мерос қолдирувчи эр ҳақида – у ўлим тўшагида бўлмаганлиги сабабли – “хотиним мерос олмасин” деган ният ила хотинини талоқ қилгани ҳақида гумонга борилмайди. Чунки у хотинини ўз ўлимини гумон қилмай туриб талоқ қилган. Эр ҳам бу ҳолатда хотинидан мерос олмайди.

Агар эр хотинини ўлим касаллиги вақтида боин талоқ қилса ва эрнинг хотинини “хотиним мерос олмасин” деб талоқ қилгани ҳақида гумон қилинмаса, (масалан, хотинининг ўзи уни “қўйиб юборишини” сўраса, хотин эрини шариатда эътиборга олинган кўринишда норози қилса ёки шаръий омил сабабидан қози эр ва хотиннинг орасини ажратиб қўйса) улар орасида меросхўрлик бўлмайди. Эр ҳам, хотин ҳам бир-бирларидан мерос олмайдилар.

Аmmo эр ўлим касаллиги вақтида хотинини “хотиним мерос олмасин, фарзандларимга мол-мулкимдан кўпроқ қолсин”, деб боин талоқ қилган бўлса, аввало эр хотинидан мерос олмайди. Зеро,

эрнинг ўзи ушбу никоҳни ўз ҳоҳиши билан бузди. Энди унинг меросхўрлиги қолмади. Хотин эса то иддаси тугамас экан, меросдан ўз улушини олади. Бу ҳолатда талоқ боин талоқми, ражъий талоқми, фарқи бўлмайди. Айни шу ҳолатда эр вафот топгунича идда тугаса, никоҳдан асар ҳам қолмаганлиги учун хотин мерос олмайди.

Ораларида ботил ва фосид никоҳ бўлган эркак ва аёл бир-бирига ўзаро меросхўр бўлмайдилар (*Ибн Обидийн, “Раддул Мухтор”*).

ХОТИМА ЎРНИДА МЕРОС ТАҚСИМЛАШГА ОИД МИСОЛЛАР

Аввало Исломдаги мерос илми тарихида машхур бўлган масалаларни зикр қилиб ўтсак.

Икки Умария масаласи:

Мерос тақсимотида она ота билан бирга бўлса ва бошқа меросхўр бўлмаса, аслида меросдан учдан бири – $\frac{1}{3}$ ни олади. Лекин бу ўринда “умария” деб номланувчи икки масала борки, уларга кўра мазкур қоидага хилоф қилинади. Умария деб номланишининг сабаби, бу масала ҳазрати Умарнинг ҳукмлари ва бошқа саҳобаларнинг бунга розилик изҳор қилганлари сабабли бўлган. Бу икки масала “Қарролайн” деб ҳам аталади. Қарро дегани “ёрқин”, “нурли” маъносида бўлиб, бу масалаларнинг машхурлиги ва ҳаммага маълумлиги учундир. Ушбу масалада эр ёки хотин фарз меросини олиб бўлгач, она қолган мероснинг учдан бири – $\frac{1}{3}$ ни олади. Масаланинг сурати куйидагича: бир аёл вафот этиб, унинг эри, онаси ва отаси қолган бўлса, эр ярим – $\frac{1}{2}$ фарз улушни мерос сифатида олади. Она эрдан ортган мероснинг учдан бири – $\frac{1}{3}$ қисмини олади. Отага эса қолгани берилади. Бу ҳолда онанинг насибаси отадан кўпроқ бўлиб қолади. Чунки бунда отага олтидан бири – $\frac{1}{6}$ улуш тегади. Оқибатда, онага отанинг насибасидан икки баробар кўп мерос берилади. Она отадан кўп мерос олиши шариатда собит эмас. Аммо она эрдан ортган молнинг учдан бири – $\frac{1}{3}$ қисмини олса, бир эркакка икки аёл улуши қоидасига риоя этилади.

Масаланинг асли 6 улуш

Эр	ярим – $1/2$	3 та улуш
Она	эрдан ортган уч улушдан бир улуш	1 та улуш
Ота	асабалик жиҳатидан қолган улушлар	2 та улуш

Умария масаласининг иккинчиси қуйидагичадир: бир киши вафот этиб, ундан аёли, онаси ва отаси қолди. Хотинига тўрдан бир – $1/4$ фарз улуш, онага хотиндан ортган улушдан учдан бир – $1/3$ ҳисса тегади, ота қолганини асаба сифатида олади.

Масаланинг асли 4 улуш

Хотин	тўртдан бир $1/4$	1 та улуш
Она	хотиндан қолган улушдан учдан бир – $1/3$ ҳисса	1 та улуш
Ота	асабалик жиҳатидан қолган улушлар	2 та улуш

Умария масаласи халифа ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу даврларида содир бўлган. Саҳобалар бу масалада икки хил фикр билдирганлар:

1. Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳу ва жумҳур саҳобалар. Онага эр ёки хотиндан ортганининг учдан бири – $1/3$ беришини маъқуллаганлар.

2. Ибн Аббос розияллоҳу анҳунинг йўллари бўлиб, у киши бу масалада жумҳурга хилоф қилганлар. Яъни, Ибн Аббоснинг фикрларига кўра, онага умумий молнинг учдан бири – $1/3$ берилади.

Зайд ибн Собитнинг йўлларини барча уламолар оммаси яқдиллик ила қабул қилганлар.

Минбария масаласи:

Ҳазрати Али розияллоҳу анҳу минбарда хутба қилаётганларида одамлардан бири туриб, ўзидан икки

қиз, ота-она ва хотин қолдирган кишининг мероси ҳақида сўради. Шунда ҳазрати Али розияллоҳу анҳу ўша заҳоти: “Хотиннинг саккиздан бири – $\frac{1}{8}$ и тўққиздан бир – $\frac{1}{9}$ га айланади”, дедилар. Яъни, масаланинг асли авл бўлади ва хотин 24 та улуш ичидан олиши лозим бўлган 3 та улушни 27та улушдан олади, дедилар.

Масаланинг асли 24 дан 27 га авл бўлади.

Икки қиз	учдан икки – $\frac{2}{3}$	16 та улуш
Ота	олтидан бир – $\frac{1}{6}$	4 та улуш
Она	олтидан бир – $\frac{1}{6}$	4 та улуш
Хотин	саккиздан бир – $\frac{1}{8}$ (авл қилинишдан аввалги масаланинг аслидан $\frac{1}{8}$ улуш)	3 та улуш

Бу масала минбар устида туриб айтилгани учун “минбария масаласи” деб номланган.

Ақдария масаласи:

Бу масаланинг тақсимотини Зайд ибн Собит амалга оширганлар. Ушбу воқеа Бани Ақдар қабиласига мансуб аёлнинг масаласи бўлгани учун “ақдария” деб номланган.

Бир аёл вафот этиб, ортида эр, она, отанинг отаси, ва туғишган сингил қолдирди. Аслида эрга ярим – $\frac{1}{2}$, онага учдан бир – $\frac{1}{3}$, отанинг отасига олтидан бир – $\frac{1}{6}$ улуш берилиб, фарз улушлар ила тарика тугаши ва туғишган сингилга ҳеч нарса қолмаслиги керак эди. Аммо Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳу бу ҳолатда туғишган сингилга ярим – $\frac{1}{2}$ улуш берадилар ва масаланинг аслини 6 улушдан 9 улушга авл қиладилар. Сўнгра отанинг отасининг улуши 1 ни қизнинг улуши 3 га қўшиб, икковига бир эркакка

икки аёл улуши қоидасига биноан икковининг улуши 4 ни тақсим қиладилар. Лекин 4 ни бир эркак ва бир аёлга касрсиз бўлишнинг иложи бўлмаганлиги учун масаланинг асли 9 ни улушлари каср ҳолида чиққан меросхўрлар сони 3 га кўпайтирамиз (отанинг отаси икки туғишган сингил ўрнида ва яна бир ҳақиқий туғишган сингил). Ҳосил бўлган 27 сони масаланинг тасҳиҳидир. Энди эрнинг аввалги масаладаги улуши 3 ни 27 ни ҳосил қилишда ишлатилган 3 га кўпайтирамиз. Демак, эр 27 дан 9 та улуш олади. Сўнгра онанинг аввалги масаладаги улуши 2 ни 27 ни ҳосил қилишда ишлатилган 3 га кўпайтирамиз. Демак, она 27 дан 6 та улуш олади. Шунда қолган 12 та улушни отанинг отаси ва туғишган сингил орасида бир эркакка икки аёл улуши қоидасига мувофиқ тақсимлаймиз. Отанинг отасига 8 та улуш, туғишган сингилга 4 та улуш.

Фарз улушларга мисоллар:

Бир киши вафот этди ва ортида хотини, онаси, отаси ва ўғли қолди. Хотинга саккиздан бир – $1/8$, онага олтидан бир – $1/6$, отага олтидан бир – $1/6$ улуш тегади, қолган бутун мерос асабалик жиҳатидан ўғилга берилади.

Масаланинг асли 24 улуш

Хотин	саккиздан бир – $1/8$	3 та улуш
Она	олтидан бир – $1/6$	4 та улуш
Ота	олтидан бир – $1/6$	4 та улуш
Ўғил	қолган бутун мерос асабалик жиҳатидан	13 та улуш

Бир киши вафот этди ва ортида хотини, қизи, ўғлининг қизи, онаси ва ўғлининг ўғлининг ўғлини

Исломда мерос тақсимоти

қолдирди. Хотинга саккиздан бир – $1/8$, қизга ярим – $1/2$, ўғлининг қизига олтидан бир – $1/6$, онага олтидан бир – $1/6$ улуш ва қолган мероснинг барчаси ўғлининг ўғлининг ўғлига тақсимланади.

Масаланинг асли 24 улуш

Хотин	саккиздан бир – $1/8$	3 та улуш
Қиз	ярим – $1/2$	12 та улуш
Ўғлининг қизи	олтидан бир – $1/6$	4 та улуш
Она	олтидан бир – $1/6$	4 та улуш
Ўғлининг ўғлининг ўғли	қолган мероснинг барчаси	1 та улуш

Раддга мисол:

Бир аёл вафот топиб, ортида эрини ва учта қизини қолдирди. Эрга тўртдан бир – $1/4$, уч қизга учдан икки – $2/3$ улуш тегади. Масаланинг асли 12 та улушдир. Аммо 12 та улушни меросхўрларга бўлиб берсак, битта улуш ортиб қолмоқда. (12 - эр 3 та улуш, - учта қиз 8 та улуш = 1 улуш). Шу сабабдан масалада эр бўлгани учун масаланинг аслини 12 дан кишилар сони 4 га радд қиламиз.

Эр	тўртдан бир – $1/4$	1 та улуш
Учта қиз	тўртдан уч – $3/4$	3 та улуш, ҳар бир қизга биттадан улуш

Бир киши вафот топиб, ортида хотинини, онасининг онасини, олти нафар она бир опа-сингилларин қолдирди. Бунда хотинига тўртдан бир – $1/4$, онанинг онасига олтидан бир – $1/6$, она бир опа-сингилларга учдан бир $1/3$. Аслида масаланинг асли 12 та улуш. Аммо 12 та улушни меросхўрларга бўлиб берсак, 3 та улуш ортиб қолмоқда. (12 - хотин 3 та

улуш; онанинг онаси 2 та улуш; она бир опа-сингиллар 4 та улуш = 3 та улуш). Шунинг учун масаланинг аслини 12 дан 4 га радд қиламиз. Шунда хотинга тўртдан бир – $\frac{1}{4}$, онанинг онасига учдан бир – $\frac{1}{3}$, олти нафар она бир опа-сингилларга учдан икки – $\frac{2}{3}$ улуш берилади. Аммо масаланинг аслини 12 дан 4 га радд қилганимизда, олти нафар қизнинг улушлари каср сон билан чиқмоқда. Шунинг учун ҳозирда масаланинг асли бўлиб турган 4 сонини опа-сингиллар сонига, яъни 6 га кўпайтирамиз. 24 сони ҳосил бўлади. 24 та улушдан хотиннинг тўртдан бир – $\frac{1}{4}$ ҳиссасини (6 та улуш) унга берганимиздан кейин 18 та улуш қолди. 18 та улушнинг учдан бири $\frac{1}{3}$ (6 та улуш) онанинг онасига, 18 та улушнинг учдан иккиси – $\frac{2}{3}$, яъни 12 та улуш олти нафар опа-сингилга 2 тадан улуш тўғри келади. Демак, тасҳиҳдан сўнг масаланинг асли 24 та улушдир.

Хотин	тўртдан бир – $\frac{1}{4}$	6 та улуш
Онанинг онаси	хотиндан қолган улушнинг учдан бири	6 та улуш
Олтита опа-сингиллар	хотиндан қолган улушнинг учдан иккиси	12 та улуш

Авлга мисол:

Бир киши вафот этиб, ортида хотинини, онасини, туғишган икки опасини ва она бир икки синглисини қолдирди. Бунда хотинга тўртдан бир – $\frac{1}{4}$, онага олтидан бир – $\frac{1}{6}$, туғишган икки опага учдан икки – $\frac{2}{3}$, она бир икки сингилга учдан бир – $\frac{1}{3}$ улуш берилади. Масаланинг асли эса 12 улушдир. Аммо улушлар сони 17 та бўлгани учун масаланинг асли 12 дан 17 га авл қилинади.

Исломда мерос тақсимоти

Хотин	тўртдан бир – $\frac{1}{4}$	3 та улуш
Она	олтидан бир – $\frac{1}{6}$	2 та улуш
Туғишган икки опа	учдан икки – $\frac{2}{3}$	8 та улуш
Она бир икки сингил	учдан бир – $\frac{1}{3}$	4 та улуш

Сўзимизни оламлар Рабби бўлмиш Аллоҳга ҳамд, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга, у кишининг барча аҳллари ва саҳобаларига салавоту саломлар йўллаш ила якунлаймиз.

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
Мерос илми ва унинг фазилати	6
Мероснинг рукнлари	10
Мероснинг шартлари	11
Мерос олиш сабаблари	13
Меросдан ман қилувчи омиллар	17
Тарикага боғлиқ ҳақлар	21
Тарикага боғлиқ бўлган ҳақлар тартибидаги ҳикмат	27
Меросхўрларнинг мартабалари	29
<hr/>	
Барча меросхўрларнинг баёни	30
Қуръонда келган фарз улушлар	32
Фарз улушларга ҳақдор бўлган фарз эгалари	33
Асабалик ҳақида	57
Насаб жиҳатидан асаба	57
Икки тарафдан меросга ҳақдор бўлиш ҳолати	61
Сабабий асаба	62
Ҳажб ҳақида	63

Исломда мерос тақсимоти

Ҳажби нуқсон	63
Ҳажби ҳирмон	64
Фарз эгаларининг меросдаги ҳолатлари	66
Аслларнинг меросдаги ҳолатлари	66
Отанинг меросдаги ҳолатлари	66
Онанинг меросдаги ҳолатлари	68
Отанинг отасининг, қанча юқориласа ҳам, меросдаги ҳолатлари	70
Онанинг онасининг ёки отанинг онасининг, қанча юқориласа ҳам, меросдаги ҳолатлари	72
Фаръларнинг меросдаги ҳолатлари	74
Қизларнинг меросдаги ҳолатлари	74
Ўғилнинг қизларининг меросдаги ҳолатлари	75
Атрофдагиларнинг мерос олишдаги ҳолатлари	79
Туғишган опа-сингилларнинг меросдаги ҳолатлари	79
Ота бир опа-сингилларнинг меросдаги ҳолатлари	81
Она бир ака ва ука, опа ва сингилларнинг меросдаги ҳолатлари	84
Эр ва хотиннинг меросдаги ҳолатлари	85
Фарз улушларнинг махражлари ва масаланинг асли	86

Икки адад орасидаги тамосул, тадохул, тавофуқ ва табоюн ҳолатлари	88
Ададлар орасидаги тавофуқ ва табоюн ҳолатларини билиб олиш йўли	89
Масаланинг аслини тасҳиҳ қилиш	90
Ҳар бир тоифа улушининг миқдорини чиқариш йўллари	101
Авл ҳақида	103
Авл бўладиган ва авл бўлмайдиган масаланинг асллари	104
Тахоруж	106
Радд ҳақида	108
Муносаха	116
Завул-арҳомларнинг меросга ҳақдор бўлишлари	124
Завул-арҳомларнинг синфларга бўлиниши	125
Аввалги синфдагилар мероси	126
Иккинчи синфдагилар мероси	128
Учинчи синфдагилар мероси	128
Тўртинчи синфдагилар мероси	129
Мавлал-мувалотнинг меросга ҳақдор бўлишлари ҳақида	130

Насаби бошқага иқрор қилинган, аммо собит бўлмаган инсоннинг меросга ҳақдор бўлиши ҳақида	132
Мероснинг учдан биридан кўпроғи васият қилинган инсоннинг меросга ҳақдор бўлиши	133
Меросни охирги бўлиб байтулмол олиши ҳақида	134
Баъзи меросхўрларга боғлиқ бўлган ҳукмлар	134
Ҳомила	135
Бедарак йўқолган	139
Муртад	141
Асир	142
Хунаса	142
Шаръий жиҳатдан отаси йўқ инсон	143
Ўзаро меросхўр бўлгани ҳолда баробар вафот топгани учун қай бири аввал вафот этгани билинмай қолган инсонларнинг мероси ҳақида	144
Талоқ қилинган ва иддаси чиқмаган аёлнинг меросга ҳақдор бўлиши ёки бўлмаслиги	145
Хотима ўрнида мерос тақсимлашга оид мисоллар	148

Диний-маърифий нашр

ИСЛОМДА МЕРОС ТАҚСИМОТИ

“Имом Бухорий халқаро маркази” нашриёти,
160 бет.

Мухаррирлар:

**Шариф ХОЛМУРОДОВ,
Отабек МУҲАММАДИЕВ**

Мусахҳиҳ:

Дилором БОЙМИРЗАЕВА

Саҳифаловчи:

Толибжон ҚОДИРОВ

40000

“Имом Бухорий халқаро маркази” нашриёти

Лицензия: АИ № 132. 14 март 2009 й.

Самарқанд вилояти, Пайариқ тумани, Хўжа Исмоил қишлоғи.

Тел.: (0366) 673-31-60. E-mail: buxoriy_saboqlari@mail.ru

Босишга рухсат этилди: 25.10.2018 й. Бичими: 60x90 $\frac{1}{16}$.

“PT Serif” гарнитурасида офсет босма усулида босилди.

10,0 шарт. б.т. 8,52 ҳисоб нашр. таб. Адади 10000 нусха.

580-сон буюртма.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Ғафур Ғулом

номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.

100128. Тошкент, Лабзак кўчаси, 86.

www.gglit.uz. e-mail: info@gglit.uz